

Ijtimoiy-huquqiy jurnal

# HUQUQ va BIRCH

ISSN 2010-5436

№6/2020

Янги фуқаролик  
кодекси:  
опцион, узуфрукт ва  
бошқа янгиликлар

...Барча кучни  
илм олишга  
қаратмасак,  
забун бўлурмиз...

Абдусамат ПОЛВОНЗОДА:

«Пахта иши»  
қандай вужудга келган эди?

## Муассислар:

Ўзбекистон Республикаси  
Адлия вазирлиги,  
Бош прокуратураси,  
Конституциявий суди,  
Олий суди

## Таҳрир кенгаши:

Русланбек Давлетов  
Нигматилла Йўлдошев  
Бахтиёр Мирробоёв  
Козимджан Камиллов

## Бош муҳаррир:

Аслиддин Алмардонов

## Таҳрир ҳайъати:

Ақбар Тошқулов  
Бахтиёр Исаков  
Светлана Ортиқова  
Ҳаёт Шамсутдинов  
Шерзод Рабиев  
Нодирбек Салаев

## Дизайнер:

Азамат Жуманиёзов

## Навбатчи муҳаррир:

Ҳасан Нишонов

Муқовада – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган  
юрист Абдусамат Полвонзода.

Журнал саҳифаларида Аҳмад Тўра фотоларидан  
фойдаланилган.

«HUQUQ va BURCH» ижтимоий-ҳуқуқий журнали  
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2012  
йил 13 июнда 0251-сонли гувоҳнома билан рўйхатга  
олинган. Журнал 2006 йил март ойидан чиқа  
бошлаган. Ойда бир марта чиқади.

Нашр индекси: 902. Сотувда келишилган нарҳда.  
Журнал саҳифаларида чоп этилган материаллардан  
фойдаланилганда «HUQUQ va BURCH» ижтимоий-  
ҳуқуқий журналдан олинди деб кўрсатилиши шарт.  
Таҳририят тақдим этилган мақолаларни тақриз  
қилиш ва қайтариш мажбуриятини олмаган.

PR белгиси билан берилган мақолалар тижорат  
мақолалари ҳисобланади.

## Таҳририят манзили:

100115, Тошкент шаҳри, Чилонзор кўчаси, 29-уй.

## Телефонлар:

Ижодий бўлим: (71)277-04-23, (71) 277-04-51.  
Обуна бўлими: (71) 277-04-26; Бухгалтерия: (71)277-04-72  
web-site: www.huquqburch.uz;  
e-mail: info@huquqburch.uz

f facebook.com/huquqburch.uz

telegram.me/huquqburch.uz

Журнал 13.07.2020 йилда босмахонага топширилди.  
Қоғоз бичими 60x84 1/8. Офсет ўсулида босилди.  
Шартли 8 б.т. Буюртма №1797 Адади: 3900.  
«Колорпак» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.  
Тошкент шаҳри, Элбек кўчаси, 8-уй.



## ЯНГИ ФУҚАРОЛИК КОДЕКСИ:

опцион,  
узуфрукт ва  
бошқа  
янгиликлар

2

## ТАРИХИЙ ҲАҚИҚАТ ИЗИДАН...

11

«Мен учун ўз вақтида  
маънавий, амалий ёрдам  
кўрсатган Абдусамат  
Полвонзодани биринчи  
бор кўрганимдан беҳад  
қувондим. Бу инсон ва  
ҳамроҳларига шахсан ўзим  
экскурсоводлик қилдим».

«ПАХТА ИШИ»  
қандай  
вужудга  
келган эди?

15

«...БАРЧА КУЧНИ  
ИЛМ ОЛИШГА  
ҚАРАТМАСАК,  
ЗАБУН  
БЎЛУРМИЗ...»

24



МИГРАЦИЯ  
ҲУҚУҚИНИНГ  
қадимий тарихи

30

Меҳнат шартномаси мажбуриятларини бажариш жараёнида ходимнинг соғлиги, ҳаёти ёки мол-мулкига етказилган зарар миқдорини аниқлаш ва ундириш масалалари Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси ва ушбу кодекс ижросини таъминлашга қаратилган қонун ости ҳужжатлари асосида тартибга солинади. Кодекс, хусусан, меҳнат шартномаси тарафлари – иш берувчи ва ходимнинг шартнома шартларини бажариш билан боғлиқ ҳолда бир-бирига етказган зарари учун моддий жавобгарликни белгилаб беради.

### АГАР ХОДИМГА ШИКАСТ ЕТСА ЁКИ...

36

### НЕУСТОЙКА ВА АЙБНИНГ НИСБАТИ

40

### ЁШЛАР – давлат сиёсатининг объекти

44



### ЭЛ АРДОҚЛАГАН НОТАРИУС

49

### ФРАНЦИЯ

маъмурий судлари тизими ва фаолият йўналишлари

50

### МАЪМУРИЙ НАЗОРАТДАГИ ШАХСЛАР

билан амалга ошириладиган профилактик ишларнинг ҳуқуқий асослари

54



### ВОЯГА ЕТМАГАН ГУВОҲЛАР ИШТИРОКИ:

педагог ва психолог мақоми аниқ белгиланганми?


58

### ҲАЗНАЧИЛИК ТИЗИМИНИНГ

давлат бюджетни ижросида тутган ўрни

63

Маблағлари солиқлар, мажбурий тўловлар ва жарималар, шунингдек бюджет субсидияларидан шакллантириладиган давлат мақсадли жамғармалари давлат функцияларини амалга ошириш учун ташкил этилади.



## Фуқаролик кодексини янгилаш зарурати

Маълумки, халқаро ҳуқуқий ҳамжамият томонидан фуқаролик кодексига энг муҳим кодекс ва «мамлакатнинг иқтисодий конституцияси» сифатида қаралади. Унинг мукамаллиги хорижий инвестицияларни фаол жалб этишга бевосита таъсир кўрсатувчи омил ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 1996 йилда қабул қилинган бўлиб, ўтган давр мобайнида катта ўзгаришларни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишда муҳим роль ўйнади ва бозор иқтисодиёти ривожланишига ҳуқуқий замин яратди.

Шу билан бирга, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар, иқтисодиёт бир жойда тўхтаб тургани йўқ. Ўзбекистон Республикаси ривожланишининг янги босқичи иқтисодиётни янада либераллаштириш, иқтисодий муносабатларни тартибга солишда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк кафолатларини қайта қилишни кучайтириш, тадбиркорликнинг ривожланишини рағбатлантириш ва хорижий инвестицияларни фаол жалб этиш бўйича устувор вазифаларни белгилаб берди.

# Янги фуқаролик

# кодекси:

**опцион, узуфрукт ва бошқа янгиликлар**

Адлия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 апрелдаги 5464-фармойиши билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш концепцияси асосида Фуқаролик кодекси янги таҳрирда ишлаб чиқилмоқда.



Лойиҳани ишлаб чиқувчи миллий экспертлар Польша фанлар академиясида.



**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 апрелдаги 5464-фармойишида ҳам амалдаги Фуқаролик кодексининг мамлакатда тез ривожланаётган иқтисодий муносабатлар талабларига ва фуқаролик ҳуқуқи соҳасидаги халқаро стандартларга етарли даражада жавоб бера олмаслиги таъкидланган ва қуйидаги масалалар алоҳида кўрсатилган:**

**биринчидан**, кодексда эскирган ҳуқуқий институтлар, шунингдек бозор иқтисодиётига асосланган ривожланган давлатлар ҳуқуқий тизимида мавжуд бўлмаган юридик шахсларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли сақланиб қолган;

**иккинчидан**, «тижорат таваккалчилиги», «хўжалик юритувчи субъектлар тенглиги», «адолатли компенсация», «шартномавий мажбуриятларни бажаришдан бош тортиш» каби аънанавий фуқаролик-ҳуқуқий институтлар мавжуд эмас;

**учинчидан**, замонавий бозор шароитларида талаб этиладиган фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар ва муносабатларнинг алоҳида шакллари, шу жумладан, давлат-хусусий шериклиги, дилерлик шартномаси, улушли қурувчилик, кластер ишлаб чиқариш, электрон тижорат, криптовалюта айланмаси, ер участкаси-ни хусусийлаштириш ва бошқаларни тартибга солиш назарда тутилмаган;

**тўртинчидан**, кўп миқдордаги ҳаволаки нормаларнинг (80 га яқин) мавжудлиги кодекснинг тўғридан-тўғри амал қилувчи ҳужжатга айланишига тўсқинлик қилмоқда ва унинг фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш борасидаги мақомини пасайтирмоқда;

**бешинчидан**, бир-бирига ўхшаш ва бошқа ташкилий-ҳуқуқий шакллардаги қоидалар аралашмасидан ташкил топган юридик шахслар ташкилий-ҳуқуқий шаклларининг кўплиги (масалан, қонунчиликда хусусий корхона ва унитар корхона таркибига бошқа иштирокчиларнинг кириши назарда тутилмагани уларнинг инвестиция жалб қила олмасликларига сабаб бўлади);

**олтинчидан**, фуқаролик ҳуқуқи институтларига тааллуқли бўлмаган оммавий ҳуқуқ нормалари, хусусий мулк ва шартномавий муносабатларга оид асосланмаган чекловлар мавжуд;

**еттинчидан**, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда ахборот-коммуникацион технологиялардан фойдаланиш масалаларини тартибга солувчи қоидалар деярли мавжуд эмас.



Кўриниб турибдики, бугунги кунда реал бозор иқтисодиёти ва илгор халқаро стандартлар талабларига жавоб берадиган, тўғридан-тўғри амал қиладиган замонавий фуқаролик кодекси ишлаб чиқиш зарурати туғилган.





## Янги кодексда қандай янгиликлар бўлади?

Бугунги кунгача тайёрланган лойиҳа 2 қисм, 70 боб ва 1 178 моддадан иборат бўлиб, амалдаги кодекс билан таққослаганда нисбатан ихчамроқ кўринади (амалдаги кодексда – 1 199 та модда). Бунинг асосий сабаби шуки, қайта ишлаш жараёнида алоҳида қонунларда ва Фуқаролик кодексидан мазмунан такрорланадиган бир қатор қоидалар (интеллектуал мулкка оид, юридик шахслар фаолиятининг ташкилий масалалари ва бошқалар) амалдаги кодексдан чиқариб ташланган бўлса, шундай қоидалардан айримлари (масалан, лизинг қоидалари) амалдаги қонунлардан кодекс лойиҳасига ўтказилмоқда. Лойиҳа тадбиркорлик, шу жумладан хорижий инвесторлар фаолияти учун қулай шароитлар яратиш, фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган бир қатор янгиликларни ўз ичига олган.

Хусусан, инвестиция муҳитини яхшилаш ва иқтисодиётда мулккий муносабатлар барқарорлигини таъминлаш мақсадида хорижий компанияларга Ўзбекистонда ўз филиалини рўйхатдан ўтказиб, ҳеч қандай тўсиқларсиз тадбиркорлик (хўжалик) фаолияти билан

шуғулланиш ҳуқуқини бериш, мулк хусусий ёки давлатга тегишли бўлишидан қатъи назар бир хил ҳуқуқий ҳимоя белгилаш, давлат реестрига киритилган маълумотга ишониб мулкни сотиб олган мулкдордан, илгариги сотувчи томонидан қандайдир ҳуқуқбузилишга йўл қўйилган бўлса-да, мулк қайтариб олинмаслиги ҳамда мулк ҳуқуқининг ҳимоясини таъминлашга қаратилган бошқа янги қоидаларни жорий этиш назарда тутилмоқда.

Ушбу янги қоидалар хорижий инвестициялар миқдори янада ошишига хизмат қилади. Сўнгги йилларда хорижий инвестициялар миқдори ошишининг, жумладан, 2019 йилда 2018 йилга нисбатан 3,1 миллиард АҚШ доллари ёки 3,7 баробар кўп хорижий инвестициялар жалб қилинганнинг сабабларидан бири иқтисодиётни эркинлаштириш мақсадида қабул қилинган қонун ҳужжатлари дейиш мумкин.

Шунингдек, мулк ҳуқуқи кафолатларининг мустаҳкамланиши Жаҳон иқтисодий эркинлик индекси ва бошқа халқаро рейтингларга ҳам ижобий таъсир қилиши кутилмоқда.

**МАЪЛУМОТ УЧУН:**

2019 йилда Жаҳон иқтисодий эркинлик индексида Ўзбекистон Инвестиция эркинлиги мезони бўйича – 100 баллдан 10 балл,

Мулк ҳуқуқи кафолати мезони бўйича – 49,8 балл олиб, жами 180 та мамлакат орасида 140-ўринни эгаллаган.

Яна бир янгилик фуқаролик қонун ҳужжатларини виртуал макон (интернет)да вужудга келадиган муносабатларга ҳам татбиқ этиш, электрон ёки бошқа техник воситалар ёрдамида тузилган битимларни ёзма шаклга тенглаштириш, электрон алоқа воситаларидан фойдаланган ҳолда товарларни сотишнинг, рақамли пул (криптовалюта) муомаласининг асосий қоидалари белгиланаётганидир.

Бу янгиликлар тадбиркорлар учун фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда замонавий ахборот технологияларидан тўлиқ фойдаланган ҳолда вақтни тежаш ва бир қатор харажатлар, жумладан ҳужжатлар айланмаси, меҳнат ресурслари, логистика, савдо ва сақлаш жойлари ижараси билан боғлиқ харажатларни камайтиришга имкон беради, электрон тижоратнинг янада ривожланишига тўртки бўлади.

**МАЪЛУМОТ УЧУН:**

Дунёда электрон тижоратнинг чакана савдодаги улуши ўртача 16 фоизни ташкил қилади ва ҳар йили ўсиб бормоқда.

### **Бундан ташқари, янги таҳрирдаги Фуқаролик кодекси лойиҳасига қуйидаги мазмунда бир қатор янги қоидалар киритилмоқда:**

- ❖ 1 ерга оид муносабатларни ривожлантириш мақсадида ер участкасини фақат олди-сотди қилиш орқали эмас, балки қурилиш қилиш ҳуқуқи, узфрукт (шахсий фойдаланиш ва эғалик қилиш ҳуқуқи) каби ашёвий ҳуқуқларнинг янги турлари орқали иқтисодий муносабатларга киритиш қоидаларини жорий этиш;
- ❖ 2 тадбиркорлик фаолияти учун қўлайликлар яратиш ва уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш мақсадида:
  - юридик шахсларни оммавий ҳуқуқ ва хусусий ҳуқуқ юридик шахсларига ажратиш, хусусий ҳуқуқ юридик шахслари барча турдаги фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятларига эга бўлиши мумкинлиги, давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш учун асослар эса фақат қонун билан белгиланишини, оммавий юридик шахслар эса давлатнинг муайян функцияларини бажариш мақсадида ташкил этилишини мустаҳкамлаб қўйиш;
  - тижорат ташкилоти бўлган юридик шахслар ташкилий-ҳуқуқий шаклларининг рўйхатини аниқ белгилаб қўйиш, хўжалик юритиш ҳуқуқига асосланган унитар корхона, оператив бошқарув ҳуқуқига асосланган давлат унитар корхонаси каби бозор иқтисодиёти қоидаларига мос бўлмаган ташкилий-ҳуқуқий шакллардан воз кечиш;
  - тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида турларини яқка тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтмасдан ҳам амалга ошириш қонун ҳужжатлари билан назарда тутилиши мумкинлиги ҳақида қоида киритиш;

3 шартномавий муносабатларни эркинлаштириш ва халқаро стандартлар талабларига мувофиқлаштириш мақсадида:

– мамлакат иқтисодийети ривожини учун муҳим аҳамият касб этиши мумкин бўлган янги шартнома турларини (туристик хизматлар кўрсатиш, дистрибьюторлик шартномаси, агентлаш, эскроу, опцион ва бошқалар) муомалага киритиш;

– мажбурий тартибда шартнома тузишни назарда тутувчи, шартнома шартларини тарафларга белгилаб берувчи нормаларни чиқариб ташлаш, стандарт шартноманинг ҳалоллик ва ишонч тамойилларига зид равишда бошқа тарафнинг ҳуқуқ ва манфаатларини бузадиган шартлари ҳақиқий эмаслигини белгилаш;

– қарз, топшириқ ва бошқа бир қатор кенг тарқалган муносабатлар учун оғзаки шартнома тузилишига имкон бериш;

4 бой берилган фойда, маънавий зиённи ҳисоблаш мезонларини аниқ белгилаш;

5 сўғурта муносабатларида мижозлар ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтириш мақсадида сўғурта ташкилотини зарарни қоплаш мажбуриятидан озод қилиш асосларини камайитириш, ўзаро сўғурталаш (мўлкни ва бошқа мўлкий манфаатларни ўзаролик асосида сўғурта қилиш) институтини ривожлантириш мақсадида ўзаро сўғурта жамиятларига инвестиция резерв фондини тузиш, уставда белгиланган тартибда инвестиция фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини бериш;

6 фуқаронинг тасвиридан (фотосурат, видеоёзув ва бошқалар) унинг розилигисиз фойдаланилганда, унинг шахсий ва оилавий ҳаёти тўғрисидаги ҳар қандай ахборот тарқатилганда фуқаронинг ҳимоясини таъминлаш усулларини белгилаш.

Албатта бу янгиликлар, айниқса, тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқлари амалиётга босқичма-босқич жорий этиб борилиши лозим, чунки бу жараён фаолият олиб бораётган тадбиркорларга ноқулайликлар, харажатлар туғдирмаслиги керак. Масалан, тижорат ташкилоти бўлган юридик шахсларнинг айрим ташкилий-ҳуқуқий шакллари бекор бўлиши ушбу шаклларда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар дарҳол ўз шаклини ўзгартиради дегани эмас. Янги таҳрирдаги Фуқаролик кодекси кучга киргунича ташкил қилинган юридик шахслар ўз таъсисчилари ихтиёрига кўра хоҳлаган пайтда ёки бирор сабаб билан қайта ташкил этилганда янги шаклга ўтиши лозимлиги белгилаб қўйилиши мақсадга мувофиқ.

Бу масалаларни янги таҳрирдаги Фуқаролик кодексини амалга киритиш тўғрисида қабул қилинадиган қонунда белгилаб қўйиш мумкин бўлади.





## Лойиҳа қандай ишлаб чиқилди?

Фуқаролик қонунчилигини бозор иқтисодиёти тамойиллари ва халқаро стандартларга мувофиқ модернизация қилиш, бозор иқтисодиётини янада ривожлантириш учун замонавий фуқаролик-ҳуқуқий асос яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 апрелдаги 5464-фармойиши билан Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш концепцияси тасдиқланди

ҳамда Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш бўйича идоралараро комиссия тузилди. Адлия вазири раҳбарлигидаги комиссия таркибига давлат идоралари вакиллари билан бир қаторда юридик фанлар доктори, профессор М.Раҳмонкулов, юридик фанлар доктори, профессор О.Оқюлов, юридик фанлар номзоди Х.Исоқов каби мамлакатимизнинг таниқли олимлари ҳам киритилди.

### Идоралараро комиссия томонидан:

– Фуқаролик кодексини янги таҳрирда тайёрлашда иш ҳажми катта бўлишини инобатга олиб, энг аввало, фуқаролик қонунчилигини соҳаларга бўлган ҳолда 8 та йўналишда ишчи гуруҳлар ташкил этилди;

– ишчи гуруҳларнинг намунавий режалари ҳамда фуқаролик ҳуқуқи соҳасидаги илғор хорижий тажрибани ўрганиш режаси тасдиқланди.

Ишчи гуруҳлар таркибига 50 нафардан ортиқ илмий-тадқиқот муассасаларининг илмий ходимлари ва ОТМлар профессор-ўқитувчилари, хусусан юридик фанлар доктори, профессор О. Оқюлов, юридик фанлар доктори, профессор Д. Караходжаева, юридик фанлар доктори, профессор Н. Имомов, юридик фанлар доктори, профессор И. Насриев, юридик фанлар доктори, профессор И. Рустамбеков каби фуқаролик ҳуқуқи бўйича таниқли олимлар, тажрибали судьялар ва

адвокатлар, давлат идоралари ҳамда ННТлар вакиллари жалб қилинди.

Ишчи гуруҳлар аъзолари мунтазам равишда Адлия вазирилик ҳузуридаги Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот институтида йиғилиб ва масофадан туриб иш олиб бормоқда.

Янги таҳрирдаги Фуқаролик кодекси лойиҳаси устида қарийб 1 йилдан ортиқ вақт давомида тасдиқланган концепция ҳамда ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибаси асосида иш олиб борилмоқда.

## Хорижий тажрибадан фойдаланиш

Лойиҳани ишлаб чиқишда ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш мақсадида АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) ва Халқаро ҳамкорлик бўйича Германия жамияти (GIZ) кўмаги билан Германия, Франция, Польша, Россия, Покистон давлатларидан 20 нафардан ортиқ эксперт маслаҳатчи хизматидан фойдаланилмоқда.

Тошкент шаҳрида ишчи гуруҳлар аъзолари ҳамда Германиянинг Бремен университети профессори Рольф Книпер, Германиянинг Бремен ери туман судининг собиқ судьяси, фуқаролик ҳуқуқи соҳасидаги халқаро эксперт Ҳайнрих Шнитгер, Польша фуқаролик ҳуқуқи бўйича эксперт, доцент Андрей Филиповичлар иштирокида халқаро давра суҳбатлари ўтказилди.

Бундан ташқари, 12 нафар миллий эксперт бевосита Франция, Польша, Россия давлатларига бориб ўрганишлар ўтказди.

Ушбу сафарлар давомида Париж шаҳрида Франция Адлия вазирлигининг фуқаролик ишлари бошқармаси, Париж Пантеон Ассас университети қошидаги Қиёсий ҳуқуқ институти, Континентал ҳуқуқни ўрганиш маркази, Кассация суди, Судьялар ва прокурорлар тайёрлаш миллий мактаби мутахассислари, Варшава шаҳрида Польша Адлия вазирлигининг фуқаролик қонунчилиги бўлими, Польша Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳуқуқий илмий тадқиқотлар маркази, Польша Фанлар академиясининг Ҳуқуқий тадқиқотлар институти мутахассислари иштирокида бир нечта давра суҳбатлари ташкиллаштирилиб, амалдаги фуқаролик қонунчилиги муаммолари, истиқбол ва янги замонвий ғоялар атрофлича муҳокама қилинди. Москва шаҳрида Фуқаролик қонунчили-

ғини кодификация қилиш ва такомиллаштириш бўйича Россия Федерацияси Президенти ҳузуридаги кенгаш раисининг ўринбосари ва аъзолари, Россия Федерацияси Президенти ҳузуридаги С.С.Алексеев номидаги Хусусий ҳуқуқ тадқиқот маркази, М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети профессорлари иштирокида Ўзбекистон фуқаролик қонунчилигини такомиллаштиришда Россия Федерациясининг фуқаролик қонунчилигини ислоҳ қилиш тажрибасидан фойдаланиш бўйича давра суҳбати ўтказилди.

Москвага сафар давомида, шунингдек, Фуқаролик кодексини янги таҳрирда ишлаб чиқиш бўйича ишчи гуруҳлар аъзолари «Россия фуқаролик ҳуқуқи. Йил натижалари» IX халқаро илмий-амалий конференциясида иштирок этди ҳамда Ўзбекистонда фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш борасидаги ишлар ҳақида маълумот берди.

## Ислоҳотлар давом этади

Бугунги кунда дастлабки лойиҳа қўшимча фикр ва мулоҳазалар олиш мақсадида мамлакатимизнинг вазирлик ва идоралари, ҳуқуқий соҳадаги олий таълим, илмий-тадқиқот муассасаларига, адвокатлар ва нотариуслар палаталарига юборилган.

Демакки, лойиҳа ҳали аҳоли, соҳа мутахассислари ва ташкилотларнинг таклифларидан келиб чиқиб янада такомиллаштирилади.

Бундан ташқари, ҳозир Фуқаролик кодексига киритилаётан ўзгартиришлардан келиб чиқиб амалдаги бошқа қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳалари

ҳам тайёрланмоқда. Ушбу жараёнда ўзгартирилдиган қонунларнинг ўзи 20 тадан ортиқ бўлиб, қонуности ҳужжатлари эса бундан ҳам кўп.

Шунингдек, янги таҳрирдаги Фуқаролик кодекси билан бевосита тартибга солинмаган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи алоҳида қонунларни ҳам тасдиқланган концепция асосида такомиллаштириш режалаштирилган. Хусусан, интеллектуал мулк, қимматли қоғозлар соҳалари шулар жумласидандир.

Қўрииб турибдики, ҳали бу соҳада қилинадиган ишлар жуда кўп ва улар албатта охирига етказилади.

P.S. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 майдаги 5997-фармони билан Адлия вазирлиги зиммасига жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қиладиган самарали фуқаролик-ҳуқуқий механизмларни жорий қилиш ва ривожлантириш вазифаси юкланди ҳамда вазирликда Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни ривожлантириш бўйича алоҳида бошқарма ташкил этилди.

**Аъзамжон МАДАМИНОВ,**

Адлия вазирлиги ҳузуридаги  
Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот институти директори



Тарих – кечаги кунимиз қатида турфа саҳифалар яширин. Улар англами эса олис минг йилликлардан тортиб, яқин юз йилликларимизгача ажиб воқеликлар, гоҳ забун, гоҳ музаффар лаҳзалардан хабар беради. Тарих – ҳар неки бўлмасин, босиб ўтилган йўл. Манбалар бисёр – бисёр. Аммо ана шу манбалар тўпида хос ибора билан айтсак, шундай зарқоғоз (мемуар) ўрамлари борки, уларда давр одамларининг кечмиши рўйи-рост аён, замонаси тийнатию талотўми акс этган, шуур элагига тушган ва баайни ҳақиқатни ўз ҳолича авлодларга ташиган. Ҳеч муболағасиз айтиш керакки, бундай воқеаномалар, айниқса, келажак авлод истиқболини белгилаш, маънавий қолпаси учун ниҳоятда муҳимдир.

Бугун қарийб қирқ йиллар чамаси узоқдан туриб, ўтган асрнинг 80-йиллари миёналарига боқар эканмиз, халқимиз бўғзини чирмаганча аянчли оқибатлар келтириб чиқарган мудҳиш бир манзара гавдаланади.

Ҳа, бу аввалбошда «пахта иши» сифатида тамғаланган, кейинчалик эса «ўзбек иши» дея таърифланган воқеалардир.

Ўша даврда «пахта иши» теграсида турфа тасвирлар шу қадар кўп айландики, уларнинг қай бири ҳолис, қай бири уйдирма эканини англаш қийин кечди. Марказдаги айрим тийиқсиз каслар тўфайли асл ҳақиқатни қуюқ туман пардаси қоплади, қабоҳат шу даражага бориб етдики, ҳатто барча айбларни бир шахсга ағдариб кампанияси авж олдирилди. Республикалар раҳбарлари ичида ниҳоятда камтар яшаган, забардаст давлат арбоби, чин фидойи инсоннинг пок номини булғашга уриндилар.

Юқорида зарқоғоз ўрамлар ҳақда бежиз айтмадик. Босиб кўп ўтмай хотироти тиниқ, мағзи тўқ, инкор қилиб бўлмайдиган далилларга асосланган асарлар битилди. Булар сирасида Виктор Илюхин қаламига мансуб «Қабоҳат ёхуд...» («Ўзбеклар иши» деган уйдирма хусусида) китоби ва Тоштемур Қаҳрамоновнинг «Қонсираган қотиллар» ҳужжатли романларини алоҳида ажратиб кўрсатиш ўринлидир. Сабаби мазкур икки асар муаллифлари моҳияти яқин, ички икки кутбда; бири – Гўлган ва Ивановларнинг терговчилик фаолиятида йўл қўйган қонунсизликларини тафтиш қилиб, очиб берган берган бўлса, иккинчиси – бевосита шу жараёнлардан азият чеккан, аммо иродасини букмай курашган, исми жисмига мос шахс эди.

Бугун тақдирнинг тадбири билан ўша битиклар қабатыга яна бир ёмбидек асар қўшилмоқда.

Ботиқ хотиралар узоқлашгани сайин тиниқлаша боради. Улар йиллар тегирмонида тобла-ниб, даврлар шамолларидан ошиб келади. Бундай пайтда муаллиф тўлиқиб ёзади. «Қуйилиб келди» иборасининг қолгани шундан. Бу сифатларни қўллаётганимиз эса бежиз эмас.

Муштарийларимиз эътиборига ҳавола қилинаётган – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист Абдусамат Полвонзода муаллифлигидаги «Пахта иши» қандай вужудга келган эди?» номли хотиралар тўлиқинини юқорида санаб ўтган икки китобнинг ўзгача ифшодаги манتيқий давоми дейиш мумкин.

Асарда устоз ҳуқуқшунос тилидан баён қилинадиган воқеалар, мулоҳазалар ва эсдаликлар – барча-барчаси муаллифнинг жараён ичида ва ўз кўзи билан кўриб гувоҳ бўлган, бевосита ва билвосита иштироки жамланмасини ташкил этган. Шунингдек, «Пахта иши»га оид янги, ноёб маълумотлар ҳам келтирилганки, улар ўқувчи эътиборини тортмай қўймайди. Албатта, ҳар бир асарга ҳақиқий баҳони ҳолис ўқувчи беради.

Мулоҳазаларимиз якунида ҳурматли устозимиз Абдусамат Полвонзодага журналимиз билан қилаётган ижодий ҳамкорлиги учун чуқур миннатдорлик билдирамиз. Азиз муштарийларимиздан эса асар ҳақидаги муносабатларини кутиб қоламиз.

“Huquq va burch” журнали таҳририяти



Манба: <http://sharafrashidov.org/paxta-ishi.html>

## Тарихий ҳақиқат изидан...

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 12 майда эълон қилingan фармойишида совет тузumi даврида қатағон қурбонлари бўлган минглаб фидойи инсонлар, шаҳид зиёлилар хотирасини абадийлаштириш, ҳаёти ва фаолиятини, бой илмий-ижодий меросини ўрганиш зарурлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган эди. Ўша йилнинг 22 июлида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган фидойилар хотирасини абадийлаштириш тўғрисида» қарор қабул қилди. Бу ҳужжатлар кўплар қатори биз тарихчилар учун ҳам ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Андижон давлат университети Ўзбекистон тарихи кафедраси муdiri сифатида биз

ҳали СССР қуламасдан олдинок совет режимининг қурбони бўлган ватандошларимизнинг ҳаёти ҳақида илмий тадқиқотлар билан машғул эдик. Қатағон қурбонларидан Иномжон Хидиралиев, Акбар Ўрозалиев, ака-ука Султонмаъсуд, Шохруҳмирзо, Султонмаҳмуд Холботировлар, Абдурахим Юсуфзода, Усмонхон Эшонхўжаев, Дмитрий Урюпин, Вадим Чайкин ва бошқаларнинг қисмати, асосиз қатағон қилинганликлари ҳақида матбуотда мақолалар эълон қилиб турардик. Бундан хабар топган ўша қатағон қурбонларининг авлодлари бизга бирин-кетин мурожаат қила бошладилар. Шундан келиб чиқиб 2001 йил 21 апрелда ҳозирги Андижон вилояти ўқитувчилар малякасини ошириш институтининг

мажлислар залида илмий конференция уюштирдик. Анжуманга Тошкентдан «Шаҳидлар хотираси» жамоат фонди раиси, профессор Наим Каримов, адабиётшунос Собир Мирвалиев, доцент Шерали Тўрдиевлар ташриф буюрган эди. Анжуманда Қатағон қурбонларининг авлодларидан Махфиратхон Хидиралиева, Жўраҳон Холботирова, Санжарбек Ўрозалиев ва бошқалар ҳам иштирок этишган. Хатто Тошкентдан қатағон қурбони Исломбек Арслонбековнинг бир гурӯҳ қариндошлари ҳам келишган. Шунда биз ана шу қатағон қурбонларининг ҳаёт йўли, фожиали тақдири ҳақида маъруза қилган эдик. Акс-садо қилиб кўплаб иштирокчиларнинг чиқишлари ҳам бўлган. Улардан бири, Андижон



«Мерос» илмий-амалий халқаро экспедиция хайрия жамғармасининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан берилган гувоҳномаси.

давлат университети ўқув ишлари бўйича проректори, профессор

Қодиржон Парпиев ўз нутқида Андижон давлат университети ўзбекистон

Экспедиция аъзолари бу ҳуқуқий ҳужжат билан Ўзбекистон ва собиқ иттифоқдош республикалар архивларида, кутубхоналарида, музейларида бўлиб, 1920–1930-йилларда ГУЛАГ лагерларига юборилган, Россия, Украина, Қозоғистон, Шимолий Кавказ, Москва архивларидан 1937–1938-йилларда қатағон қилинган юртдошлар ҳақида кўпдан-кўп маълумот, ҳужжат ва материаллар олишди. Айрим архивларда «Мерос» фонди, Андижон давлат университетининг хатларига салбий муносабатда бўлиб, ҳужжатлардан нусха олишга изн бермаганлар ҳам бўлган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивида сақланаётган қатағон қурбони Ёқубжон Исақулов ҳақидаги 48 та делодан фойдаланиш илтимос қилинганда, архив раҳбарияти бу ҳужжатлардан фойдаланиш учун Ўзбе-

кистон Республикаси Олий судининг рухсати кераклигини айтган. Биз Олий судга борганимизда шу идора масъул ходимларидан Алишер Турғунов мени таниб қолиб, «домла, нима сабаблар билан биз томонларга келиб қолдингиз?», деди. Мен Алишер Турғуновни билмас эдим, лекин у менинг университетда ишлаётганимдан бохабар экан. У мақсадимни билгач, кўмак бериш учун Олий суд раиси ўринбосари Абдусамат Полвонзонанинг ҳузурига кириб, масалани баён этган. Алишер Турғунов раис ўринбосарининг хонасидан чиқиб менга Ёқубжон Исақуловга тегишли 48 та архив ишидан фойдаланиш учун рухсат берилганини айтди. Шу заҳотиёқ ариза ёздим, Алишер Турғунов аризамни раис ўринбосари Абдусамат Полвонзодага олиб кирган ва архивдан ўша материалларни Андижонга олиб келиб 1 ой муддатда Тошкентдаги

бекистон тарихи кафедраси олиб бораётган илмий ишларни янада кучайтириш, қатағон қурбонлари хотирасини абадийлаштириш учун кенг жамоатчиликни жалб этиш, тегишли ҳудудларга илмий сафарлар уюштириш кераклигини, иложи бўлса шу мавзунинг ўрганидиган жамоат фонди ташкил этиш зарурлигини айтган эди. Оқибатда шу анжуманда «Мерос» халқаро илмий-амалий экспедиция жамоат фондиди ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилинди. Шу қарор билан биз Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига мурожаат қилдик. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмасдан Адлия вазирлиги Абдусамат Полвонзода имзоси билан «Мерос» рўйхатдан ўтди.

архивга қайтариб топширишимиз ҳақида ёзма кўрсатма берган. Бу хатни Марказий давлат архивига бориб топширдим. Масала ижобий ҳал қилинган, ўша 48 та ишни кунт билан ўрганиб, Ёқубжон Исақуловнинг ибратли, шонли ҳаёт йўлини очиб бериш, унга қарши советларнинг қўллаган қатағон амалиётини фош этувчи фактик лавҳаларни келтирдик. Оқибатда 2001 йили «Шарқ» нашриётида «Истиқлол йўлида шахид кетганлар» номли 414 бетлик китобимиз нашр этилди. Бу китобнинг 152–199-бетлари «Ёқубжон Исақулов (1885–1931)» сарлавҳаси билан босилиб чиқди. Бу китобдаги манба ва материаллар ҳозир ҳам Тошкентдаги ва Андижондаги «Қатағон қурбонлари хотираси музейи» залларига қўйилган, саҳ-ҳатчилар ундан баҳраманд.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев

2017 йил 31 август куни Тошкентдаги Қатағон қўрбонлари хотираси музейига ташриф буюрганида ҳар бир вилоятда қатағон қўрбонлари хотираси музейининг филиалларини ташкил қилиш кераклигини айтди. Шу таклиф асосида 2017 йил 22 ноябрда Вазирлар Маҳкамасининг «Қатағон қўрбонлари хотираси давлат музейи ва ҳудудлардаги олий таълим муассасалари тузилмасидаги қатағон қўрбонлари хотираси музейларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 936-қарори қабул қилинди. Шунга мувофиқ 2018 йил 15 августда Андижон давлат университети тузилмасида «Қатағон қўрбонлари хотираси музейи» ишга тушди. Шундан бери музейга Ўзбекистон вилоятларидан, айниқса Андижон вилояти туманларидан, ҳатто хориж мамлакатларидан 15 мингга яқин фуқаро ва меҳмонлар ташриф буюрди. Музейга Президент администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси, турли вазирликлар, илмий ўқув муассасалари ходимлари келишади, айниқса, ўқувчи ёшлар ва талабаларнинг қизиқиши баланд.

2019 йил 3 октябрда музейга юридик фанлар доктори, профессор Ҳалим Бобоев, Адлия вазирлиги фахрийлар кенгаши раиси Эрмуҳаммад Шерматов, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Адлия вазирлигида кўп йиллар раҳбарлик қилганлардан Абдусамат Полвонзода ташриф буюрган. Мен учун ўз вақтида маънавий, амалий ёрдам кўрсатган Абдусамат Полвонзодани биринчи бор кўрганимдан беҳад қувондим. Бу инсон ва ҳамроҳларига шахсан ўзим экскурсоводлик қилдим.

Абдусамат Полвонзоданинг Олий суд раиси, Адлия вазири

лавозимларида хизмат қилаётган даврида марказ томонидан Ўзбекистонга ва унинг халқига қарши «пахта иши», «ўзбек иши», «қўшиб ёзишлар»лардан иборат ҳақоратомуз тўхмат ва маломатлар уюштирилган, халқимизга, республика раҳбариятига қарши қўлланган қатағон сиёсати ва амалиётига қарши турган миллий раҳбарлардан бири экани ҳақида озми-кўпми тасаввурга эга эдим.

Абдусамат Полвонзоданинг фуқароларнинг ариза ва мурожаатларига жиддий қараб, иложи борича у ёки бу масалани қонун доирасида ижобий ҳал қилишга уринганининг шоҳидиман.

Миллий санъатимиз даргаларидан бири Ҳуломжон Рўзиев асли асакалик. Бу бастакор 22 ёшида Қизил армия сафига сафарбар қилинган, урушда катта хизматлар қилган, аммо тақдир тақозоси билан душманга асир тушган ва концлагерда бўлиб, у ерда Туркистон легионида «Истиқлол» деган саҳна асари ёзиб, уни легионерларга қўйиб берган. 1944 йил ёзида Вена шаҳрида туркистонликларнинг 2-конгрес-

си бўлиб, конгресс қатнашчиларига «Истиқлол» асарини кўрсатиб олқишлар олган. Аммо салкам 10 йил шўро КГБсининг «қора рўйхати»да бўлиб таъқибда юрган, уруш қатнашчиларига берилмаган барча имтиёзлардан маҳрум эди. Ҳуломжон Рўзиев 2000 йили Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири Абдусамат Полвонзодага ёзган аризасида 1994 йили унинг имзоси билан реабилитация ҳақида вилоят ДХХ бошлиғидан ҳужжат олганини изҳор этган эди. (Қаранг: «Водийнома» 2017 йил 2(4)-сон. 67–70-бетлар).

1983 йилнинг охирида Ўзбекистонда жуда оғир вазият вужудга келган эди. Ўзбекистон ССРда пахта тайёрлаш ва уни қайта ишлаш билан боғлиқ жараёнлардаги қўшиб ёзиш, ўғирлик, кўзбўямачиликни тергов қилиш билан Т. Гдьян, В. Иванов шугулландилар. Жамоа хўжаликлари раислари ва совхоз директорларининг 60 фоизи, қишлоқ хўжалиги етакчи мутахассисларининг 45 фоизи, пахтачилик бригада бошлиқларининг 35 фоизи, шунингдек, кўплаб раҳбарлар, вилоятлар



Суратда чапдан ўннга: Абдусамат Полвонзода, Рустамбек Шамсутдинов.

ва туман партия комитети котиблари, республика миқёсидаги партия, совет ва ҳўжалик раҳбарлари ўз вазибаларидан олиб ташланди ва уларга нисбатан жиний иш кўзғатилди. Бу даврда марказ томонидан тоталитар тузумнинг барча кирдикорлари вафот этиб кетган партия ва давлат арбобларига юкланиб, 1980-йиллар қатағонда ноҳақ қораланди. Энг аввало қатағон қиличи Шароф Рашидовга қарши кўтарилиб, унинг номи ҳам бадном қилинди, шунингдек, 1986 йил 25 августда СССР Олий суди Ўзбекистон пахта саноати вазири бўлган Ваҳобжон Усмоновга нисбатан ўлим жазосини белгилаган. 1998 йил 17 апрелда Ваҳобжон Усмоновга нисбатан берилган жазо бекор қилинди. Абдулатто Солиев ҳам «пахта иши»нинг жабрини тортиди. Мустақиллик туфайли оқланди. «Пахта иши» жабрланувчиларидан Сайидали Болтабоев, Қажумжон Исмоилов, Исроиил Усмонов, Шаробиддин Дарвешов, Муҳаммаджон Нишонбоев, Жаббарали Ҳожиназаров, Зокиржон Назаровлар ишлари Ўзбекистон

Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан тузилган пахта ишларини кўриб чиқиш комиссиясининг раҳбарларидан бири Абдусамат Полвонзоданинг саъй-ҳаракатлари билан муваффақиятли яқунланди.

Ҳозир 71 ёшни қоралаган Абдусамат Полвонзода Сурхондарё вилоятида таваллуд топган. 1972 йили Ўрта Осиё давлат университети ҳуқуқшунослик факультетини имтиёзли диплом билан битиргач, 1972–1974-йилларда ҳарбий хизматни ўтаган. Ёш ҳуқуқшунос тез орада прокуратура соҳасида иш бошлаган, аста-секин шу йўналишда масъул лавозимларда ҳалолу-пок ишлаб, этибор қозongan. 1990 йилдан 2000 йилгача Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг биринчи ўринбосари, 2000 йилдан 2005 йилгача Адлия вазири лавозимларида фаолият кўрсатган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 9 февралдаги фармони билан Абдусамат Полвонзодага олий маалакали судья даражаси берилган, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист, 1-даражали давлат адлия маслаҳатчиси унвонларига эга.

Абдусамат ака Ўзбекистон учун ниҳоятда мураккаб ва оғир бўлган давр – 1980-йилларда ҳуқуқшунос сифатида шаклланди, чўқур билими ва меҳнатсеварлиги боис республика прокуратурасида масъулиятли лавозимларда ишлади, ҳайъат аъзоси бўлди.

Олий суд раисининг биринчи ўринбосари, Олий суд раиси вази-фасини бажарувчи бўлиб ишлаган пайтларида «Пахта ишлари»ни қайта кўриш бўйича ҳукумат комиссияси раисининг ўринбосари вази-фасида самарали фаолият кўрсатиб кўпчилиқнинг ҳурмат ва эътирофига сазовор бўлди.

Биз Абдусамат Полвонзода билан музейдан чиққач, ундан Ўзбекистонда советларнинг олиб борган қатағон сиёсатининг бевосита таркибий қисмидан бири бўлмиш «пахта иши», «Ўзбеклар иши», «кўшиб ёзишлар» ва уларни қайта кўриб чиқиш жараёнида вужудга келган муаммолар ҳақида ўз эсдаликларини ёзиб беришини ва уни биз «Водийнома» журналида чоп этишимизни айтдим. Жавобан «Бу масала ниҳоятда нозик, лекин уни халқимиз кенг маънода англаши керак, шу боис мен бисотимдаги фактик материаллар асосида ўз мулоҳазаларимни, кузатишларимни изҳор қилишга ҳаракат қиламан. Бунинг учун вақт керак», дея розилик билдирди. Шундан бери онда-сонда телефон орқали безовта қилиб «Пахта иши» ҳақидаги эсдаликларини ёзиб беришини илтимос қилиб турдик. Шу йил 25 февраль куни телефонлашиб Абдусамат Полвонзоданинг уйида суҳбат қилдик. Шундай қилиб, «Пахта иши» қандай вужудга келган эди?» номли эсдалик дунё юзини кўрди.

**Рустамбек ШАМСУТДИНОВ,**

«Водийнома» журнали бош муҳаррири



Суратда чапдан ўнга: Адлия вазирилиги фахрийлар кенгаши раиси – Эрмуҳаммад Шерматов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист – Абдусамат Полвонзода, Ўзбекистон Республикаси бош прокуратураси фахрийси – Убайдулла Шодиев ҳамда Ўзбекистон Республикаси фан арбоби – Халим Бобоев

# «Пахта иши» қандай вужудга келган эди?

Ўзбекистоннинг совет даври тарихида большевизмнинг халққа қарши олиб борган қатағон сиёсати халқимиз хотирасида ҳамон сақланиб келмоқда. Хусусан, совет марказидаги айрим шовинист мустамлакачи унсурларнинг «Пахта иши», «Ўзбек иши» номи остида халқимизга қарши машғум қатағон сиёсати ниҳоятда фожиали тарзда юз берган. Шу боис бўлса керак, ана шу мудҳиш қатағон даҳшатларининг ижодкорлари бўлмиш Гдлян ва Ивановларни жинойи жа-вобгарликка тортиш масаласи ўша даврни яхши билган инсонлар орасида ҳам, ёшлар орасида ҳам тез-тез қўтарилмоқда. Мен бу фикрни қўлаб-қувватлайман. Бугунги кунда ҳам Гдлян ва Ивановларнинг Ўзбекистон халқига нисбатан содир этган ўта оғир жиноятларига ҳуқуқий баҳо бериш имконияти мавжуд.

Гдлян ва Ивановнинг қилмишларини ёқловчилар ҳам йўқ эмас. Бунинг сабаби шундаки, улар юртимизнинг яқин ва чин тарихини яхши билмайдилар, англамайдилар. Ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихимизни билганларида эди, уларни ҳеч қачон ёқламаган бўлар эдилар.

Ўша даврда юз берган воқеалар ҳақида кенг-роқ тўхталиш учун анча олисларда қолиб кетган воқеаларга мурожаат қилишимизга тўғри келади. 1983–1989-йиллар халқимиз учун ниҳоятда оғир йиллар бўлган. Қарийб 25 йил давомида Ўзбекистонни бошқариб, қолюқ аграр республикадан саноти ривожланган, собик иттифоқда ягона саналган қатор-қатор завод-фабрикалари бор, муҳандис кадрларга эга республикага айлантирган беназир инсон Шароф Рашидовнинг ўлимидан сўнг қатағон қиличини ишга солишга шай бўлиб турган марказ томонидан Ўзбекистонга туҳмат тошлари отила бошланган. Улар юртимизга бостириб кириш учун баҳона қидира бошлади. Баҳона эса топилди.



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист  
Абдусамат Полвонзода

1983 йилда Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармасининг ОБХСС бошлиғи А. Музаффаров бир савдо ходимидан пора олаётган пайтда қўлга тушиб, ҳибсга олинди. Бу ишни тергов қилиш пайтида Бухоро вилояти савдо идорасининг раҳбарларидан бири Ш. Қудратов ўзи раҳбарлик қилаётган идорадаги савдо ходимларидан пора олиши ва партия, совет ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар бошлиқларига пора бериши ошкор бўлиб, у ҳам қамоққа олинади ва тергов бошлаб юборилади.

Порахўрлик, табиийки, жамиятнинг илдизларига болта урадиган оғир жиноят-

лардан бири. Лекин у СССР миқёсидаги тергов идоралари шуғулланадиган жиноятлар сирасига мутлақо кирмас, бундай жиноятларни одатда республикаминг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг ўзлари ҳам бемалол тергов қилишлари мумкин эди.

Аммо 1920 йилдан то СССР давлати тарқалгунга қадар ҳар ўн йилда қатағон қиличини ишга солиб, халқни даҳшатда, қўрқувда ушлаб туришга одатланиб қолган марказга айна шу машъум воқеа Ўзбекистонга бостириб кириш учун баҳона бўлди. Марказ Музаффаров ҳамда Қудратовнинг ишини тергов қилишни Ўзбекистон ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларидан олиб, СССР прокуратурасига топширди. Гдлян ва Ивановлар эса СССР прокуратураси томонидан тузилган тергов гуруҳига бошлиқ қилиб тайинланди ва уларга жуда катта ваколатлар берилди, ўз фаолиятини олиб бориш учун ҳатто ҳарбий вертолётлар, техника ва қуролланган солдатлар ҳам бириктириб қўйилди. Шундан сўнг улар Ўзбекистонда мисли кўрилмаган зўравонликдан иборат ўта жирканч, мудҳиш фаолиятларини бошлаб юборишди.

Шуни таъкидлаш жоиз, СССР прокуратураси бошқарма бошлиғи, генерал Виктор Илюхин ўзининг «Қабоҳат ёхуд...» деб номланган китобида Гдлян ва Иванов СССР прокуратурасига таниш-билишлари орқали келиб қолган, малакаси паст, маданиятсиз, хавфли жиноятчи терговчилар эди деб баҳо берган. Мен бу фикрга юз фоиз қўшиламан.

Ҳақиқий терговчи ўз фаолиятини қонун талабларидан келиб чиқиб, фақат факт ва далилларга асосланган ҳолда амалга ошириши, айбланувчини ҳам қоралайдиган, ҳам оқлайдиган жиҳатларни адолат тарозисига солиб кўргандан кейингина у ёки бу одам ҳақида узил-кесил хулосага келиши лозим.

Гдлян ва Иванов ҳамда улар бош бўлган тергов гуруҳи аъзолари ҳам жиноят процессининг ушбу талабларига амал қилган ҳолда иш олиб боришлари шарт эди. Аммо улар олти йил мобайнида қонунарни сурбетларча оёқости қилиб келдилар. У ёки бу одамни ҳибсга олмақчи бўлсалар бировларни мажбурлаб, унинг устидан сохта кўргазма ёздириб олишар, сўнг шу кўргазма асосида ўша одам қамокқа олинар, энди ундан яна бир бошқа кишига нисбатан кўргазма ёздириб олишарди. Ўз муддаоларига эришиш учун гумон-

ланувчиларни ваҳшиёна қийноқларга солиш, хотини, болаларини қамаш йўли билан ёлгон кўрсатмалар ёздириб юзлаб ҳамюртларимизни қамашди. Чунки уларнинг иш принципи мана шундай ноқонуний усул асосига қурилган эди.

Тергов гуруҳи бирин-кетин Бухоро вилояти ички ишлар бошқармаси бошлиғи генерал Муин Норов ва унинг икки ўринбосари полковник Шамси Раҳимов, подполковник Владимир Мулин, сўнгра генерал Хушвақт Норбўтаев, генерал Исом Сатторов, генерал Салим Собиров, полковник Тўра Ҳайитов, полковник Музаффар Алимов, И. Позилхонов ва Ички ишлар вазирлигининг яна бир қатор раҳбарларини тўқиб чиқарилган айблар билан ҳибсга олдилар.

Бу жараён бутун республика бўйлаб давом эттирилди.

1984 йилда Ўзбекистон учун яна бир кўнгилсиз воқеа юз берди. Шу йили Ўзбекистон коммунистик партияси марказқўмининг ўн олтинчи пленуми бўлиб ўтди.

Бу пленум Ўзбекистон марказқўми ходимлари томонидан эмас, бошдан-оёқ КПСС Марказий комитети котиби, сиёсий бюро аъзоси Е.К. Лигачёв бошчилигида у билан тайёрга марказдан келган ходимлар томонидан тайёрланди. Ўзбекистонни қора бўёққа бўяб ташлаган марказқўм биринчи котибининг маърузаси ҳам улар томонидан ёзилди ва марказқўмнинг биринчи котибига минбарга чиқиб, маърузани фақат ўқиб бериш вазифаси юкланганди. Маърузада пахта етиштириш ва давлатга топширишда кадрлар қатъиятсизлик кўрсатгани, қўшиб ёзишларга йўл қўйилгани алоҳида таъкидланди. Ваҳоланки, Ўзбекистоннинг 65 фоиз аҳолиси ўша пайтларда фақат пахта етиштириш билан шуғулланар, миллионлаб одамлар – мактаб ўқувчилари, талабалар марказнинг топшириғи билан декабрь, ҳатто январь ойларида ҳам пахта териш билан мажбурий, деярли текинга шуғулланишарди. Йиғиштирилган ҳосил эса паст нархларда марказга жўнатиларди. Марказ йил сайин Ўзбекистонда пахта тайёрлаш режасини ошираверган. Қисқа вақт ичида режа тўрт миллион тоннадан олти миллион тоннагача кўтарилди. Бу Брежневнинг талаби эди. Қўшиб ёзиш ҳақида гап кетганда давлатга пахта топширишда бор-йўғи 2-3 фоиз қўшиб ёзиш бўлган, холос. Ана шу қўшиб ёзишларнинг

асосий илҳомчиси ва ташкилотчиси Москванинг ўзи бўлган эди. Ўзбекистондан марказга минглаб хатлар юборилган. Бу хатларда пахта етиштириш учун сув етишмаслиги, Орол денгизининг қуриши, пахта учун берилаётган маблағ нихоятда озлиги, колхозчилар иқтисодий аҳволи, турмуш тарзининг ўта ачинарли ҳолати, пахта зарарку-нандаларига қарши ишлатиладиган гербицидлардан қўллаб пахтакорлар заҳарлангани, уларнинг катта қисми дардга чалиниб ўлиб кетганлиги, устига-устак пахта меҳнати учун тўланадиган ҳақ нихоятда камлиги асослаб берилган эди. Аммо марказ минглаб пахтакорларнинг оху зори-га пинак бузмаган. Ҳаттоки марказ раҳбарларидан бири Ўзбекистондан умуман пахта олмаслик, пахтани Мисрдан олиш мумкинлигини айтиб, пахта харид нархини кўтаришга қарши турган. Дунёда ҳеч бир халқ мана шундай оғир шароитларда ишлаша мажбур қилинмаган. Порахўрлик эса биргина Ўзбекистон эмас, бутун совет империясига хос иллат эди. Ўн олтинчи пленум материалларида бу ҳолат мутлақо инобатга олинмади. Бу эса ўта адолатсизлик эди.

Маърузада Ўзбекистон коммунистик партияси марказий қўмитасининг фаолияти қоникарсиз деб топилди ва марказдан Ўзбекистонга кадрлардан ёрдам бериш сўралди ва шу ҳақда қарор қабул қилинди. Шундан кейин Ўзбекистонда минглаб маҳаллий кадрлар ишдан бўшатилды. Шароф Рашидовдек улуғ инсоннинг юзига қора чапланди, Нўъмон Бўрихўжаев, Виталий Зотов, Убайдулла Шодиев каби Ўзбекистон прокуратурасининг етук салоҳиятли раҳбар кадрлари ишдан ноҳақ бўшатилды ёки амали пасайтирилди. Ваҳоланки, бу инсонлар нихоятда покиза, юқори савияли профессионал юристлар бўлиб, ўзларига мос ҳуқуқий мактаб яратишганди. Айниқса, умри давомида халқчил, оддий ҳаёт кечирган Шароф Рашидовдек беназир раҳбарнинг мўътабар хотирасига ҳурматсизлик қилингани, қабри кўчирилганини унутиш қийин. Ўша даврни эсласак, бу ножоиз ишга бир инсон қаттиқ қаршилиқ қилган эди. У киши ҳозир ҳаёт. Ҳар йили 31 октябрда Шароф Рашидовнинг қабри пойида соатлаб маҳзун ўй суриб туришига гувоҳман.

Яна қўллаб миллий кадрларимиз тўқиб чиқарилган айблар билан айбланиб узоқ муддатларга қамоққа ташландилар.

Шундан сўнг республикамиздаги турли раҳбарлик лавозимларига марказдан кадрлар кела бошлади. Масалан, марказқўм иккинчи котиби этиб Анишчев, Министрлар Совети раиси ўринбосари этиб Огарок, Олий Совет раисининг ўринбосари лавозимига Романовский тайинланди, Тошкент шаҳар партия қўмитасининг биринчи котиби этиб Сатин сайланди. Республика прокурори Бутурлин, унинг ўринбосарлигига Гайданов, тергов бўлимининг бошқлиғига Лаптев, ички ишлар вазирига биринчи ўринбосар бўлиб Дидоренко келди. Барча вилоятларда обкомнинг иккинчи котиблари, вилоят прокурорларининг кўпчилиги, вилоят суди раислари ўринбосарларининг барчаси марказдан келганлардан қўйилди.

Бир сўз билан айтадиган бўлсак, улар ҳукмронликини тўла қўлга олиб, юртимизда «Пахта иши», «Ўзбек иши» деб аталган ишлар бўйича қатағонни авж олдирдилар.

Гдлян ва Ивановлар учун бу ўзгаришлар айни муддао эди. Энди улар нимани хоҳлашса, шуни бемалол бажара оладиган бўлди. Бу ўринда шуни айтиш жоиз, Гдлян ва Ивановнинг тергов гуруҳи фақат юқори лавозимларда ишлаган шахсларга нисбатан тергов ҳаракатларни олиб борган, улардан иқдорлик кўргазмаларини олиш учун юзлаб қариндошлари, қўшнилари ва ҳатто танишлари қамоққа ташланиб, қийноққа тортилганлар. Уларга тегишли ҳужжатларнинг кўплари жиноят ишларига қўшилмасдан яшириб қўйилган. Бу ҳужжатларнинг фақат бир қисмигина кейин топилган.

Манба: <https://sharafrashidov.org/paxta-ish.html>



Марказқўмнинг ўн олтинчи пленумидан кейин Ўзбекистонда раҳбар бўлиб ишлаганларни тўқиб чиқарилган айблар билан қамаш оммавий тус олди. Республика Министрлар Советининг раиси Нормухаммад Худойбердиев, марказқўмнинг котиби, сўнг Ўзбекистон Олий Совети президиуми раиси бўлган Оқил Салимов, Министрлар Совети раисининг ўринбосари Бектош Раҳимов, собиқ солиқни сақлаш вазири Абдулла Худойберганов, Навоий вилояти партия қўмитасининг биринчи котиби Валерий Есин, Ўзбекистон пахта саноати вазири Ваҳобжон Усмонов, Бухоро вилояти партия қўмитасининг биринчи котиби И. Жабборов, марказқўмнинг иккинчи котиби Тимофей Осетров, марказқўмнинг биринчи котиби Иномжон Усмонхўжаев, марказқўм котиби Эрежеб Айтмуротов, марказқўм ишлар бошқармаси бошлиғи Турсун Умаров, Қорақалпоғистон партия қўмитасининг биринчи котиби Қаллибек Камолов, Тошкент вилояти обкомининг биринчи котиби Мирзамаҳмуд Мусахонов, Самарқанд вилояти обкомининг биринчи котиби Назир Ражабов, Ички ишлар вазирининг ўринбосарлари Қахрамон Тоштемиров, Петр Бегельман, Ёқуб Муҳаммаджонов ва бошқалар ҳибсга олинди.

Гдлянчилар фуқароларнинг қонуний ҳуқуқларини қасддан поймол қилишлари, ҳақоратлашлари, хўрлашлари, жисмоний ва руҳий эзишлари оқибатида бир қатор кишилар ўз жонларига қасд қилишга мажбур бўлди.

Пискент тумани партия қўмитасининг собиқ биринчи котиби УБаҳодиров, милиция полковниги Ҳожимуродовлар тергов пайтида ўз жонларига қасд қилди. Қашқадарё вилояти партия қўмитасининг биринчи котиби Р. Ғойилов Гдлян бошлиқ терговчилар қамоққа олиш учун уйига келганида ўзини ўзи ҳалок этади. 1984 йил 15 августда собиқ Ички ишлар вазири Қ. Эргашев, 1985 йил 16 майда Ички ишлар вазирининг собиқ биринчи ўринбосари Г. Давидов ҳам гдлянчилар қўлига тушгандан кўра ўлимни афзал қўришди. Иккинчи жаҳон урушида фашистларга қарши мардонавор курашган, Сурхондарё вилояти Сарийосиё туманидаги йирик агросаноат мажмуаси директори, социалистик меҳнат қахрамони Бобомурод Омонов эса тергов ҳибсхонасида соғлиғи кескин ёмонлашиб, вафот этди. Бундай фожиали тақдирлар рўйхатини, афсуски, яна давом

эттириш мумкин. Ушбу фожиалар туфайли юзлаб ўзбек оилаларига оғир мусибат кириб келди.

Кенг ваколатларга эга бўлган бу тергов гуруҳи ҳибсга олинган айбланувчиларга нисбатан терговнинг умуман ман қилинган усулларини қўллар эди, уларни ашаддий каллажесарлар билан бир камерага ўтқозиш, отувга ҳукм қилиниш билан қўрқитиш, хотини, қизи, ўғилларини ҳибсга олиш, жисмоний ва руҳий қийнаш ва ҳоказолар орқали иқрорлик кўргазмаларини олиш оммавий тус олди. Гдлянчилар айбланувчилар юзига тупуриб таҳқирлаган, «пешонанга зелёнка суриб қўяман» (отувга ҳукм қилинсанг дегани), «ўзбекларни дорга осиб керак», деб дўқ урган ва ҳоказо.

Навоий вилояти ИИБ бошлиғи бўлиб ишлаган Т. Ҳайитовга (у кейинчалик оқланган) ҳибсга олинганидан кейин, биринчи сўроқ пайтида Иванов иккита қоғозни кўрсатган. Биринчи қоғозда ўн олти нафар ички ишлар ходимларининг номлари ёзилган бўлса, иккинчи қоғозда республика партия ва давлат, республика ва СССР Ички ишлар вазирлиғи раҳбарлари Чурбанов, Усмонхўжаев, Есин, Жабборов, Осетров, Иброҳимов, Муҳаммадиев, Султонов, Қретов, Харкевич, Қахрамонов ва бошқаларнинг номлари қайд қилинган эди. Иванов ундан шу ўн олти нафар ходимдан 53 000 сўм пора олиб, ўқорида номлари кўрсатилган раҳбарларга пора берганман деб иқрорлик кўргазмасини беришни талаб қилган. Т. Ҳайитов бундай кўргазма беришдан бош тортгандан сўнг иккинчи сўроқ пайтида уни деразанинг олдига олиб бориб КГБ биносининг рўпарасида турган хотини ва қизини кўрсатади ҳамда иқрорлик кўргазмасини бермасанг хотининг ва болаларингни ҳибсга оламан дейди. Икки кундан кейин Иванов унга ўғли Маҳмуд ҳибсга олингани тўғрисидаги қарорни кўрсатади.

Бухоро вилояти обкомининг биринчи котиби А. Каримовнинг иши бўйича Гдляннинг кўрсатмаси билан унинг яқинлари ва танишларидан яна 50-60 киши, хусусан, Камол, Анора, Муҳиддин Саидовлар, Маҳмуджон Камолов, ўғли Баҳодир ва қизи – ТошДУ ҳуқуқшунослик факультетининг 22 ёшли битирувчиси Лола Каримова ҳам ҳибсга олинган. Каримовнинг хотини, ўғли, қизи Бухородан Душанба шаҳрига этап қилиниб, у ердаги тергов изоляториди 8 ойдан кўпроқ ўтирганлар.

Усмонхўжаев иши бўйича унинг ўзидан ташқари яна 30–40 киши ҳибсга олинган. Усмонхўжаевнинг хотини, ўғли Ғайрат, икки синглиси – Фазилатхон ва Каналхонлар 6 ойлаб ҳибсда сақланганлар. СССР Олий суди Усмонхўжаевнинг ишини кўришда хусусий ажрим чиқариб, Бош прокурорнинг эътиборини айбсиз одамлар ноқонуний ҳибсга олинганига қаратди.

Тошкент вилояти обкомининг собиқ биринчи котиби М. Мусахонов иши бўйича ҳам унинг фарзандлари – ТошДУнинг кафедра мудири, физика-математика фанлари доктори Мирзаюсуф Мусахонов ҳамда икки қизи – Сожида ва Нафиса Мусахоновалар ҳам ҳибсга олинган эди. Қ. Камолов ва Т. Жуманиёзов ишлари бўйича 50–60 нафар қариндош ва танишлари ҳибсга олинган, Примов иши бўйича тўрт нафар, Соғлиқни сақлаш вазири А. Худойберганов иши бўйича бир неча ўнлаб қариндошлари қamoққа олинган ва қийноққа солинган.

Хоразм вилояти партия қўмитасининг собиқ биринчи котиби М.Худойберганов иши бўйича ўнлаб айбсиз одамлар, хусусан, ўғли К. Худойберганов, хотини Н. Худойберганова, қариндоши Ю. Рўзимовлар ҳибсга олиниб, 9 ой қamoқда сақланган.

Р. Ғойиповнинг икки айбсиз ўғли судгача 4–6 йил қamoқда сақланган. Бу иш бўйича қўлаб айби йўқ инсонлар қamoққа ташланган ва қийноққа солинган.

Гдялнинг бевосита кўрсатмасига биноан 9 нафар фарзанднинг онаси Пошша Олимова, 11 нафар фарзанднинг онаси Бибизода Долиева, 12 нафар фарзанднинг онаси Анора Саидовалар ҳам ҳибсга олинган ва улар устидан турмуш ўртоқларининг бойликларини яширганлар деган ноқонуний айблар билан жиноят ишлари кўзғатганлар.

Ҳибсга олинган аёллар, ўғил-қизларнинг барчасига қариндоши ёки отаси, танишлари томонидан сақлаш учун берилган пул ва бошқа бойликларни топшириш талаб қилинган.

Ўзбекистон Жиноят процессуал кодексига гувоҳларни тунда чақириш ва сўроқ қилиш ман қилинган, лекин тергов гуруҳи ва Гдялнинг шахсан ўзи қонун талабига хилоф равишда гувоҳларни тунда чақириб сўроқ қилиш билан шуғулланган. Бунинг ёрқин мисоли сифатида

1957 йилда туғилган Зиёда Камоловани кўрсатиш мумкин. У эмизикли боласи билан туғруқ таътилидалигига қарамасдан терговчи Иброҳимов 1988 йил 2 июнь куни соат 24 да чақириб, эртасига 3 июнь соат 14 га қадар сўроқ қилган. Бу вақтда Зиёда Камолованинг онаси, эри, қайнонаси ҳибсда бўлган. Уларнинг ҳаракатларида ҳам жиноят бўлмаган.

Беруний райком котиби О. Ражабов иши бўйича 54 нафар яқин қариндоши, қўшни ва танишлари асосиз қamoқда сақлиниб қийноққа солинганлар. Уларнинг ҳибсга олингани тўғрисидаги ҳужжатлар эса ишга тикилмаган.

СССРнинг «СССР халқ депутатлар мақоми тўғрисида»ги қонунида депутатларни совет ва уларнинг ижроқўми розилигисиз ушлаш ва ҳибсга олиш мумкин эмаслиги кўрсатилган. Бироқ терговчилар қонуннинг бу талабини бир марта эмас, бир неча марта бузишган. Масалан, Гдялнинг қарорига биноан 1987 йил 30 ноябрда «Правда» колхозининг бош инженери Шарифбой Ражабов депутат бўлишига қарамасдан қamoққа олинган. Уни қamoққа олиш учун розилик олинмаган. У ўзининг депутатлигини терговчиларга айтса-да инobatга олишмаган. Кейинчалик Ражабовнинг иши жиноят таркиби бўлмагани учун бекор қилинган.

Гдял ва Ивановлар марказий ва маҳаллий оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистонда жиноятчи тўдаларни foш қилганликлари ҳақида «Ўзбекларнинг ҳаммаси порахўр», «Ўзбекистон биз учун шарқий фронт», «Ўзбекистон Ўрта Осиё Чернобили» деган миллий шаънимизни таҳқирловчи сўзлар билан жуда катта шов-шув кўтара бошладилар. Ушбу тергов гуруҳи ҳибсга олинган айбланувчиларга нисбатан қонунни ғараз ниятлар билан олти йил мобайнида бешафқат, сурбетларча оёқости қилиб келдилар. Улар қуролланган аскарлар билан ҳарбий вертолётларда олис қишлоқларгача бостириб кириб, одамларнинг бор-будини талаб, зўравонлик қилганлар. Қийноқларга солинганларнинг кўпчилиги қариндош-уруғларидан, маҳалладошларидан қарз олиб пулларни терговчиларга келтириб беришга мажбур бўлишган. Терговчилар эса қанча кўп пул олиб келсанлар, қариндошингни шунча тез қamoқдан чиқариб юборамиз деб алдаганлар.

Мана шу йилларда КПСС ва Ўзбекистон компартияси марказий кўмиталарига, турли идораларга меҳнаткашларнинг шикоят аризалари тинмай кела бошлади. Судлар чиқарган ҳукмлардан норозилик, асоссиз қамоққа олиниб, мол-мулклари талон-торож қилинган, тергов жараёнида қийноқларга солинган, зўравонликларга учраганларнинг дод-фарёди акс этганди бу мушоаатларда.

Барчага тушунарли бўлиши учун яна кўпчилик билмаган ҳақиқатни айтишимиз лозимки, Гдлян ва Иванов раҳбарлик қилган тергов гуруҳи СССРнинг турли вилоятларидан келган 200 дан ортиқ терговчилардан иборат бўлган. Улар фақат юқори лавозимларда фаолият кўрсатган, юртимизда катта обрўга эга раҳбарларни ва уларнинг юзлаб қариндошлари ҳамда яқин танишларини қатағон қилганлар. Бу 200 та терговчи олти йил мобайнида юртимизни топтаб, ҳеч кимни менсимай, ичкиликбозлик ва айшу ишрат билан вақтларини ўтказганлар.

Бизнинг ҳисобимизга қараганда ушбу гуруҳ тергов қилган ишлар бўйича фақат олти киши оқланмаган, холос. Бирон бир давлатнинг тергов амалиётида бу каби шармандалик бўлмаган.

1930-йилларда Ягода ва Ежов сингари жиноятчилар инсониятга қарши жиноятлар содир этгани учун СССР тарихида жаллод сифатида ном чиқарган эдилар. Юртимизнинг асл фарзандлари – давлат арбоблари Файзулла Хўжаев, Акмал Икромов, таникли ёзувчи ва шоирлардан Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон, Усмон Носир ва бошқалар уларнинг қатағон қиличидан нобуд бўлдилар. Маълумки, бу оғир жиноятлари учун Ягода ва Ежовлар қилмишларига яраша ўлим жазосига ҳукм қилинган. Бу ҳукмлар адолатли ҳукмлар бўлган. Гдлян ва Иванов ҳам Ўзбекистонда содир этган худди шундай ўта оғир жиноятлари учун қилмишларига яраша жазоларга лойиқ эди. Улар бундай жазодан қочиш учун Москвада, Ленинградда, Тушино, Зеленоград ва ҳатто Ереванда ўтказилган митингларда, юқорида айтганимиздай, ёлғон-яшиқ халқимизнинг миллий шаънига тегадиган гаплари билан сайловчиларни лақиллатиб СССР халқ депутатлари бўлиб сайланиб олдилар.

Бу пайтга келиб Ўзбекистонда гдлянчиларнинг қилмишлари юзасидан норозиликлар,

уларнинг жиноий қилмишлари тўғрисидаги ариза ва шикоятлар ҳам кўпайиб бораётган эди. Халқимизнинг илғор вакиллари Аҳмаджон Мухторов, Эркин Юсупов, Одил Ёкубов, Владимир Одилов, Йўлдош Акбаров ва бошқалар Ўзбекистондан СССР Олий Советига депутат бўлиб сайландилар. Мен бу депутатларимизнинг номларини ҳамиша чуқур ҳурмат ва эҳтиром билан тилга оламан. Чунки улар СССРдай қудратли, қатағон қиличини ишга солишга ҳамиша шай бўлиб турадиган мустабид давлат ҳукм суриб турганига қарамай халқимиз юзига қора чаплаган гдлянчиларнинг жиноий ҳаракатларини фош қилишни, уларни жиноий жавобгарликка тортишни ўз олдидларига мақсад қилиб қўйдилар. Фалсафа фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги Эркин Юсупов, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёкубов, забардаст журналист, «Халқ сўзи» газетасининг биринчи бош муҳаррири Аҳмаджон Мухторов, Чкалов номидаги авиация заводининг мутахассиси Владимир Одилов, оддий ишчи, оловқалб Йўлдош Акбаровлар съезд минбаридан туриб, СССР халқ депутатларининг эътиборини Гдлян ва Ивановлар тергов гуруҳининг ноқонуний ишларига торта бошладилар.

СССР Олий Советида Гдлян ва Ивановлар иши муҳокамаси бошланганида Олий Советга тазйиқ ўтказиш учун Гдлян ва Ивановлар минглаб одамларни тўплаб митинглар ўтказишарди. Оқибатда бир неча марта Олий Совет Гдлян ва Ивановни кўпчилик овоз билан бир неча марта қамоққа олишга, жиноий жавобгарликка тортишга, лавозимларидан бўшатишга розилик бермади. СССР Олий Советида Гдлян ва Ивановларнинг ишларини ўрганиш бўйича тузилган комиссиянинг ҳамраиси Рой Медведев комиссия иши бўйича саяз ва юзаки маъруза қилганида Йўлдош Акбаров ва Владимир Одилов сўзга чиқишиб маърузани қаттиқ танқид қилдилар.

Мен ўша пайтларда республика раҳбарияти томонидан депутатларимизга нутқлар матнини тайёрлаш борасида, хусусан, тегишли материаллар билан юридик ёрдам кўрсатиш учун бириктирилганим сабабли уларнинг фаолиятдан яқиндан хабардор эдим. Шу боис менда депутатларимизнинг СССР Олий Советидаги нутқлари матни билан таништириш имконияти бор.

## Йўлдош АКБАРОВ:

Халқимиз жуда сабр-тоқатли халқ. Балки бизнинг қучлилигимиз ҳам, ожизлилигимиз ҳам мана шундадир. Лекин ҳар қандай сабрнинг ҳам охири бор.

Бизнинг жафоахал халқимизни Гдлян ва Ивановлар қаттиқ ҳақорат қилишди. Улар халқимизга «ўғри» деган тамғани ёпиштиришди, аёлларимиз ва фарзандларимизни хўрладилар, Ўзбекистонни тиконли симлар билан ўраб ташлаш керак деб айтишди. Мен эса бу жиноятчиларнинг ўзларини тиконли симлар орқасига ташлашни талаб қиламан. Бундан бошқача йўл тутиш ушбу жиноятчиларга шерик бўлиб қолишни ва Ўзбекистоннинг йигирма миллионлик халқини янада қаттиқ ҳақорат қилишни аңлатади.

Мен комиссиянинг иши ҳақидаги маълумотномадан қониқмадим. Унда асосий саволларга жавоб берилмаган. Бугун мен, Гдлян ибораси билан айтадиган бўлсам, шарқий фронт полигонига нима учун айнан Ўзбекистон танлаб олинган, «Ўзбеклар иши» деган ибора ким учун керак бўлиб қолган, бутун бир миллатни ҳақорат қилиш ҳуқуқини уларга ким берган, уларнинг орқасида кимлар турибди деган саволларга жавоб олмақчиман.

Шунинг учун ҳам комиссия ахборотига нисбатан ўзимнинг жиддий норози эканлигимни айтиб ўтишга қарор қилдим. Чунки ахборот кўрқоқларча ёзилган ва юмшоқ қилиб айтадиган бўлсам, ҳақиқий аҳволни акс эттирмайди. Бу ҳолатда комиссия аъзолари ўзларининг обрўларини йўқотиб қўйишлари ҳеч гап эмас, негаки, улар Гдлян, Иванов, Гайданов, Лаптев, Карташян ва бошқалар содир этганлиги аниқ кўриниб турган ва тасдиқланган жиноятларни инкор қилиш билан ўзларининг виждонига қарши иш олиб бормоқда.

Комиссия жиноятчиларни ҳимоя қилиб ғайриахлоқий позицияда турибди, бу эса бизнинг республикамиз халқи учун оғир ҳақоратдир. Чунки уларнинг хатти-ҳаракатларидан менсимаслик ва шовинизмнинг ҳиди аңқиб турибди. Мен комиссия томонидан тўпланган материалларни ошкор қилишни талаб қиламан. Бош прокурор нима учун Гдлян ва Ивановларнинг ўзбошимчаликларига ўз муносабатини билдирмай, оғзига талқон солгандек жим ўтирибди?

Мен комиссиянинг ҳар бир ҳамраиси ва ҳар бир аъзоси съезд томонидан берилган топшириқларни қанчалик виждонан бажарганлиги тўғрисида тушунтириш беришларини талаб қиламан. Уларнинг позициялари мени ажаблантирмоқда, ёки улар ҳам нимадандир кўрқисаяптими? Улар ҳеч нарсадан чўчимай дадиллик билан объектив ахборот беришлари шарт, акс ҳолда уларга нисбатан ишончсизлик билдирилиши ва комиссия тарқатиб юборилиши лозим. Мен Рой Медведевнинг позициясига тушунмаяпман. Ахир у ўзининг китобларида Берия ва Ежовлар томонидан содир этилган жиноятларни дадиллик билан очиб ташлаган эди-ку? Шундай экан, нима учун у ҳозир бундай қилишдан кўрқмоқда? Мен комиссияга Болтиқбўйи республикалари вакилларидан сайланган аъзоларнинг позицияларига мутлақо тушунмаяпман. Улар ўзларининг республикалари ҳақида гап кетганда ҳуқуқий давлат ва инсон ҳуқуқлари тўғрисида оғизларини тўлдириб гапиришади, бизнинг республикамиз ҳақида гап кетганда мум тишлаб олгандек жим ўтиришади.

Нисалар, мен сизларга мурожаат қилиб шуни айтаманки, комиссия айрим мансабпараст кимсаларнинг манфаатларини ўйлаб бизни алдамоқчи бўлмоқда. Юқорида мен тўхталиб ўтган масалалар муҳокама қилинишини талаб қиламан.

Яна шуни айтмоқчиманки, Гдлян ва Иванов устидан бўладиган суд қонунга биноан, улар оғир жиноят содир этган жойда – Ўзбекистонда бўлиши лозим деб ҳисоблайман...

## Владимир ОДИЛОВ:

*Хурматли депутат ўртоқлар!*

Мен сўзга чиқмасликнинг асло иложи қолмагани ва оғзига талқон солган одамдек жим ўтиришга ҳаққим йўқлиги учун ҳам минбарга чиқишга мажбур бўлмоқдаман. Жуда хунук ишларни қилишга қилиб қўйиб, ўзларини қўй оғзидан чўп олмагандек оппоқ қилиб кўрсатишга уринаётган Гдлян ва Ивановларнинг фаолияти юз минглаб ўзбекистонлик сайловчиларнинг ғазабини кўзгатамоқда. Бу янги пайдо бўлган «сиёсатдон»лар ўзларини қатъиятли қилиб кўрсатишга уринаётганлиги республикамызда содир этган жиноятларидан чалғитиш ва жавобгарликдан қочишдан бошқа нарса эмас.

Бузун бу ерда айтадиган ҳар бир гапларим учун қаерда бўлса ҳам жавоб беришга тайёрман.

Яқинда матбуотда тергов гуруҳи томонидан одамлардан олинган бойликларнинг умумий миқдори 43 ёки 33 миллион сўмдан иборат бўлиши мумкин деган фактлар чоп этилди. Аниқ айтиш мумкинки, Гдлян тергов гуруҳи 22 миллион сўмни давлатга топширган. Лекин у ўзининг чиқишларида 140 миллион деб айтган эди. Шундан ёлғон гапириш Гдлянинг энг асосий иш усулларидан бири экан деб ишонч ҳосил қилдим. Шунинг учун менда у одамлардан олинган бойликларнинг қанчасини давлатга топширган деган ҳақли савол туғилди.

Мана менинг қўлимда шу ишларга оид ҳужжатлар бор:

Гдлян Тўртқўл туманидаги Дмитров номли колхозда бир гуруҳ терговчилари билан В.Н. Тожиевнинг уйига бориб, бойликларни олади. Бу ҳолат уларнинг баённомасида қуйидагича расмийлаштирилган: қора полиетилен халтада учта қутича бор, биринчи қутичада заргарлик буюмлари – тилла тангалар, узуклар, сирғалар, соатлар; ўралган дастрўмолчада заргарлик буюмлари, беш ва ўн сўмлик тилла тангалар; иккинчи қутичада заргарлик буюмлари ва тилла тангалар. Учинчи қутичада ҳам заргарлик буюмлари ва тилла тангалар. Олинган буюмлар ўралди ва СССР прокуратурасининг 268-муҳри билан муҳрланди.

Баённома Гдлян ва бошқа шахслар томонидан имзоланган.

Баённомада олинган бойликларнинг белгилари, миқдори, вазни ва ҳоказолар батафсил баён этилиши лозимлигини билиш учун ҳуқуқшунос бўлиш шарт эмас.

Тожиевдан 1987 йил эрта тонгда олинган ва баённомада кўрсатилган бойликлар қанақа ва қандай суммада эканлигини ким айта олади?

Бу тасодифий ҳол эмас, аксинча, у Гдлян томонидан ишлаб чиқилган ифлос тизим бўлиб, буни уларнинг қарийб барча ишларида кўриш мумкин.

Бойликларга қонунга хилоф равишда жўрттага аниқлик киритилмаган. Шу йўл билан Гдлян уларнинг маълум қисмини ўзлаштириб олиш учун имконият яратган.

Бунинг натижасида Гдлянда бойликлар ва пуллардан, одатда, оддий оғбор мудирларида бўладиган камомадлар сингари йирик миқдордаги камомад бор. Бироқ оддий оғбор мудирдан фарқли равишда Гдлян депутатлик мандатидан фойдаланиб жазосиз қолмоқда. Мен СССР Бош прокурорига мурожаат қилиб ундан қонун олдида ҳамма тенг эмасми деб сўрамоқчиман.


Бир қатор газеталар, масалан, 1989 йил 21 октябрда «Советский молодёж» (Латвия) газетасида Гдлянинг каттагина интервьюси чоп этилган бўлиб, унда Гдлян шундай дейди: «Ҳуқуқий давлатни биринчи ғишtidан бошлаб биз қурамыз, биринчи ғишт деганимиз бу сўз эркинлиги, ҳар бир кишининг иқтисодий, сиёсий, маданий, миллий ривожланишини таъминлашдан иборат деганимиздир».

Мен шуни баралла айтаманки, бу сўзларнинг барчаси ишонувчан гўл одамларга мўлжалланган даҳшатли иккиюзламачиликдан бошқа нарса эмас.

Энди мен Гдляннинг аниқ ишларидан бир мисол келтираман. СССР Бош прокурорининг ёрдамчиси А.М. Овчарова 1985 йилдаёқ «Бухоро ишлари» деб номланган ишлар бўйича айблов ҳулоаси судда эълон қилинганидан кейин шундай деб ёзган эди: «...судда 30 дан зиёд гувоҳ гдлянчилар томонидан калтакланганини, хотинларинг, қизларинг ва сингилларингнинг номусига тегамиз деб таҳдид қилиб, инсоний ва миллий шаънимизни таҳқирлашди деб гапириб беришди.

Мен ўзим «Бухоро ишлари» билан боғлиқ бўлмаган бошқа ишлар билан танишганимда ҳам улар барча ишлар бўйича ўзбошимчалик билан иш юритганига ишонч ҳосил қилдим...

...Мен Гдлян ва Ивановни содир этган жиноятлари учун депутатлик ваколатидан маҳрум қилишни ва қонунда қўзда тутилган тартибда жиноий жавобгарликка тортишни таклиф қиламан...».



Маъна: <https://sharafrashidov.org/paxta-ishi.html>


Ўзбекистонлик бошқа депутатларимиз ҳам Гдлян ва Ивановлар содир этган жиноятларни факт ва далиллар билан очиб ташлашди ва уларни жиноий жавобгарликка тортишни талаб қилишди. Аммо гдлянчиларнинг митинглардаги ёлғон сўзларига лаққа тушган айрим депутат-

ларнинг қаршиликлари туфайли вакилларимизнинг талаблари инobatга олинмади. Кейинчалик эса раислик қилувчи Лукьянов бизнинг депутатларимизга мутлақо сўз бермай қўйди...

(давоми келгуси сонда)

# «...Барча кўчк кўчк олкшга қаратмасак, забун бўтурмкз...»

«Беҳбудий ҳазратлари кўринишидан гоаят маҳобатли ва салобатли эди. Аҳволига воқиф бўлмогон кимса мутакаббир деб гумон қилур эди. Лекин ҳақиқатда мулойим суҳбатлик, такаллуфсиз бир одам эди. Ўз моли ҳақида бўлсин, халқ моли ҳақида бўлсин, иқтисодга кўр риоя қилар ва ижтимоий аҳволимизнинг тузулиши учун иқтисодга риоя қилишни биринчи шартлардан билар эди. Шунинг учун тўй ва азаларга бўлатургон исрофларни ўзи бутун тарк қилгон ва сўзга қулоқ солатургонларни ҳам тарк қилдиргон эди»<sup>1</sup>.



«Мўхандис, муаллим, замона мактабдори, миллатнинг ҳомийси, яъни давлат думасига депутат, миллий саноатхоналаримизни ислоҳи, техник тижоратхона, банкларда бизга ёрдам берувчи, яъни тижорат илмини ўқиган каммерсантларни етиштирмоқ керакдур».

XX аср бошида Туркистон истиқболи ва истиқлоли учун кураш олиб борган зиёлилар ичида билимининг кенглиги жиҳатидан Маҳмудхўжа Бехбудийга тенг келадигани йўқ эди. Мамлакат келажаги унинг янги кадрлари – турли соҳа мутахассислари, иқтисодчилар ҳамда ҳуқуқшуносларга боғлиқ деб билган аллома замон талабига жавоб берадиган кадрлар тайёрлаш масаласини энг асосий вазифа деб билади.

1899 йилдан бошлаб у янги усулдаги мактабларнинг ташкил этиш методикасини ўрганиш, бошқа мамлакатлар иқтисодиётини кўриш ва тажриба тўплаш, ривожланган мамлакатлардаги тараққий усулларининг ҳуқуқий асосларини тадқиқ этиш мақсадида саёҳатларга чиқади. Дастлаб Қирим, Истанбул, Қозон шаҳарларида, сўнгра Кавказ, Ўрта Шарқ, Миср, Европа ва Россиянинг кўпгина шаҳарларида бўлди. «Эртаси Байрут шаҳрини ашш ва гузор этдим. Мактаб ва дорулфунунлар таътил ва боғли эди. Ушбу шаҳар Туркиянинг Байрут вилоятининг маркази бўлиб, илм ва маориф жиҳатидан Мисрдан сўнгра Шарқда биринчи шаҳар бўлиб, аммо маорифнинг бониси Оврупо ва Амриқо мисйўнерларидурки, тарафона мактаб ва дорулфунунларини тараққийсиға саъй этарлар. Байрут дорулфунунлари Оврупо ва амриқойилар тарафидан идора қилинса ҳам лисон, тадрис араби бўлиб, франсавий ва немис ёйинки англис алоҳида бир фандек ўқулуру. Байрут дорулфунуниди олами исломнинг Туркистон ва Бухоросидан бошқа ҳар тарафдан талаба бор экан. Хатто Шарқнинг Ёлунидан талаба бор экан. Тотор биродарлардин ҳам дастлаб талабалар бордур»<sup>1</sup>.

Дунёвий тараққиёт моҳиятини англаб етган Бехбудий мамлакатда янгиликларни кенг жорий этиш, иқтисодиётнинг яхшиланиши учун нималар қилиш керак-

лигига доир фикрлари билан матбуотда чиқишлар қилади. У «Туркистон вилоятининг газети», «Тараққий», «Хуршид», «Нажот», «Самарқанд», «Меҳнатқашлар товуши», «Улуғ Туркистон», «Тирик сўз», «Ойина» каби матбуот нашрларида чоп этилган юзлаб мақолаларида янги усул мактаблари, илмсизликнинг олдини олиш, дунёвий фанларнинг фойдаси, ўлка фарзандларини комил инсон қилиб тарбиялаш, улардан етук мутахассислар тайёрлаш масалаларини ёритди. Иқтисодий муаммоларни кўтариб чиқиб, соҳага доир янги қонунлар яратилиши учун ҳаракат қилди.



**Бехбудий ривожланган мамлакатларга ҳавас билан қарайди ва шундай ёзади:** «Замонангизда бу қадар лохутий асарлар ва муқаддас буюқалар барпо этибсиз. Чин мусулмонлар, ҳақиқий инсонлар сизларсиз. Ва сизларнинг тарзия (қониқиш) ва тавсифингиздан бу кунги биз мусулмонлар ожизмиз. Сизнинг изингиздан кетмоққа жаҳолатимиз монёе бўлди.

Илоҳо! Бу азиз ва фаол бандаларнинг ҳурматиға бизға басират бер! Эшитар қулоқ, англатар ақл бер! Ох, у эззулар қандай эканлар? Биз на ҳолдамиз? Ер юзидида сулҳ ва салоҳи (эзулик) умумий ато айла, инсонларга инсоният бер! Зулмлари қаҳр эт, маҳв бўлсин зулм, яшасун адолат ва ҳаққоният»<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> С.Айний. Маҳмудхўжа Бехбудий «Зарафшон» газетаси, 1923 йил 25 март.

<sup>2</sup> М.Бехбудий. Саёҳат хотиралари. – Тошкент, «Маънавият». – 2006. – 104-6.

<sup>3</sup> М.Бехбудий. Саёҳат хотиралари. – Тошкент, «Маънавият». – 2006. – 116-117-6.

Келажакни кўра билган алломанинг мамлакат тараққиёти, истиқболи, иқтисодиёти ва қонунлари ҳақида тақлифлари, улкан режалари бор эди. Бу мақсад ва режаларини матбуот саҳифаларида босқичма-босқич ёритиб борди.

1913 йилда ўз маблағи ҳисобидан «Самарқанд» газетасини, «Ойина» журналинини ташкил қилиб, улар орқали мамлакатнинг маорифи, иқтисоди, ҳуқуқи, фуқаролик ҳуқуқи, оила, ахлоқ масалалари бўйича кескин чиқишлар уюштира бошлайди.

Савдо-сотиқни ривожлантириш, миллий даромадни кўпайтириш зарурлиги ҳақида тушунтиришлар олиб борар экан, турли ҳаётий мисоллар келтиради: «Иморат қилмоқчи бўлсак план лойиҳаси лозимки, инженерга муҳтож бўлурмиз. Аммо биз ҳануз муҳандис илмини билмаймиз. Кантур ва расмий дафтар тутуб, касса тутуб тижорат этмоқ лозим»<sup>4</sup>.

Бехбудий Туркистонда етиштирилаётган маҳсулотлар арзон баҳоларда Европа бозорларига олиб кетилаётганига ачинади. Бизда ҳам халқаро миқёсда савдо-сотиқ қила оладиган мутахассислар етишиб чиқишини истайди: «Туркистон меваси, донси, тоши, туфроғи эски немурсалари Европа бозорларига кетар, мунд Овropa даллоллари келиб оз баҳога олиб кетар. Меҳнатни биз қилармиз, фойдани улар кўрар». Шунинг учун: «Овropa ила савдо қилатургон киши аввало ўн сана замона илми ўқимоғи лозим».

Бехбудий Туркистоннинг келажаги, миллат тараққиёти борасида турли йўллари кидиради, бойларга ҳам мурожат этиб кўради: «Бошқа миллатларнинг бойлари фақир ва етимлар учун мактаб ва дорулфунунлар соладурлар, фақир ва етимларнинг ўқимоғи учун воқф (истипендия)лар тайин қилур. Бутун Туркистон ўн бой элинда минг сўмдан берса 25 бола учун Тошкентда диний ва замоний бир пансионли ва наҳори мукаммал мак-

таб бино бўлуб, ҳар йил ҳукумат мактабинда 50 бола тайёрлайдур» деб ўлка бойларини инсофга, маърифатга ундайди. Агар шундай ишлар амалга оширилса, ўн йиллар ичида яхши-яхши муҳандис, шифокор, ҳуқуқшунос, иқтисодчилар етишиб чиқади деб умид қилади. Сўнг айтадики: «Халойиқни барбод этадурган тўйларни эмас, оҳ, бу сўзларни англайдурган бойлар бизда етишганми?».

Тўй ва маросимлардаги исрофгарчиликларга мутлақо қарши бўлган Бехбудий шундай ёзади: «Маълумимиздирки, тўй ва маъракаларга сарф қилинадургон ақчага Кавказ, Қирим, Оренбург ва Қозонга усули таълим ўрганмоқ учун бола юбормоқ керакдур. Ҳукумат мактабларига кирмоқ учун русча билмоқ ва имтиҳон бермоқ лозим ва бу имтиҳонни бермоқ учун ҳар болани икки сана русчага ўқитиб тарбият этмоқ керак. Ва бул сана учун ҳар бирига 400 сўм ақча керакдур. Ақчалик оталар албатта тўй ва маъракага қизғонмаганларидек, болани ўқитмоққа ҳам қизғонмаслари керак. Болалар учун тарбияхона очмоқ лозим. Ва бу тарбияхоналар замонийча ва ҳам миллий ва диний руҳда бўлиши керакдур»<sup>5</sup>.

Бехбудий ёшларда хориж давлатларига бориб ҳуқуқ, иқтисод ва бошқа мутахассисликлар бўйича ўқиш истаги бўлса-ю, аммо бунга маблағи бўлмаса, ота-онасининг қурби етмаса, уларни қўллаб-қувватлаш учун «Маориф жамияти» ёки «Хайрия жамияти» ташкил қилиш керак деган тақлифни илгари суради. Токи, бу жамиятлар халқдан маблағ йиғиб, миллатнинг ривож учун фарзандларни ўқитсин: «Муҳандис, муаллим, замона мактабдори, миллатни ҳомиysi, яъни давлат думасига депутат, миллий санатхоналаримизни ислоҳи, техник тижоратхона, банкларда бизга ёрдам берувчи, яъни тижорат илмини ўқиган каммерсантларни етиштирмоқ керакдур».


<sup>4</sup> М.Бехбудий. «Самарқанд» газетаси, 1913 йил 12 июль.

<sup>5</sup> М.Бехбудий. Аъололимиз ёйинки муродимиз// Ойина, 1913. №6-7.

Беҳбудий халққа қарата айтадики, «беҳуда сарфларга кетадиган харажатларни илмга сарфламоқ керакдир. Илм бизнинг омилигимиз, идеалигимиз, муродимиз, тилагимиз ва муддаомиздир. Ҳозир барча кучни илм олишга қаратмасак, забун бўлурмиз»<sup>6</sup>.

Беҳбудий Туркистон халқининг маросимларида ниҳоятда кўп харажатлар бўлаётганини кўриб, муфтий сифатида

ҳам жиддий ташвишга тушади. Унинг ташаббуси билан Самарқандда ислоҳ русум мажлиси чақирилиб тўй, таъзия ва бошқа маросимлар учун юридик ҳужжат бўлган тартибнома ишлаб чиқилган. Тартибнома учун рус ҳукуматидан ҳам рухсат олинди, муҳрланиб, жорий қилинди. Ислоҳ русум мажлисининг мазкур қарори Беҳбудий томонидан матбуотда эълон қилинган.



<sup>6</sup> М. Беҳбудий. Аъмолимиз ёйинки муродимиз. //Ойна, 1913. №6-7.

## ИТТИФОҚНОМА

1909 с.а.а. 21 март (1327)

Бизлар Самарқанд шаҳрининг тубанда зикрланмиш маъتبир одамлари ва элликбошилари қилдик ушбу иттифоқномани, хурматли шаҳар пристуфи ва ҳукуматининг руҳсати ила шул хусусидаким,

биринчи, Самарқандда матуфо (дафн) бўлгувчиларнинг ёши қирқдан қуйи бўлса, кам ва юқори бўлса сўфи ертиш берулсун. Ертиш фақат қабр устида берилиб, бошқа жойда ва сўнгра берилмас. Ҳавоҳ бой ва камбағал ё мансабдор бўлсун, зиёда берилмай ҳаммага баробар берилур. Бу ертиш ҳам ихтиёрий. Русум хусусидан қилинмайду.

Иккинчи, тўйлар бобинда шундай қарор бердикки, мансабда турган қози, муфти, мударрис, имом, хатиб ва дуозгўй эшон, оқсоқолга ҳар сифатда бўлса-бўлсун, тўйларда қанд ва набот бермасга ва ҳам синф касабга ўз оқсоқолидан бошқа ва касабга оқсоқолларига ҳам қанд ва набот бермасун. Мазкур миллий ва руҳоний мансабдорга ҳам қанд ва набот бермоқ жабри эмас, ихтиёрийду.

Никоҳ ақидага, хазор мажлисига пул бермай, фақат имом ва муаззин ва мухла ходимга берилади. Аммо аларга берилатурғон ҳам уч сўмдан зиёда бўлмасун. Шаҳар тўйларига базим ва кўпқари берилмасун. Маҳалла йиғитлари пул жамиҳлаб, жувон сақламасинлар ва ўзларига бобо – йиғитлар каттаси кўтармасунлар. Тўйларга тўёна бермоқ матрук бўлсун. Мурдашавга ўлган киши тарафидан икки танга ила бир кўрна ва бир ястуқ ва озгина либосдан бошқа немирса берилмасун.

Бу қадар имкон тўй ва азалар кичикроқ қилинсин.

Мастлик, ўғирлик ва қотил ишларни бўлмасликка тадбирлар жорий қилинсин. Қозилар ва политсия хузурунда ўғилларига ҳеч ким восита ва кафил бўлмасин.

Ушбу иттифоқномани ҳукуматга топшириб ва ўрнуга келтирмоқ ва тўй, таъзияга халойиққа насиҳат бериб, яхшилик ила ушбу қарорномани жорий қилмоқ учун ушбу одамларни вакил ва маъмур қилдик:

Муҳаммад Раҳимбой Хўжа Аҳмад ўғли,

Маҳмудхўжа Беҳбудхўжа ўғли,

Ҳожи Мавлонбой Тошмуҳаммад ўғли,

Ҳожи Шамсиддин Ибодулло ўғли,

Абдулғоффорбой ҳожи Абдулло ўғли,

Муҳаммад Раҳим Шоқирбой ўғли ва ҳ.

Ушбу иттифоқномани бузганларни дарилқозо ва политсия маҳкамасига жавобга қолдирилсун деб, усул насиҳага бир неча юз киши муҳр босиб, қўл қўйғондур.

Вакиллардан бири Маҳмудхўжа Беҳбудий».

Мазкур юридик ҳужжатнинг аксар масалалари бугунги қуниimizда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Беҳбудий бундан бир аср олдин тўй ва турли маросимларни тартибга солиш масаласини кун тартибига олиб чиқиш, ечимини ҳам ишлаб чиқди. Ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлади ва тартибга солди.

Беҳбудий замонавий тараққиётдан бебаҳралигимиз, савдо ишларида нўноқлигимизнинг сабаби жаҳолат ва нодонликда деб билди. «Банк сабаби ила яҳудий, армани ва бошқалар давлатлик бўлур. Биз бўлса билак давлатимиздан, мулк ва обрўимиздан айрилармиз. Чунончи, қўлдаги бор нарсаларни тўй ва ғарға, беҳуда одатларга сарф этармиз? Қўрпамизга қараб

аёқ узатмаймиз?»<sup>8</sup>.

Чин маърифатпарвар, иқтисод ва ҳуқуқни чуқур ўрганган Беҳбудий айтдики: «*банкларга мусулмон саркорлари керакдур*». Бунинг учун ҳар кунни ғанимат билиб, иқтисод ва ҳуқуқий ютуқлар сари боришимиз кераклигини таъкидлайди.

Беҳбудий турли раҳбарлик лавозимларида ҳам фаолият юритган. Жумладан, Самарқанд мусулмон ижроия қўмитасида раис муовини бўлиб ишлаган вақтида ноннинг қиммат сотилаётгани учун нон нархини камайтириш бўйича ислоҳот ўтказди. У 1917 йилнинг 13 июнида мусулмон ижроия қўмитасининг мажлисини чақирди, мажлис ноннинг нархини оширмаслик бўйича махсус қарор қабул қилди.

## Қарорнома

1. Мусулмон нонвойхоналари пиширган олий нонларнинг бир қадоғи 75 тийиндан зиёда сотилмасун.

2. Уйда пиширилган хонаки ва осиеки нонларнинг бир қадоғи 70 тийиндан ортиқ сотилмасун.

3. Ўлтирув сотайтурғон нонфурушларнинг олдида тарозиси бўлсун.

4. Қўтариб нон сотувчи ва ё ўлтирув сотувчиларга лозимки, харидор тарозига тортув олмоқчи бўлса, бемалол тортиб берсун.

5. Нонвойхона соҳибига лозимки, яхши пишган ва куймаган нонни бозорга юборсин ва шамиҳундан бўлмасун, қўб турлик шўр нон бўлмасун.

Мазкур моддаларга амал қилмаганларнинг жазоси мусулмон ижроия қўмитаси ва шўрои ислом тарафидан тайин бўлган муфтишлар ва оқсоқолларга лозимки, юқоридаги қондаларга амал қилмаганларни тангирнома ёзиб, они ила шаҳар қозиларига топширсунлар. Шариятпаноҳ қозиларга лозимки, бир неча дафъа жиноят қилғонлар уч кундан етти кунгача Самарқанд миришабхонасига ҳибсга ҳуқум қилинсунлар. Яна мазкур киши иккинчи дафъа жиноят қилса 15 кундан бир ойгача ҳибсга ҳуқум қилинсунлар. Ноннинг хом ва куйгани, аччиғ ва шўрлиги, қиммат сотгани ва ё тарозига нон олвечи рози бўлмагани учун нонфуруш жазога мустаҳқиқ бўлур. Уй нони ва осиеки нонни сотатурғон кишилар ҳар икки ҳолатда ҳам жазога мустаҳқиқ бўлурлар.

Шўрои ислом идораси. Садрий Мулломахмуд Исохўжа Ширинхўжа ўғли.

Мусулмон ижроия қўмитасининг иккинчи раиси Махмудхўжа Беҳбудий»<sup>9</sup>.

Махмудхўжа Беҳбудий фаолиятининг бош мақсади – илм, иқтисод ва қонун. У тараққиёт ҳам, юксалиш ҳам иқтисодга бориб тақалишини «илмларни ўқимоқ ақча ила бўладур» дея таъкидлаб, айта-

дики: «Биз хоҳласакки, ўзимизни бошқаларнинг маданий ва иқтисодий ютишидан сақланилса, юқоридаги айтилган ишларни ҳозирлаб, яъни илм замона тайёрламоқ керакдур».

<sup>8</sup> М.Беҳбудий.Ох, банклар бизни барбод этди!// «Ойна», 1914. - №19.

<sup>9</sup> М.Беҳбудий. Қарорнома. «Нажот» газетаси, 1917 йил 13 июнь.



Қадимда кўплаб ҳуқуқлар қатори миграция ҳуқуқи ва унинг ҳаракатланиш, яшаш жойини танлаш эркинлиги каби институтлари ҳукмрон табақаларга тегишли имтиёз бўлиб, фуқароларнинг ҳуқуқий ҳолати билан боғлиқ бўлган. Миграция ҳуқуқининг шаклланиши инсоннинг ўзига зарур бўлган йўналишга турли йўллар ва ҳаракатланиш воситаларидан фойдаланган ҳолда кўчиб юриш имкониятининг босқичма-босқич ривожланишидир.



# Миграция ҳуқуқининг қадимий тарихи

Одамларнинг кўчиб юришида мутлақ эркинлик мавжуд эмас. Чунки ҳокимият томонидан чекловлар қўйилмаган ва давлат чегаралари бўлмаган тақдирда ҳам бир жойдан иккинчи жойга бориш учун иқлим ва географик хусусиятлар кўринишидаги тўсиқлар бўлган. Қолаверса, бу одамнинг жисмоний имкониятига ҳам боғлиқ.

Миграция ҳуқуқи ҳодисасининг илмий ўрганилиши Афлотунга бориб тақалади десак муболага бўлмайди. Қомусий олим ўзининг асарларида «кўчиб келган» ва «ажнабий» каби тушунчалардан кенг фойдаланган. Файласуфнинг ёзишича, «кўчиб кетишни истаган ҳар бир афиналик, фуқаролик ҳуқуқини олиб, давлат ишлари ва қонунларимиз билан танишгач, агар унга маъқул келмаса, барча мол-мулкни олиб Афинадан кетиши – ўзи хоҳлаган жойга кўчиб кетиши мумкин».


Шу орқали мигрантларнинг асосий тоифаларини ажратишга асос солиниб, уларнинг маъно ва мазмуни ҳозирги кунга

қадар деярли ўзгармай келмоқда. Арастуниг гувоҳлик беришича, «қонуний фуқаролар»нинг етишмаслиги оқибатида қулла ва ажнабийлар учун фуқароликни бериш ҳолатлари учраган (1-расм)<sup>1</sup>.

Юнонларда миграция ҳуқуқининг муҳим институтларидан бўлган бошпана ҳуқуқи муқаддас қадрият саналган. Бундай институт илк маротаба Афина давлатида милоддан аввалги VI асрда Солоннинг қонунлар тўпламида ўз аксини топган. Қолаверса, бу ҳақда тарихий манбалар ҳам гувоҳлик беради. Масалан, шоҳ Крész (юнон. Кройсос, милоддан аввалги 595-546) ҳатто ўз эҳтимолӣ душманларига ҳам бошпана ҳуқуқи тақдим этган: «Шоҳ даставвал скифларни дўстона қабул қилди, чунки улар бошпана сўраб келишган эди»<sup>2</sup>.

Сиёсий қувғинга дучор бўлганлар учун Солоннинг амнистия акти қўлланган. Унга кўра, сиёсий қарашлари туфайли мамлакатини тарк этган шахс ўз ватанига қайтиши (репатри-

ация) учун шароит яратилган ёки Афина фуқаролигини қабул қилиш таклиф қилинган. Шу тариқа мазкур амнистия акти фуқароликка қабул қилишнинг юридик жараёнини (натурализация) бошлаб берган. Солон қонунларига мувофиқ Афина фуқаролигига қабул қилиниши учун чет эл фуқароси афиналиклар учун муносиб хизмат кўрсатиши, халқ мажлиси ва сенат унинг фойдасига икки маротаба овоз бериши ёки ер участкасига эгалик қилиши лозим бўлган<sup>3</sup>. Бошқа шаҳар-давлатлардан Афинага кўчирилганлар «метэклар» ёки «метойклар» деб номланган бўлиб, улар сиёсий ҳуқуқларга эга бўлмаган ва иқтисодий ҳуқуқлари қисман чекланган. Масалан, 12 минг драхмадан қиммат ер участкаси ёки 2 минг драхмадан зиёдга уй сотиб олиши мумкин бўлмаган, афиналик фуқаролар билан никоҳлари қонуний ҳисобланмаган, бироқ кейинчалик уларнинг фарзандлари фуқароликка қабул қилинган<sup>4</sup>.



1-расм. Арастуниг «Афина политикаси» ёки «Афина конституцияси». Оксирих папируслари. Британия кутубхонаси<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Aristote. Œuvres complètes. Traduit par Pierre Pellegrin. Paris: Éditions Flammarion, 2014. – 2923 pages.

<sup>2</sup> The Aristotelian Constitution of Athens (Ἀθηναίων Πολιτεία). 30 columns. Written c. 100 AD, this is the only extant copy of the nearly complete text. Held and digitised by the British Library.

<sup>3</sup> Геродот. История. – М.: ОЛМА Медиа Групп, 2004. – С.45. (640 с.)

<sup>4</sup> Иванов Ю. А. История государства и права античной цивилизации. – Воронеж: Издательство Воронежского государственного университета, 2008. – С.60. (160 с.)

<sup>5</sup> История государства и права Древнего Востока и античного мира. Под общ. ред. Е.В.Суверова. – Барнаул: Барнаульский юридический институт МВД России, 2015. – С.64. (116 с.)



Тахсиллар шуни кўрсатадики, Афина давлатида фуқаролик тақдим этиш соҳасида «қочоқ» ва «чет эл фуқароси» тушунчалари аниқ фарқланмаган. Бу эса «фуқароликка қабул қилиш» ва «бошпана бериш» институтлари ўртасида тафовут мавжуд бўлмаганидан дарак беради. Шу билан бирга, миграция ҳуқуқининг муайян жиҳатларини тартибга солишда Афина жамияти ўша даврдаги бошқа давлатлар билан қиёсланганда анча илғор тажрибага эга бўлган. Масалан, фуқароликдан маҳрум қилиш ёки шахсни мамлакат ҳудудидан чиқариб юбориш суд органи вазифасини бажарувчи герусия, яъни оқсоқоллар кенгашининг қарори билан амалга оширилган<sup>6</sup>.

Қадимги Юнонистонда шаҳар-давлат ҳудудига кириш учун рухсатнома, яъни паспорт-виза бериш амалиёти

кенг тарқалган. Паспорт-визалар хорижий ҳудудда бўлиш учун рухсат этилган мuddатга қараб фарқланган ва ваколатли шахснинг муҳри билан мустақамланган. Одатда бу ҳужжат мамлакат ҳудудидида вақтинчалик бўладиган ажнабий сайёҳларга берилган<sup>7</sup>.

Шахсни тасдиқловчи ҳужжатлар қадимги Юнонистонда милоддан аввалги VIII асрдан олдин ҳам мавжуд бўлгани ҳақида ҳам маълумотлар мавжуд. Хусусан, Ҳомернинг «Илиада» эпик достонида келтиришича, сафар ҳужжати исми, лавозими, эгалик қилувчининг ҳуқуқи кўрсатилган ва ҳукмдор томонидан имзоланган махсус қоғоз варақалари шаклида бўлган. Гувоҳнома фақат обрўли давлат арбоблига алоҳида муҳим топшириқларни бажариш учун берилган. Бунинг далили сифатида мамлакатига

қайтиш ҳуқуқини таъминлашни сўраб, Ахиллес Зевсга қурбонлик келтираётгани тасвирланган суратни келтириш мумкин (2-расм).

Сафар ҳужжатлари ҳақидаги маълумотлар юнон маданий мероси – дoston ва афсоналарида сақланиб қолган. Айрим юнонлар сафар ҳужжатлари нафақат ҳаётлик пайтида, балки ундан сўнг, яъни ўлимдан кейинги дунёга ўтишда ҳам асқотишига ишонишган. Улар элизиум, яъни жаннатга тушиш имкониятини ошириш мақсадида олтиндан махсус ҳужжат – «Орфей тахтачаси» («Lamellae Orphicae») <sup>9</sup> ясаб, ўзлари билан олиб юришган (3-расм).

Бундай олтин тахтачалар ҳозирги Юнонистон ва Италия ҳудудидидаги милоддан аввалги IV-III асрларга мансуб қабрлардан топилган. Одатнинг аниқ номи ҳануз номаълумлиги бosis аксарият археологлар уни «жаннатга йўлланма» ёки «нариги дунё паспорти» деб ҳам аташади. Тумор сифатида олиб юриладиган ушбу олтин тахтачада шахсини тасдиқлаш билан бир қаторда жаннатда ўзини тутиш қоидалари ҳам битилган. Бироқ унда Орфей ҳақида ёзув мавжуд эмас. Афлотун бунини руҳоний шоир Орфей издошлари билан боғлайди. Чунки Орфей гўёки ўлимдан кейинги дунёдан тирилиб, севикли ёри Эвридикани қайтариб олиб келган афсонавий ҳахрамон ҳисобланади (4-расм).



2-расм. Патроклнинг хавфсиз қайтиши учун Зевсга қурбонлик келтириётган Ахиллес. Амброзиан «Илиада»си<sup>8</sup>.

<sup>6</sup> Иванов Ю.А. История государства и права античной цивилизации. – Воронеж: Издательство Воронежского государственного университета, 2008. – С.84. (160 с.)

<sup>7</sup> Phillipson C. The international law and custom in ancient Greece and Rome. P. 132, 136.

<sup>8</sup> Picture 47 of the Ambrosian Iliad, Achilles sacrificing to Zeus for Patroclus' safe return, as seen in Iliad Book 16. 220-252.

<sup>9</sup> Lenore Barozzi (Chicago, Illinois), donated to the J. Paul Getty Museum, 1975. <http://www.getty.edu/art/collection/objects/71194/unknown-maker-lamella-orphica-greek-mid-fourth-century-bc/?dz=0.5000,0.3292,0.85>



3-расм. «Орфей тахтачаси». Гетти музейи.

Қадимги Афинада миграция ҳуқуқига доир яна бир муҳим сиёсий институт – остракизм<sup>10</sup> амал қилган. Унга қўра, давлатнинг сиёсий тизимига хавф солувчи шахслар халқ томонидан овоз бериш орқали аниқланиб, сургун қилинган (5-расм).

Ушбу сиёсий институт миллоддан аввалги 508 йилдан кейин демократик ислохотларнинг муаллифи Клисфен томонидан янги конституцияни ҳимоялаш мақсадида жорий қилинган.

Арастуниги фикрича, остракизм бирор жиноят учун жазо



5-расм. Остракизм.

сифатида эмас, балки ҳокимиятни қўлга олиш, сиёсий барқарорлик ёки конституциявий тузумга тажовуз қилишнинг олдини олиш мақсадида қўлланадиган инсонпарвар чора ҳисобланган. Шу ўринда айрим олимларнинг остракизмни «чинни синиғи суди»<sup>11</sup> деб аташи мунозарали деб ўйлаймиз. Бу борада Плутархнинг «мансабдорларнинг кибр-ҳавосини пасайтириш чораси» деган иборасига қўшилаемиз. Чунки бунда ҳукм шаклида чора қўрилса ҳам, сиёсий хусусиятга эга эка-



4-расм. «Эвридикани нариги дунёдан етаклаб келаётган Орфей». Жан Батист Камиль Коро, 1861 йил.

<sup>10</sup> Остракизм (يونан. ὀστράκισμός) – сопол ёки чинни парчаси.

<sup>11</sup> Carcopino J. L'ostracisme athénien. – Paris: Alcan, 1935. – 263 p.



ни боис умумхалқ овоз бериш йўли билан шахс доимий яшаш жойидан бошқа жойга депортация қилинган.

Миграция ҳуқуқи билан муайян даражада алоқадор бўлган яна бир ҳуқуқий институт «проксения» (юнон. *προξενία* – ўзаро меҳмондорлик ҳуқуқи) бўлиб, бунда чет эл фуқароларининг манфаатларини ҳимоялаш учун давлат томонидан тайинланган шахслар тушунилан (6-расм). Халқаро ҳуқуқнинг муҳим институтларидан ҳисобланган проксения давтаввал фуқаро томонидан мамлакатга ташриф буюрган чет эллик шахсларга ихтиёрий равишда бошпана бериш ва уларни ҳимоялаш бўлган бўлса, кейинчалик бу асосан савдогар

ва элчиларга нисбатан татбиқ этилган<sup>12</sup>.

Фуқаролик билан боғлиқ муҳим институтлардан яна бири «изополитея» (юнон. *ἰσοπολιτεία*) ҳисобланган. Қадимги Юнистонда изополитея икки давлат ўртасидаги муносабат бўлиб, шартнома асосида бир-бирига фуқаролик ҳуқуқи тақдим этилган. Яъни бир давлатнинг ҳар қандай фуқароси бир пайтнинг ўзида бошқа давлатнинг фуқароси бўлиши мумкин бўлган.

Изополитея шартномасига мувофиқ тўлиқ давлат мустақиллигини сақлаган ҳолда томонлар ўртасида иттифоқ тузилади. Дастлаб ҳуқуқий одат сифатида шаклланган мазкур институт, кейинчалик иттифоққа оид шартнома ва махсус келишувларда ҳуқуқий аҳамият касб этиб, ҳозирги бипатрид, яъни икки фуқаролик институтига ўхшаб кетган. Икки шаҳар-давлат ўртасидаги бу каби шартномаларга асосан уларга ўз ўзидан икки фуқаролик тақдим этилган.

Даставвал изополитея тўғрисидаги шартномалар сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан яқин бўлган шаҳар-давлатлар томонидан тузилган. Масалан, тахминан ми-

лоддан аввалги 330-йилларда Милет ва унинг мустамлакаси Цизис ўртасида изополитея тўғрисида шартнома имзоланган бўлиб, унга кўра Милетдаги ҳар қандай цизислик бир пайтнинг ўзида ҳам милетлик ва, аксинча, Цизисдаги ҳар қандай милетлик бир пайтнинг ўзида ҳам цизислик саналган. Бу каби шартномалар кейинчалик урфга айланган.

Ҳаракатланиш эркинлиги, фуқаролик, паспорт ва шахсларнинг ҳуқуқий мақоми каби институтлар тарихини ўрганиш натижасида аниқланган тарихий маълумотлар айрим олимларнинг миграция ҳуқуқининг Ўрта асрлар Европасида шакллангани ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини тўлиқ инкор қилди. Бинобарин, миграцияга доир ҳуқуқий нормалар, принцип ва институтларнинг илк белгилари давлатчиликкача бўлган даврларга ҳам бориб тақалишига гувоҳ бўлди. Албатта, миграция ҳуқуқининг янги соҳалари пайдо бўлиши янги нормаларни келтириб чиқаради, бироқ унинг асосий принциплари (масалан, фуқароликка қабул қилишдаги «*ius sanguinis*» – «этник мансублик», «*ius solis*» – «туғилган жой» принциплари) ва институтларининг (масалан, мажбурий кўчирилганлар ёки қочоқлар мақоми, миграция соҳасидаги назорат ва жавобгарлик масалалари) асосий мазмун-моҳияти ўзгаришсиз қолаверади.

**Луқмонжон ИСОҚОВ,**  
юрidik фанлар бўйича  
фалсафа доктори



6-расм. Проксения тўғрисидаги қарор.  
Фива археология музейи.

<sup>12</sup>История международного права / авт. кол.: под ред. А.И. Дмитриева, У.Э. Батлера. – Изд. 2-е, доп. и перераб. – Одесса: Фенікс, 2013. – С.90. (574 с.)

# «Адолат – қонун устуворлигида»

Ўзбекистон Республикаси Олий суди  
Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси  
билан ҳамкорликда суд-ҳуқуқ ислохотларини,  
шунингдек, судлар фаолиятини оммавий ахборот  
воситаларида ёритишни янада  
такмиллаштириш мақсадида  
**«Адолат – қонун устуворлигида»**  
танловини эълон қилади.



Танловга республика миқёсидаги газета, журналларда чоп этилган, интернетда ёритилган, телевидение ва радиода берилган судлар тизимидаги ислохотларни ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тарғиб қилишга, аҳолининг бу борадаги ҳуқуқий саводхонлигини оширишга, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга йўналтирилган мақолалар, интернет материаллари, кўрсатувлар, эшиттиришлар қабул қилинади.

Мақолалар чоп этилган газета ва журналлар, интернет материаллари, кўрсатув ва эшиттиришлар ёзилган тасмалар Олий суд матбуот хизматида тахририят, телевидение, радио ходимлари ёки муаллифлар томонидан тақдим қилиниши лозим. Танловда беш ва ундан ортиқ мақола, кўрсатув, эшиттириш ва интернет материаллари билан иштирок этиш мумкин. Тақдим этилган мақола, кўрсатув, эшиттириш ва интернет материалларига муаллифининг тўлиқ исм-фамилияси, иш жойи ва лавозими, телефон рақами ҳақидаги маълумотлар ҳамда паспорт нусхаси илова қилиниши шарт.

Танловга 2020 йил 1 январдан 15 ноябргача чоп этилган мақолалар,  
интернет материаллари, кўрсатув ва эшиттиришлар қабул қилинади.


## ТАНЛОВДА ҚУЙИДАГИ ЙЎНАЛИШЛАР БЎЙИЧА ҒОЛИБЛАР АНИҚЛанаДИ:

1. «Телевидение ва радио йўналишида энг фаол журналист» (1, 2, 3-ўринлар);
2. «Босма ОАВ йўналишида энг фаол журналист» (1, 2, 3-ўринлар);
3. «Интернет-журналистика йўналишида энг фаол журналист» (1, 2, 3-ўринлар);
4. «Энг фаол судья ва суд ходими» (1, 2, 3-ўринлар);
5. «Энг фаол илмий ходим» (1, 2, 3-ўринлар).

Барча йўналишлар бўйича ғолиблар танлов рамзи, диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

# Агар ходимга шикаст етса ёки...

Мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-хуқуқ ислохотлари моҳиятан қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқларини кафолатли ҳимоя қилиш ва фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини ўз вақтида, қонуний тиклашга қаратилган. Чунки ҳар қандай ҳуқуқ бузилиши замирида инсоннинг ҳаёти, соғлиғи ёки мулкига зарар етиши, бунинг оқибатида унга етган муайян даражадаги маънавий зарар туриши айна ҳақиқат.



Меҳнат шартномаси мажбуриятларини бажариш жараёнида ходимнинг соғлиғи, ҳаёти ёки мол-мулкига етказилган зарар миқдорини аниқлаш ва ундириш масалалари Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси ва ушбу кодекс ижросини таъминлашга қаратилган қонун ости ҳужжатлари асосида тартибга солинади. Кодекс, хусусан, меҳнат шартномаси тарафлари – иш берувчи ва ходимнинг шартнома шартларини бажариш билан боғлиқ ҳолда бир-бирига етказган зарари учун моддий жавобгарликни белгилаб беради.

Меҳнат кодексининг 187-моддасида ўз меҳнат вазибаларини бажариши муносабати билан ёки меҳнат қилиш имкониятидан ғайриқонуний равишда маҳрум этилгани на-

тижасида ходимга, боқувчиси иш билан боғлиқ ҳолда вафот этган тақдирда эса унинг оила аъзоларига етказилган ҳар қандай зарарни (шу жумладан, маънавий зарарни) иш берувчи, башарти бошқача ҳолат назарда тутилмаган бўлса, тўлиқ ҳажмда тўлаши белгилаб қўйилган.

Ходим меҳнат қилиш имкониятидан ғайриқонуний равишда маҳрум этилган барча ҳолларда иш берувчи унга ололмай қолган иш ҳақини тўлаши шарт. Агар иш ҳақи ишга қабул қилиш ғайриқонуний

равишда рад этилгани, ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилингани ёки бошқа ишга ўтказилгани, меҳнат низоларини кўрувчи органнинг бундай ишлар юзасидан чиқарилган қарори ўз вақтида бажарилмагани, меҳнат дафтарчасини бериш кечиктирилгани, ҳар қандай йўллар билан ходимнинг шаънига доғ туширувчи, ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотлар тарқатилгани натижасида, шунингдек бошқа ҳолларда олинмай қолган бўлса, бундай мажбурият келиб чиқади.

## Ходимнинг соғлиғига шикаст етказилган ҳолатларда зарар қўйидаги шаклларда тўланади:

- меҳнат жароҳати туфайли меҳнатга лаёқатсизлик даражасига қараб иш ҳақи (ёки унинг тегишли қисми) миқдориди тўлов;
- саломатликнинг ёмонлашуви билан боғлиқ қўшимча харажатлар;
- бир йўла бериладиган нафақа.

Ходим меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллиги ёки меҳнат вазибаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда соғлиғига бошқача тарзда шикаст етиши сабабли вафот этган ҳолларда, иш берувчи марҳумнинг қарамоғида бўлган меҳнатга қобилиятсиз шахсларга, шунингдек ўн олти ёшга тўлмаган ёки у вафот этган кунга қадар ундан таъминот олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга, марҳумнинг вафотидан кейин туғилган фарзандига, шунингдек ота-онасидан бирига, умр йўлдошига ёки оиланинг бошқа аъзосига, агар у ишламасдан марҳумнинг уч ёшга етмаган болалари (укалари, сингиллари) ёки невараларининг парвариши билан банд бўлса, зарарни тўлаши шарт.

Қарамоғда бўлиш фаразан олинади ва бунинг учун далил талаб этилмайди.



### Кимлар меҳнатга қобилиятсиз деб ҳисобланади? Қонунчиликка кўра:

- ўн олти ёшдан катта шахслар, агар улар шу ёшга тўлгунга қадар ногирон бўлиб қолган бўлсалар;
- олтмиш ёшга тўлган эраклар ва эллик беш ёшга тўлган аёллар;
- белгиланган тартибда ногирон деб топилган шахслар. Оила аъзосининг меҳнатга қобилиятсизлиги бошланган вақт (боқувчининг вафотига қадар ёки ундан кейин) унинг зарарни ундиришга бўлган ҳуқуқига таъсир этмайди.
- Ўн олти ёшдаги ва ундан катта ўқувчилар, ўқув юртларининг кундузги бўлимларида ўқишни тугатгунларигача, лекин ўн саккиз ёшга қадар бўлган даврда зарарни ундириш ҳуқуқига эгадирлар.

Зарарни қоплаш – унинг келиб чиқиш ҳолатларига боғлиқ ҳолда, тегишли ҳуқуқий манбалар асосида ҳал этиладиган мураккаб жараён. Айниқса, мулкый зарарни қоплашга қараганда соғлиқ ёки ҳаётга етказилган зарарни қоплаш анча мураккаб ҳисобланади. Чунки мулкый зарар маълум бир мулкнинг қийматидан келиб чиққан ҳолда аниқ белгиланиши ва уни бир йўла тўлаш билан ўртадаги низо узил-кесил яқунлиши мумкин. Лекин соғлиқ ёки ҳаётга етказилган зарарнинг қиймати аниқ эмас. Унинг қиймати тиббий хулосалар асосида аниқланиши, шунингдек қийматнинг ўзгариши давомийлиги билан анча мураккаб ҳисобланади.

Масалан, ўз меҳнат вазифасини бажариш жараёнида соғлиғига зарар етган ходим бунинг оқибатида вафот этиши мумкин. Бунда зарар миқдори икки хил ҳолат – ходимнинг соғлиғига зарар етказилгани ва ходимнинг вафот этгани учун тўланадиган турлича зарар миқдорларини аниқлашга тўғри келади. Чунки фуқаро вафот этгунига қадар ўз соғлиғига етказилган

зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлса, унинг вафотидан сўнг қарамоғидаги шахслар боқувчисини йўқотганлик учун тўланадиган тўловларни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Шу билан бир қаторда моддий зарар кўрган шахс бир йўла маънавий зарарни ундиришни талаб қилиш ҳуқуқига ҳам эга. Қонунчиликка кўра моддий зарарнинг қопланиши маънавий зарарни талаб қилиш ҳуқуқидан маҳрум этмайди.

Шунингдек, Меҳнат кодексида шартнома бўйича ўз вазифасини бажариш жараёнида етказилган зарарларни қоплашда, фуқаролик қонунчилигидан фарқли равишда етказилган зарар миқдорини тўлаш баробарида бир йўла тўланадиган нафақалар ҳам белгиланган. Яъни, мазкур кодекснинг 194-моддасига кўра, ходимнинг соғлиғига шикаст етказилгани ёки унинг вафоти муносабати билан иш берувчи томонидан бир йўла бериладиган нафақанинг миқдори жамoa шартномасида, агар бундай шартнома тузилмаган бўлса, иш берувчи билан касаба уюш-

маси кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи ўртасидаги келишувга биноан белгиланади.

Бунда ходимнинг соғлиғига шикаст етказилгани муносабати билан бир йўла бериладиган нафақанинг миқдори жабланувчининг йиллик иш ҳақидан, ходимнинг вафоти муносабати билан бир йўла бериладиган нафақанинг миқдори эса мархумнинг олти йиллик ўртача иш ҳақидан кам бўлиши мумкин эмас. Фуқаролик ҳуқуқий тусдаги шартномалар асосида меҳнат фаолиятини бажариш жараёнида етказилган зарарни қоплашда бир йўла бериладиган нафақалар назарда тутилмаган.


Етказилган зарарни қоплашга доир ҳуқуқий манбаларда боқувчисини йўқотганлик нафақаларини тўлашда икки хил ёндашув мавжудлигини кузатиш мумкин. Яъни, бу тур нафақалар Меҳнат кодексининг 192-моддасида «ўн олти ёшдаги ва ундан катта ўқувчилар, ўқув юртларининг кундузги бўлимларида ўқишни тугатгунларигача, лекин ўн саккиз ёшга қадар бўлган даврда зарарни

ундириш ҳуқуқига эгадирлар» дейилган бўлса, Фуқаролик кодексининг 1009-моддасида «ўн саккиз ёшдан ошган ўқувчиларга ўқувнинг кундузги шаклида ўқишни тугатгунга қадар, бироқ йигирма уч ёшдан ошмагунча» тўланиши белгиланган. Бу ҳолат ҳуқуқни қўлловчида иккиланишни келтириб чиқаради ва ушбу норманинг турлича қўлланишига сабаб бўлмоқда. Шунингдек, амалиётда Меҳнат кодекси ва Фуқаролик кодекси ўртасидаги бу фарқли жиҳат фуқароларнинг норозиликка сабаб бўлмоқда.

Масалан, фуқаро Д.Каримова турмуш ўртоғи ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса туфайли вафот этгани сабабли фарзанди Т.Турғуновга иш берувчи томонидан тўлаб келинаётган боқувчисини йўқотганлик нафақаси тўхтатилгани ва бунга ўғлининг 18 ёшга тўлгани асос қилиб кўрсатилаётганидан норози бўлиб судга мурожаат қилган. Д.Каримова фарзанди олий ўқув юртида ўқиётгани сабабли мустақил маблағ ишлаб топиш имкониятига эга эмаслиги, ёлғиз ўзи фарзандининг таълими учун маблағ етказмамлиги, Фуқаролик кодексида боқувчисини йўқотганлик нафақаси агар нафақа олувчи шахс олий ёки ўрта махсус билим юртида ўқиётган бўлса, бундай нафақа 23 ёшгача тўланиши белгиланганини инобатга олиб, иш берувчидан фарзанди 23 ёшга тўлгунга қадар нафақа ундиришга ёрдам беришни сўраган. Албатта, бундай ҳолатда фуқарога тушунтириш бериш керак бўлади.

Ҳар икки кодексдаги ушбу нормалар мазмунан боқувчиси-

ни йўқотган, мустақил маблағ топиш имкониятига эга бўлмаган талабаларга боқувчисини йўқотганлик нафақасини тўлашни назарда тутди. Шундай экан, уларнинг моддалари мазмунини мослаштириш, яъни уларда боқувчисини йўқотган шахс олий ёки ўрта-махсус ўқув юрти талабаси бўлса, бундай шахс мустақил маблағ топиш имкониятига эга бўлмадлиги, боқувчиси ҳаётлигида ундан таъминот олиши мумкинлигидан келиб чиқиб, унга шу ўқув юртини битиргунга қадар боқувчисини йўқотганлик нафақасини тўлаш назарда тутилиши лозим.



Юқоридагиларга қўра, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1009-моддасининг 9-қисми ҳамда Меҳнат кодексининг 192-моддасининг 8-қисмидаги жумлаларни «Олий ёки ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими ўқув муассасаларининг талабаларига шу ўқув муассасаларини тугатгунларига қадар» деган жумла билан алмаштириш мақсадга мувофиқ.

Албатта, қонунларни тақомиллаштириш баробарида

уларнинг ўзаро мувофиқлигини ҳам таъминлаб бориш зарур. Бусиз қонунларнинг аниқ ва бир хил ижро этилишига эришиб бўлмайди.

Етказилган зарарни қоплашга доир хориж тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, ривожланган давлатларда бу турдаги ишларни ҳал этиш учун ихтисослашган судьялар фаолият юритишини кўришимиз мумкин. Масалан, Францияда фуқароларга турли шаклларда етказилган зарарни ундириш билан боғлиқ ишлар алоҳида ихтисослашган судьялар томонидан кўриб чиқилади.

Республикаמידа ҳам мод-

дий ва маънавий зарарларни ундиришга доир ишларни кўриб чиқишга ихтисослашган судьялар фаолиятини йўлга қўйиш ислохотларнинг асл мақсади ҳисобланган инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ғайриқонуний ҳаракатлар натижасида бузилган ҳуқуқларини тиклаш самарадорлигини янада оширишга хизмат қилган бўлар эди.

**Тоҳир АЗАМАТОВ,**  
Олмалиқ ихтисослаштирилган  
прокурори



# Неустойка ва айбнинг нисбати

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 260-моддасида қонун ҳужжатлари ёки шартнома билан белгиланган, қарздор мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда кредиторга тўлаши шарт бўлган пул неустойка ҳисобланиши белгиланган.



Неустойка мажбурият бажарилишини таъминлаш усули ҳамда фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик шакли ҳисобланади.

Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик жавобгарликнинг превентив мақсадни кўзловчи турларидан фарқли равишда ҳам олдини олиш, ҳам зарарни қоплашни назарда тутаяди.

Айбдорнинг мулкий манфаатлари билан боғлиқ чораларни қўллаш самарадорлигини ошириш учун жавобгарлик муқаррар бўлиши ва объектларнинг ҳолатига таъсир кўрсатган конкрет шахсларга юклатилиши лозим.

Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик қонунда кўрсатилган шароит вужудга келганда пай-

до бўлади. Булар қуйидагилардир: 1) зарарнинг мавжудлиги; 2) ҳуқуққа зид ҳулқ; 3) ҳуқуққа зид ҳулқ билан зарар ўртасидаги сабабий боғланиш; 4) айбнинг мавжудлиги.

Тадбиркорлар (фуқаролар, юридик шахслар) эса ўз мажбуриятини онгли ва ихтиёрий равишда бажаришдан манфаатдордир. Чунки тадбиркорлар таваккалчилик ва ўзларининг мулкий жавобгарлиги остида фойда олишга интилади. Бироқ айрим хўжалик юритувчи субъектлар ўз мажбуриятини бузиб, шартномани бажармайди. Бу эса шартноманинг бажарилишини таъминлашда фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарлик асосий восита эканлигини англатади.



Фуқаролик кодексининг 333-моддаси 1-қисмида «Қарздор айби бўлган тақдирда мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, жавоб беради» деб белгиланган.

Айбнинг борлиги фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни қўллашнинг асосларидан биридир. Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик чоралари тарафларнинг мулкий манфаатларини амалга оширишни таъминлаш билан бирга, ҳуқуқбузарликка ёл қўймасликни назарда тутати.

Фуқаролик кодексининг 333-моддаси 1-қисмида «Қарздор мажбуриятни лозим даражада бажариш учун ўзига боғлиқ бўлган ҳамма чораларни қўрганлигини исботласа, у айбсиз деб топилди» деб мустақкамланган.

Айб тушунчаси ҳақида баъзи олимлар «Гайриҳуқуқий ҳаракат содир этган ва ўз қилмиши билан бошқа шахсга зарар етказган шахснинг ғаразли мақсадини ёки эҳтиётсизлигини биз фуқаролик ҳуқуқида айб деб атаётимиз, ...айб шахснинг ўз гайриҳуқуқий ахлоқида нисбатан муносабатидир» деб фикр билдирган.

Шунингдек, қонунда ёки шартномада назарда тутилган ҳолларда айбсиз жавобгарлик бўлиши ҳам кўрсатилган.

Шахсга ёки мулкка шартномадан ташқари зарар етказган тараф бу зарарни ўз айби билан етказмаганини исботлай олса, зарарни тўлаш мажбуриятдан озод этилади.

Шартномавий мажбурияти бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаганда кредитор қарздордан шартномада ёки қонунда назарда тутилган жаримани тўлашни ёхуд шартномани бажармаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашни талаб қилади.

Айб қайси шаклда (қасд ёки эҳтиётсизлик) бўлишидан қатъи назар жавобгарлик вужудга келади: белгиланган неустойка ундирилади, етказилган зарар қопланади.

Лекин баъзи ҳолларда, агар қарздор жиддий бўлмаган эҳтиётсизликка йўл қўйган бўлса, қонун уни жавобгарликдан озод қилади. Масалан, омонат сақловчи ашёнинг кам чиққани ёки шикастлангани учун қасддан ҳаракат қилмаганини ёки қўпол эҳтиётсизликка йўл қўймаганини, яъни ашёнинг бундай ҳолга тушиб қолишида айби йўқлигини исботласа, жавобгарликдан озод бўлади.

Айби йўқлигини исботлаш вазифасининг қарздор зиммасига юклатилиши амалиёт учун муҳим. Бироқ Ўзбекистоннинг 1963 йилдаги Гражданлик кодексининг 414-моддасига қарздорнинг айбдорлигини исботлаш вазифаси кредитор зиммасига юклатилган эди.

Транспорт уставларида юк йўқолгани, кам чиққани ва шикастлангани учун юк ташувчининг айбини исботлашни юкни қабул қилиб олувчи ёки жўнатувчининг зиммасига қўйиш ҳоллари назарда тутилган. Фуқаролик кодексининг 721-моддасига мувофиқ айби йўқлигини исботлаш вазифаси юк ташувчи, яъни қарздорнинг зиммасига юклатилади. Ушбу қоида транспорт ташкилотининг масъулиятини оширишга, зиммасига олган мажбуриятини тўлиқ бажаришни таъминлашга қаратилади.



Мажбурият бажарилмагани туфайли кредиторга зарар етказилиши мумкин бўлса, у бу зарарнинг олдини олишга ва уни иложи борича камайтиришга ҳаракат қилиши керак. Кредитор бундай чораларни кўрмаса ва унга зарар етса, бунда унинг айби бор деб ҳисобланади ва қарздор кредиторга тўланадиган ҳақнинг бир қисмидан озод қилиниши мумкин.

Мажбуриятнинг бажарилмай қолишида кредиторнинг айби бўлиши албатта ҳисобга олинмайди. Фуқаролик кодексининг 335-моддасига мувофиқ мажбуриятнинг бажарилмай қолишида кредиторнинг ҳам айби бўлса, қарздор жавобгарликнинг айрим қисмидан озод бўлиши мумкин. Бунинг учун суд ФКнинг 326-моддасига биноан қарздор ва кредиторнинг айбларини таққослаб кўриши керак ва қарздор етказган зарарни қоплаш учун талаб қилинган суммани ёки неустойкани камайтириши мумкин. Қарздорнинг жавобгарлигини камайтириш учун кредиторнинг айби қандай шаклда бўлиши аҳамиятга эга эмас.

Мажбурият бажарилмагани туфайли кредиторга зарар етказилиши мумкин бўлса, у бу зарарнинг олдини олишга ва уни иложи борича



камайтиришга ҳаракат қилиши керак. Кредитор бундай чораларни кўрмаса ва унга зарар етса, бунда унинг айби бор деб ҳисобланади ва қарздор кредиторга тўланадиган ҳақнинг бир қисмидан озод қилиниши мумкин. Агар кредитор зарарнинг кўпайишига атайин йўл қўйган бўлса, у қарздордан етказилган зарарни қоплашни талаб қилиши ҳуқуқидан маҳрум бўлади.

Ўтмишда давлат тарафларнинг айби бор ёки йўқлигидан қатъи назар етказилган зарар қоплашидан манфаатдор эди ва бунга қонун билан мажбур қиларди. Чунки мажбурият тарафлари бўлган корхоналар давлатга тегишли эди. Бозор иқтисодиёти ва хусусий мулк ҳуқуқининг таркиб топиши билан бундай қараш ўз аҳамиятини йўқотди. Энди айб фуқаролик жавобгарлигининг муҳим тамойили сифатида қонунчиликда ўз ўрнини топди.

Ўзбекистон Президентининг 2019 йил 5 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 5464-фармойишида қайд этилганидек, «1995 – 1996-йилларда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси «ўтиш даври»нинг кенг қўламли ўзгаришларини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишда муҳим роль ўйнади ва мамлакатда бозор иқтисодиётини ривожлантириш учун мустақкам ҳуқуқий замин яратишга имкон берди».

Аmmo бугунги кунда тадбиркорлар, мулкдорлар, хорижий инвесторларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини янада тўлиқроқ таъминлаш бирламчи вазифадир. Шу маънода мазкур фармойиш билан фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш концепцияси тасдиқланиб, 2020 йил 1 апрелга қадар янги таҳрирдаги Фуқаролик кодекси лойиҳасини тайёрлаш вазифаси қўйилди.

Янги кодекс иқтисодиётда давлатнинг иштирокини қисқартиришга, шартномавийликка, мамлакатда ишбилармонлик муҳитини яхшилашга, пировардида, Ўзбекистоннинг халқаро рейтинглардаги ўрнини оширишга хизмат қилиши лозим. Муҳими, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик институтини такомиллаштириш, жумладан, зарарни қоплашнинг адолатли тартибини таъминлашга урғу берилмоқда.

Буни Англия ҳуқуқида неустойкага оид ёндашув илк бор адолат ҳуқуқи доирасида шаклланишида ҳам кўриш мумкин.

Амалдаги Фуқаролик кодекси 1995 йил 21 декабр (биринчи қисми) ва 1996 йил 29 августда (иккинчи қисми) қабул қилиниб, иккала қисм бир вақтда – 1997 йил 1 мартдан бошлаб кучга киритилди.

Кодекс дастлаб 1199 та моддадан иборат эди. Ҳозир моддалар сони 1191 та. 2020 йил 1 июнчага кодексга 200 га яқин ўзгартиш ва қўшимча киритилган.

Ҳуқуқбузарлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни қўллашга, у шартномавий муносабатлардан ёки деликт муносабатларидан келиб чиққанидан қатъи назар, ҳуқуқбузарнинг айби асос бўлади. Бироқ фуқаролик қонунчилигида жиноят қонунчилигидан фарқли равишда айб тушунчасига таъриф берилмаган. Илмий адабиётларда айб фуқаролик ҳуқуқида қасд, эҳтиётсизлик ва кўпол эҳтиётсизлик кўринишида мавжуд деб айtilса ҳам, улар чуқур ва атрофлича асослаб берилмаган. Шу боис Фуқаролик кодексининг биринчи қисми «Асосий қондалар» номи бўлимида айб ва унинг шаклларига таъриф берилса мақсадга мувофиқ бўлур эди.

### Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексини «Айб тушунчаси» номи қуйидаги 15<sup>1</sup>-модда билан тўлдириш лозим:

*«Фуқаролик ҳуқуқбузарлиги содир этиб, бу қилмиши билан бошқаларга зарар етказган шахснинг ўз ғайриҳуқуқий хатти-ҳаракатларига ва уларнинг зарарли оқибатларига нисбатан ғаразли мақсад ёки эҳтиётсизлик шаклидаги руҳий муносабати айб ҳисобланади».*

Шу билан бирга, кодексга айбнинг шакллари (қасддан ёки эҳтиётсизликдан) ҳамда айбсиз ҳолда зарар етказиш масалалари ҳам алоҳида модда сифатида киритилиши мақсадга мувофиқ.



## Илмий тадқиқотлар ва халқаро тажрибага асосланиб, фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш бўйича қуйидаги таклифларни билдирамиз.

### Хусусан:

● неустойка пул мажбурияти бўлибгина қолмай, муомаладан чиқарилмаган ашёлар (мулк) ҳам неустойка предмети бўлиши керак. Масалан, Англия ҳуқуқида олдиндан баҳоланадиган зарар ҳам пулда, ҳам мулк сифатида ифодаланиши мумкин;

● неустойка миқдорини камайтириш суднинг вазифаси бўлмасдан, тижорат мажбуриятлари бўйича зарарлар ва неустойканинг мутаносиблиги ҳамда минимал чегараси аниқ белгилаб қўйилиши лозим;

● миллий қонунчилик техникаси ва бугунги бозор иқтисодиёти шароитида тузилаётган шартномалар руҳиятидан келиб чиққан ҳолда Фуқаролик кодексининг 260, 261, 262 ва 326-моддаларидаги «неустойка» сўзини «лафзсизлик тўлови», «пеня» сўзини эса «айбона» сўзларига алмаштириш мақсадга мувофиқ;

● ҳисобга олинмаган, муқобил ва мутлақ неустойка моҳиятан зарарларни қоплашга хизмат қилади ва унга алоҳида мулкый жавобгарлик чораси сифатида қаралиши мумкин эмас;

● тижорат шартномалари иштирокчиларининг мулкый жавобгарлиги ҳажмини тўғри аниқлаш имконияти доим бўлмагани боис неустойка ва зарарлар нисбати қонунда аниқ белгилаб қўйилиши керак;

● Фуқаролик кодексига неустойка ундириш бўйича даъво муддати шартнома бажарилмаган ёки етарли даражада бажарилмаган ёхуд зарар етказилган пайдан бошлаб ўта бошлаши, неустойка ундириш бўйича даъво муддатини тўхтатиш ёки узайтириш мумкин эмаслиги, форс-мажор ҳолати бундан мустаснолигини белгилаш лозим;

● Фуқаролик кодексининг неустойка тўғрисидаги келишувнинг шаклига оид 262-моддасини қуйидаги 2- ва 3-қисмлар билан тўлдириш керак:



«Неустойка жавобгарлигининг келиб чиқиши, неустойка ундиришнинг шакли ва уни ҳисоблаш тартиби неустойка тўғрисидаги келишувнинг ўзида ёхуд аниқ норматив ҳужжатга ишора қилиш йўли билан ҳам белгиланиши мумкин.

Неустойка тўғрисидаги келишувнинг ёзма шаклига риоя қилмаслик унинг ҳақиқий эмаслигига сабаб бўлади».

Бундан ташқари жаҳон миқёсида коронавирус инфекцияси тарқалиши, Сардоба сув омбори тўғонининг ўпирилиши каби фавқулодда ҳодисалар деҳқон ва фермер хўжаликлари, кооперациялар қўрган зарарларни қоплаш бўйича қонунчилигимизда талай бўшлиқлар борлигини кўрсатмоқда.

Шу боис Фуқаролик кодексининг 5-параграфида «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотли етиштирув-

чининг жавобгарлиги» деган ном билан алоҳида модда киритиб, унда «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи хўжалик мажбуриятини бажармаган ёки лозим даражада бажармаганда айби бўлган тақдирдагина жавоб беради» деб белгилаш зарур.

**Адҳам ОДИНАЕВ,**

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси академияси мустақил изланувчиси



# Ёшлар – давлат сиёсатининг объекти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июндаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони мувофиқ Ёшлар ишлари агентлиги ҳамда унинг Қорақалпоғистон, вилоятлар, Тошкент шаҳар бошқармалари ва туман (шаҳар) бўлимлари ташкил этилди. Шунингдек, Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар дастури тасдиқланди. Бу Ўзбекистоннинг ёшларга оид давлат сиёсатида янги босқич, янгича ёндашувлар даври бошланганини англатади.





Замонавий сиёсатшунослик эса ёшларга ўзини хос ижтимоий-демографик қатлам сифатида ёндашиб, уларнинг манфаатлар, қизиқиш, маданиятлар нуктаи назарида бошқа ижтимоий-демографик қатламлардан ўзгачароқ эканига эътиборни қаратади.

Бу қатламнинг «ёшини белгилаш» масаласида ҳам фарқлиниш бор экан. Мисол учун, Европа иттифоқи давлатларида 16 ёшдан 30 ёшгача (баъзан 35 ёшгача) бўлган, МДХ давлатларининг аксариятида 14 ёшдан 30 ёшгача бўлганлар ёшлар ҳисоблангани ҳолда, Украинада 14-35<sup>3</sup>, Қозоғистонда 14-29 ёшлилар<sup>4</sup> ёшлар тоифасига киритилади. Ёш чегараси муайян давлатнинг ёшларга оид сиёсатининг қамровини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги қонунига кўра, ёшлар деганда 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган фуқаролар тушунилади<sup>5</sup>.

### Ёшларга оид давлат сиёсати: мақсад ва вазифалар

Бугунги кун кишиси ҳаёти давомида соғлиқни сақлаш, таълим олиш (умумий ва касбий, соҳавий), тарбия (мактаб, оила, жамият), касб ва мутахассисликни танлаш, ишга жойлашиш, оила қуриш каби масалаларни ҳал этишига тўғри келади. Санаб ўтилганларнинг биронтасида узилиш бўлса, инсоннинг жамиятда нормал ҳаёт кечириши қийин бўлади. Жамиятнинг ёш аъзолари билан бу ҳолат юз берса, ғайриижтимоий ҳаракатлар содир этишига олиб келиши мумкин.

Шу боис мазкур масалаларни ҳал этиш давлатнинг соғлиқни сақлаш, таълим, тарбия, маданият, жисмоний тарбия ва спорт, меҳнат ва ижтимоий ҳимоя соҳаларига мутасадди бўлган идоралари, ОАВ, ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари зиммасига улкан масъулият юклайди. Мана шу жойда ёшларга оид давлат сиёсати ўзини намоян этади.

Давлат ёшларнинг ижтимоийлашуви, ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатлиниши, келажакда ўз ўрнини топиши борасида жавобгар ҳисоб-

ланади. Шу сабабли давлат ёшларга оид ўз сиёсатини белгилаб олар экан, ёшларни ўзининг истиқболдаги таянчи, тараққиётини белгилаб бевруччи асос сифатида қабул қилади.

Ёшларга оид давлат сиёсати – давлат томонидан амалга ошириладиган ҳамда ёшларни ижтимоий жиҳатдан шакллантириш ва уларнинг интеллектуал, ижодий ва бошқа йўналишдаги салоҳиятини камол топтириш учун шароит яратилишини назарда тутадиган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий ва ҳуқуқий чора-тадбирлар тизими<sup>6</sup>.

Моҳиятан давлатни ривожлантириш, рақобатбардошлигини таъминлаш, миллий хавфсизлигини мустаҳкамлашни кўзда тутувчи бу сиёсат дастурий, ташкилий, сиёсий ва иқтисодий механизмларга таянади. Бугунги кунда аксар ривожланган мамлакатларда ёшлар сиёсати давлатнинг алоҳида йўналишдаги фаолиятига айланиб улгурган.

Бунда икки жиҳатга эътибор қаратиш лозим: ёшларга оид давлат сиёсати, аввало ҳар бир давлатнинг ички сиёсати бўлиб, ёшлар ва давлат ўртасидаги муносабатларни мувофиқлаштиришга хизмат қилади. Шу билан бирга, ёшларга оид давлат сиёсати яқунланган тизимни англамайди, давр талаби ва шароитдан келиб чиқиб такомиллаштириб борилади. Яъни, ёшларга оид давлат сиёсати узвийлик, давомийлик, изчилликни талаб этадиган сиёсий категориядир.

Ёшларга оид давлат сиёсати турли давлатларда ўз олдига қўйган вазифаларига кўра ҳам фарқланади. Айрим давлатларда ёшлар муаммоларининг олдини олиш ва уларга қарши кураш асосий вазифа бўлса, баъзи мамлакатларда ёшларнинг сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ва таълим соҳасидаги имкониятларини оширишга кўпроқ эътибор қаратилади. Шунга қарамай, аксарият мамлакатларининг ёшлар сиёсатидаги

<sup>3</sup> Закон Украины «О содействии социальному становлению и развитию молодежи в Украине» (1993 г.).

<sup>4</sup> Закон Республики Казахстан «О государственной молодежной политике в Республике Казахстан» от 7 июля 2004 года № 581.

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги қонуни. 2016 йил 14 сентябрь. Қонуңчилик палатаси томонидан 2016 йил 12 августда қабул қилинган. Сенат томонидан 2016 йил 24 августда маъқулланган. «Халқ сўзи» газетасининг 2016 йил 15 сентябрдаги 182 (6617)-сонида эълон қилинган.

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги қонуни. 2016 йил 14 сентябрь. Қонуңчилик палатаси томонидан 2016 йил 12 августда қабул қилинган. Сенат томонидан 2016 йил 24 августда маъқулланган. «Халқ сўзи» газетасининг 2016 йил 15 сентябрдаги 182 (6617)-сонида эълон қилинган.

таълим, касбга тайёрлаш ва бандлик, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, маънавий-маърифий, маданий тарбия, ювенал ҳуқуқ, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш каби тамойилларда умумийлик кўзга ташланади.

Ўз навбатида, ёшларга оид давлат сиёсатининг мақсади, мазмун-моҳияти ҳақида ҳам турлича қарашлар бор.

Россиялик олимлар А.Ковалёва ва В.Лукованинг фикрича, ёшлар сиёсати ўзида давлат, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари ва ижтимоий муносабатлардаги бошқа субъектларнинг ёшларнинг ижтимоийлашуви ва камол топиши йўлида аниқ мақсадни кўзлаб фаолият юритишини мувофиқлаштиради<sup>7</sup>.

Сиёсатшунос олим Д.Бўронова ёшлар сиёсатининг стратегик мақсади давлатчилик асосларининг келгуси захира тизимини ишлаб чиқиш ва давлатчилик асосларининг мунтазамлиги, давомийлигини таъминлашдан иборат<sup>8</sup>, деган фикрда.

В.Крикунова ёшларга оид давлат сиёсатида ёшларнинг сиёсий маданиятини ошириш, уларда фуқаролик позициясини шакллантириш устувор бўлиши керак<sup>9</sup>, деган қарашни илгари суради.

Ёшларга оид сиёсат бугунги кунда қамрови жиҳатидан халқаро, минтақавий, миллий даражада юритилади. Буларнинг ҳар бири бир бутунлик ва комплекслилик нуқтаи назаридан ёшларга оид давлат сиёсатининг самарадорлигини таъминлайди.

Ёшларга оид давлат сиёсатининг самарадорлигини баҳолашда икки хил ёндашув мавжуд. *Биринчисида* ёшларнинг умумий аҳволидан келиб чиқиб баҳо берилади, яъни: ёшлар саломатлиги даражаси билан; ёшларга берилаётган таълим даражаси билан; ёшларнинг даромадлари, ижтимоий таъминланганлик даражаси билан.

*Иккинчи ёндашувада* мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий тараққиётида ёшларнинг иштироки даражасига эътибор қаратилади, яъни: ёшлар ўртасида ишсизлик даражаси; ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар содир этиш даражаси; ёшларнинг ишбилармонлик, ижодий, маданий ва спорт соҳаларидаги

натижалари; ёшларнинг жамият ҳаётида ёшлар ташкилотлари доирасидаги иштироки.

Юқоридагилардан келиб чиқиб республика-миздаги ёшларга оид давлат сиёсатининг самарадорлиги хусусида хулосалар чиқариш мумкин.

Умумий маънода ёшларга оид давлат сиёсати уч босқичдан: *соҳага доир қонунчиликнинг ишлаб чиқиши, ижроия тизими, ёшлар ташкилотларининг ташкил этилишидан иборат*. Демак, ёшлар ташкилотларининг фаолияти ҳам ёшларга оид давлат сиёсатида муҳим ўрин тутади.

## Ёшлар ташкилотлари нима учун керак?

Ёшликнинг ўзига хос хусусиятлари бор: бу давр билим олиш, касб танлаш ва уни эгаллаш, сиёсий ва фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлиш, ўз дунёқарашини шакллантириб, мустақил ҳаётга қадам қўйиш, оила қуриш ва ҳоказолар билан тавсифланади. Аммо ёшларнинг жамият ҳаётидаги иштироки булар билангина чекланиб қолмайди.

Ёшлар турли жамоат ташкилотлари, маданий марказлар, давлат ва нодавлат ташкилотлари ишида иштирок этиш орқали ўзларининг ижтимоий фаоллигини намоён қилишга интилади. Мана шу жойда ёшлар ташкилотларининг аҳамияти кўзга ташланади.

**Ёшлар ташкилоти** шундай тузилмаки, унда ёшлар ўз қизиқишларини намоён қилиши ва уларни ривожлантиришлари мумкин. Бундай ташкилотлар фаолиятидан кўзланган асосий мақсад ёшларни кенгрок доирада қамраб олишдан иборат бўлиши лозим.

Асосийси, ёшларнинг нодавлат нотижорат ташкилотлари давлатга ёшларга оид сиёсатни амалга ошириш бўйича комплекс дастурларни ишлаб чиқишда кўмак бериши керак. Бирок мазкур жараёнда муайян бир ташкилотга бутун мамлакат ёшлари номидан иш олиб боришга монопол ҳуқуқ берилиши бу борадаги ҳаракатлар самарасизлигига олиб келиши мумкин.

<sup>7</sup> Ковалёва А. И., Луков В. А. Социология молодежи: теоретические вопросы. — М.: Социум, 1999. — 351 с.

<sup>8</sup> Бўронова Д. Мустақиллик йилларида ёшлар сиёсатининг баъзи масалалари. *Ижтимоий фикр*. Инсон ҳуқуқлари. 2007/4. — 148-бет.

<sup>9</sup> Крикунова В. А. Формирования молодежной политической культуры в современной России. Афтореф. дис. на соис. Ин.п.н.наук.—2009.Ст.—173.



**Бунда қуйидаги икки жиҳатга эътибор қаратиш керак:**

- ёшлар ташкилотининг (ННТ) фаолияти ички демократия тамойилларига асосланиши, ташкилот раҳбарлари унинг аъзолари томонидан сайланиши;
- бундай ташкилотларга ёшларнинг ўзлари раҳбарлик қилиши лозим<sup>10</sup>.



Ҳукумат ёшлар ташкилотларини молиявий ва бошқа жиҳатдан қўллаб-қувватлаши учун бошқа сабаблар ҳам бор. Яъни, бундай ташкилотлар: ёшларга расмий таълим тизимида олиш имкони бўлмаган, келажақда уларга зарур бўладиган билим ва кўникмаларни эгаллашига имконият беради; уларга бўш вақтдан тўғри фойдаланишга ёрдамлашади; ёш авлод вакиллари ўртасида ҳамкорликни шакллантиради, муайян мақсад йўлида бирлаштиради, масъулият ҳиссини шакллантиради; илк демократия мактаби вазифини ўтайди, ҳуқуқ, бурч, сайлаш ва сайланиш, овоз беришнинг моҳиятини англайтиб боради; ёшларда фуқаролик позициясини шакллантиради.

Ўзбекистон ёшларининг ижодий, интеллектуал, ижтимоий-сиёсий салоҳияти жуда улкан. Бугунги кундаги бош вазифа – ана шу захирани Ўзбекистонни тараққий эттириш ва демократик жамият барпо этиш учун сафарбар этишдан иборат.

Хулоса ўрнида UNICEF ташкилотининг мамлакатимиз ёшлари ҳақидаги қуйидаги фикрларини келтирамиз: «Ўзбекистон муҳим демографик босқичда турибди: 30 ёшгача бўлганлар аҳолининг 60 фоизини ташкил қилмоқда. Келгуси ўн йилликларда бугунги болалар ва ёшлар Ўзбекистон тарихидаги энг улкан ишчи кучига айланади. Бугун ана шу ёшлар камолоти учун инвестиция тўғри йўналтирилса, айнан улар Ўзбекистонни янги ижтимоий-иқтисодий тараққиёт босқичга олиб чиқиши мумкин. Аксинча, бугунги ёшларнинг фаровонлигини таъминлашга инвестиция йўналтиришда ҳолислик таъминланмаслиги ҳақсизлик ва ишсизликнинг юқори даражасини келтириб чиқаради. Бу, ўз навбатида, сиёсий ва диний экстремизм учун қулай муҳитни пайдо қилиши, меҳнат муҳожирилари сони ортиши, натижада қимматли демографик дивиденднинг бой берилишига олиб келиши мумкин»<sup>11</sup>.

**Шавкат ЯДГАРОВ**

<sup>10</sup> Как разработать национальную молодежную стратегию. Руководство по молодежной политике для стран восточной Европы и Кавказа. <http://youth-partnership-eu.coe.int>.

<sup>11</sup> Как разработать национальную молодежную стратегию. Руководство по молодежной политике для стран восточной Европы и Кавказа. <http://youth-partnership-eu.coe.int>.



# Эл ардоқлаган нотариус

Сурхон воҳаси ўзининг ижод аҳли, машхур бахшилари, алпкелбат полвонлари, ишининг кўзини билувчи деҳқону тадбиркорлари билан машхур. Шу билан бирга халқ хўжалигининг турли соҳаларида, маориф ва фан, маданият, давлат органлари тизимларида меҳнат қилаётган фидойи сурхондарёликларнинг шўхрати ҳам аввалгилардан асло кам эмас.



Вилоятнинг Музработ тумани давлат нотариал идорасида оз эмас, кўп эмас, роппа-роса 45 йилдан буён нотариус лавозимида узлуксиз ишлаб келаётган Карим Қодировни соҳа вакиллари яхши билишади.

Нотариус Карим Қодиров ҳақида гап кетганда баъзилар «Ишига пухта, қонунга маҳкам ёпишиб олган» деса, бошқалар бировлар «Тўғрилиги учун ҳам шунча йилдан бери ишлаб юрибди-да, мол-дунё изидан қувганда бундай обрў топармиди» дейишади. Дарҳақиқат, ўз вазифасини ҳалол ва виждонан бажариб келаётган Карим ака халқнинг эҳтиромига сазовор бўлган, касбидан қадр топган инсон.

Карим Қодиров 1969–1975-йилларда Сурхондарё вилояти Музработ тумани судининг дёвонхона мудирини лавозимида ишлаш билан бирга ЎЗМУнинг

ҳуқуқшунослик факультетининг сиртқи бўлимида таҳсил олган, 1975 йилдан буён Музработ тумани давлат нотариал идорасида нотариус лавозимида ишлаб келмоқда.

Узоқ йиллар давомида аслия органларидаги самарали меҳнати, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга кўшиб келаётган ҳиссаси боис Карим Қодиров нафақат вилоят, балки республика миқёсида ҳам катта обрўга эга малакали ҳуқуқшунослардан бири саналади.

Карим Қодиров 6 нафар фарзанднинг отаси, 17 нафар набиранинг бобоси. 4 нафар фарзанди олий маълумотли. Фарзандларининг барчаси ота ўнгитларига амал қилган ҳолда ҳаётда ўз ўрнини топишган.

Табарруқ 75 ёшни қаршилаган Карим Қодировнинг нотариат соҳасидаги узоқ йиллик фаолияти тизим ходимлари

учун ибрат ва маҳорат мактаби вазифасини ўтайди. У киши ёш ҳуқуқшуносларга ўзининг билим ва тажрибасини ўргатиб, устозлик қилиб, ҳурмат қозониб келмоқда.

Карим Қодировнинг фидо-корона ва самарали меҳнатлари ўзининг муносиб баҳосини топган: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 29 августдаги фармонида биноан «Шўхрат» медали ҳамда «Ўзбекистон Конституциясига 25 йил» эсдалик нишони билан тақдирланган.

Хурматли Карим Қодиров, таваллуд айёмингиз муборак бўлсин! Сизга ва оила аъзоларингизга мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр, оилавий тотувлик, хонадонингизга тинчлик-осойишталик ҳамда фаровонлик тилаймиз!

Нотариал палата жамоаси

# Франция

## маъмурий судлари тизими ва фаолият йўналишлари

Францияда маъмурий судлар мутлақо мустақил бўлиб, умумий судлар тизимидаги бирон бир органга бўйсунмайди. Улар маъмурият маслаҳатчилари сифатида ҳаракат қилишади. Суд ҳаракатлари жамиятнинг барча соҳаларига тегишли: сиёсий – сайловлар; иқтисодий – ҳарбий иқтисодиёт; ижтимоий – жамоат хавфсизлиги; маданий – таълим ислоҳоти; ахлоқий – матбуот ва кино цензураси кабилар.



Француз юридик адабиётларида маъмурий адлия деганда давлат кенгаши томонидан назорат қилинадиган, ижро этувчи ҳокимият функцияларини бажариш билан боғлиқ назорат билан шуғулланадиган ва низоларни ҳал этувчи суд ҳамда судлар йиғиндиси тушунилади. Ушбу органлар турли ташкилотлар, масалан, солиқ тўловчи ва солиқ идоралари ўртасидаги низоларни кўриб чиқади ёки ҳукумат ёхуд вазирларнинг қонунга хилоф ҳаракат ва қарорлари туфайли уларни бекор қилиш имкониятини белгилайди<sup>1</sup>.

Судьяларнинг менежмент масалалари бўйича ихтисослашуви уларга кўриб чиқилаётган ишларнинг моҳиятига чуқурроқ кириб бориш, малакали қарорлар қабул қилишига ёрдам беради. Айрим экспертларнинг фикрича, маъмурий судлар назорати бошқа мамлакатлардаги умумий судлар маъмурияти устидан назоратдан кўра батафсилроқ ва тезкор. Францияда амал қиладиган қонун бўйича маъмурий ходимлар ва судьяларнинг ротацияси улар ўртасида ўзаро тушуниш ва ишончни мустаҳкамлашга ёрдам беради.

### Маъмурий судлар таркибига қуйидагилар киради:

-  Қўйи судлар (минтақавий ва ихтисослашган);
-  Апелляция судлари;
-  Давлат кенгаши.

Замонавий минтақавий маъмурий судларнинг асосчилари префектуралар кенгашлари бўлган. Ихтисослашган судлардан фарқли ўлароқ, вилоят судлари умумий маъмурий ҳисобланади. Улар қўйи даражаларда ихтисослашган судлар томонидан ҳал қилинмайдиган барча низоларни кўриб чиқади.

### Ихтисослашган судлар таркибига қуйидагилар киради:

- 1. Аудит суди.** Энг қадимги ва энг аҳамиятлиси бўлиб, минтақаларда ҳудудий ҳисоблаш палаталари мавжуд;
- 2. Интизомий судлар.** Маъмурий тизим ичида ҳам, ундан ташқарида ҳам мавжуд;
- 3. Пенсия ва бошқа имтиёзлар билан шуғулланадиган ижтимоий ҳимоя судлари.**

<sup>1</sup> Маклаков В.В. Административная юстиция во Франции // Правовые исследования во Франции: Сб. науч. тр. / РАН. ИНИОН. Центр социальных науч.-информ. исслед. отд. правоведения; под общ. ред. В.В. Маклакова. — М., 2007. С. 130-131.

*Ихтисослашган судлар маъмурий ходимларнинг тор ихтисослашувидан фойдаланиш ва уларда жамоат вакилларини жалб қилиш мақсадида тузилади.*

*Франциянинг энг юқори маъмурий суди – ҳукуматнинг бошқарув масалалари бўйича бош маслаҳатчиси – Давлат кенгашидир. У 5 бўлимдан иборат: тўртта маслаҳат ва битта низолар бўйича (суд).*



### Маслаҳат бўлимлари таркиби:

- жамоат ишлари;
- ички ишлар;
- молия;
- ижтимоий.

Улар вазирликларнинг гуруҳларини назорат қилади. Бўлимлар раислари вазирлар кенгаши томонидан давлат маслаҳатчилари – кенгаш аъзоларидан тайинланади. Давлат кенгаши раҳбари расман бош вазир, унинг ўринбосари эса адлия вазири ҳисобланади. Давлат кенгаши консультацияларни икки шаклда олиб боради: ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари бўйича хулосалар бериш ва тадқиқотлар ўтказиш ҳамда давлат бошқаруви масалалари бўйича ҳисобот тайёрлаш. Давлат кенгаши энг юқори маъмурий суд сифатида энг муҳим ҳолатлар бўйича алоҳида асосларда – ҳукумат ва вазирларнинг ҳужжатлари тўғрисидаги шикоятлар, ҳукумат томонидан тайинланган юқори мартабали мансабдор шахслар ва ҳарбий хизматчиларнинг мақоми тўғрисидаги низолар ва бошқа бир қатор махсус ёки ўта муҳим ишлар бўйича қарорлар қабул қилади. Суд иши Давлат кенгаши орқали бир неча филтрлар орқали ўтади, бу одил судловнинг етарли даражада юқори сифатини таъминлайди, аммо айни пайтда жараёни узайтиради. Иш нафақат қонун устуворлигини тўғри қўллаш нуқтаи назаридан, балки мохиятан ҳам кўриб чиқилади, чунки ишда тўпланган барча далиллар, аниқланган фактлар баҳоланади.

### Маъмурий процедура

Француз маъмурий ва суд жараёнида судлар томонидан фуқаролик ишлари бўйича олиб борилган барча судлар учун ҳам умумий қоидалар, ҳам фақат маъмурий ва суд процессларига тааллуқли махсус қоидалар қўлланади.

Умумий суд қоидаларига биноан маъмурий суд мустақил равишда иш юритишни кўзга тишга ҳақли эмас. Бу даъвогарнинг даъво аризаси мавжуд бўлишини англатади.

Бундай ҳолда суд ишни даъво аризаси билан боғлиқ, яъни унда кўрсатилган даъвогар ҳажми, даъвогарнинг далиллари ва тақдим этилган важларга асосланиб кўриб чиқади. Кичик ишлар бундан мустасно, барча суд қарорлари биргаликда қабул қилинади. Иш бўйича суд қарори қатъий белгиланган шаклга эга. Бироқ бу оқилон асосланиши керак. Қарор аниқ ва ишончли тарзда шакллантирилиши лозим. Суднинг кучга кирган қарори фуқаролар ва ташкилотлар учун қонун кучига эга ва мажбурийдир.

Николаас Бонналнинг (2003 йилда Париж буюк суди президенти) сўзларига кўра, Франция суд муассасалари икки пирамидани ташкил этади. Булар – маъмурий судлар ва умумий юрисдикция судлари<sup>2</sup>.

<sup>2</sup> Bonnal' N. Frantsuzskie sudebnye uchrezhdeniya // Sudebnaya sistema i sudebnye uchrezhdeniya / Pod red. P. Tryusha / Posol'stvo Frantsii v Rossii. — M.: Gnozis/Logos, 2003. С. 45.

## Шундай қилиб, бир қатор қонун ҳужжатларига мувофиқ умумий юрисдикция судлари:

- ◆ фуқаролик ҳолати ва фуқаролик тўғрисидаги низоларни кўриб чиқади;
- ◆ билвосита солиқлар (хусусан, қўшилган қиймат солиғи);
- ◆ ижтимоий таъминот бўйича;
- ◆ танлов кенгашининг қарорлари тўғрисида;
- ◆ почта алоқаси соҳасидаги давлат жавобгарлиги тўғрисида;
- ◆ халқ таълими муассасалари ўқувчилари томонидан етказилган зарар учун давлат жавобгарлиги;
- ◆ жамоат транспортининг етказган зарарлари учун жавобгарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқади<sup>3</sup>.

Маъмурий судлар, масалан, давлат кўчмас мулкни сотиш ва ижарага бериш тўғрисидаги ҳуқуқ шартномалари ҳақидаги низоларни кўриб чиқади. Демакки, Францияда ҳозирги пайтда бир вақтнинг ўзида иккита мустақил суд тизими мавжуд:

### 1. Умумий юрисдикция судлари;

### 2. Маъмурий судлар.

Улар мустақил ва бир-бирини тўлдиради. Уларнинг ваколатлари соҳаларини аниқлаш билан боғлиқ бўлган низолар низоларни ҳал қилувчи суд томонидан ҳал қилинади (бошқа атамалар ушбу суд органини тайинлаш учун ҳам қўлланилади: «юрисдикциявий низолар бўйича суд», «низолар суди»). Мазкур икки тизимлиликнинг мавжудлиги Франция суд тизимининг ўзига хос хусусияти бўлиб, Франция Конституциявий кенгаши белгиллаганидек, республика қонунлари томонидан тан олинган ва конституциявий аҳамиятга эга бўлган асосий принципдир<sup>4</sup>. (Франция Конституциявий кенгаши 1987 йил 23 январдаги 86-224-қарорида маъмурий ва умумий суд юрисдикцияларини ажратиш принципининг муҳимлигини эътироф этган<sup>5</sup>.)

Биринчи инстанция умумий юрисдикцияси судлари фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судларни ўз ичига олади. Биринчи инстанция фуқаролик судлари таркибига маҳаллий судлар, кичик судлар, йирик судлар ва бир қатор ихтисослашган судлар қиради (тижорат судлари, жамоат кенгашлари, ер ижараси муносабатлари бўйича тенг

ҳуқуқли судлар, ижтимоий таъминот судлари ва бошқалар). Биринчи инстанция судлари таркибига маҳаллий судлар, полиция судлари, тузатиш судлари ва бошқалар қиради. Биринчи жиноий суд маҳкамаларига вояга етмаганлар ишлари бўйича судлар ва денгиз савдо судлари қиради.

Иккинчи инстанция умумий юрисдикция судлари эса ихтисослашган палаталардан иборат апелляция судларидир. Умумий судлар тизимининг олий институти кассация суди ҳисобланади.

Биринчи инстанция маъмурий суд институтлари маъмурий судлар, махсус юрисдикция маъмурий судлари бўлиб, уларга молиявий судлар ҳам қиради (масалан, аудит суди, вилоят назорати суди, молия интизоми суди). Турли хил ихтисослаштирилган палаталардан иборат апелляция инстанцияси судлари иккинчи инстанция маъмурий суд институтлари сифатида фаолият юритади.

Бошқача айтганда француз суд институтларининг тузилишини қўшалоқ пирамида шаклида ифодаланиш мумкин, ҳар бирининг тепасида ягона олий суд институти мавжуд: маъмурий судлар тизимининг бошида Давлат кенгаши ва умумий юрисдикция судлари бошида эса Олий кассация суди туради. Бу эса мамлакат бўйлаб судларнинг хилма-хиллигига асосланади<sup>6</sup>.

### Марат ХАЙИТОВ,

Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги судьялар олий мактаби магистратура тингловчиси

<sup>3</sup> Talapina E.V. Administrativnoye pravo Frantsii segodnya // Ezhegodnik sravnitel'nogo pravovedeniya. — M.: Norma, 2004. C. 11-12.

<sup>4</sup> Bonnal' N. Frantsuzskie sudebnye uchrezhdeniya // Sudebnaya sistema i sudebnye uchrezhdeniya / Pod red. P. Tryusha / Posol'stvo Frantsii v Rossii. — M.: Gnozis/Logos, 2003. C. 46.

<sup>5</sup> Décision № 86-224 DC du 23 janvier 1987. URL: <http://www.conseil-constitutionnel.fr/conseil-constitutionnel/francais/les-decisions/acces-par-date/decisions-depuis-1959/1987/86-224-dc/decision-n-86-224-dc-du-23-janvier-1987.8331.html>.


<sup>6</sup> Bonnal' N. Frantsuzskie sudebnye uchrezhdeniya // Sudebnaya sistema i sudebnye uchrezhdeniya / Pod red. P. Tryusha / Posol'stvo Frantsii v Rossii. — M.: Gnozis/Logos, 2003. C. 45.



# Маъмурий назоратдаги шахслар

## билан амалга ошириладиган профилактик ишларнинг ҳуқуқий асослари

Ички ишлар органларининг маъмурий назоратдаги шахслар билан амалга оширадиган профилактик ишларининг самарадорлиги, ушбу фаолиятда янги усуллар, шакллар ва бошқа турдаги чора-тадбирлар қўлланиши унинг ҳуқуқий асосларини замонга мос равишда ишлаб чиқишни тақазо этади.



Шу нуқтаи назардан, маъмурий назоратдаги шахслар билан амалга ошириладиган профилактик ишларга оид ҳуқуқий асосларни яратишда ушбу тоифадаги шахсларнинг алоҳида жиҳатларига эътибор қаратиш ва самарали таъсир этадиган профилактик тадбирларни

белгилаш талаб этилади.

Хусусан, маъмурий назоратдаги шахслар билан профилактик ишларни такомиллаштиришда уларнинг тоифаларига қараб профилактик чораларни ишлаб чиқиш ва йўналтириш мақсадга мувофиқ.

### **2019 йил 2 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг**

#### **«Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида»ги қонунда маъмурий назорат ўрнатиладиган шахсларнинг қуйидаги тоифалари кўрсатилган:**

- 1) суд томонидан ўта хавfli рецидивист деб топилган;**
- 2) оғир ёки ўта оғир жиноятлар содир этганлик учун озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган;**
- 3) ҳар қандай қасддан қилинган жиноятлар учун икки ёки ундан ортиқ марта озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган;**
- 4) Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига биноан оғир ёки ўта оғир жиноят ҳисобланадиган қилмишларни содир этганлик учун бошқа давлат ҳудудида озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони ўтаган<sup>1</sup>.**

#### **Мазкур қонуннинг 7-моддасида назоратдаги шахсларга нисбатан суднинг содир этилган қилмишнинг хусусияти ҳисобга олинган ҳолдаги қарори асосида қуйидаги маъмурий чекловлар белгиланиши мумкинлиги кўрсатилган:**

- 1) сутканинг белгиланган вақтида яшаш жойидан ташқарида бўлишни тақиқлаш;**
- 2) муайян жойларда бўлишни тақиқлаш;**
- 3) суд томонидан белгиланган ҳудуд доирасидан ички ишлар органларининг рухсатисиз чиқишни тақиқлаш;**
- 4) рўйхатдан ўтиш учун ҳар ойда бир мартадан тўрт мартагача ички ишлар органига (ички ишлар органининг таянч пунктига) келиш;**
- 5) алкогольли ичимликларни истеъмол қилишни тақиқлаш<sup>2</sup>.**

*Яъни, қонунда маъмурий назорат ўрнатиладиган шахсларнинг тўртта тоифаси ва уларга маъмурий назорат ўрнатилганда белгиланадиган бешта чеклов кўрсатилган.*

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 апрелдаги «Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида»ги қонуни // URL: <http://www.lex.uz>.

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 апрелдаги «Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорати тўғрисида»ги қонуни // URL: <http://www.lex.uz>.



Таҳлил қиладиган бўлсак, тўрт тоифадаги шахсларнинг содир этган жиноятлари ижтимоий хавфлилик даражаси ва содир этиш механизми бир-биридан фарқланса-да, уларга нисбатан бир хил чекловлар ўрнатилиши белгиланган. Бизнингча, чекловларни маъмурий назоратдаги шахсларнинг содир этган жинояти ва хулқиға қараб белгилаш лозим.

Масалан, қонуннинг 7-моддасида, биринчидан, суд томонидан ўта хавфли рецидивист деб топилганларга ва оғир ёки ўта оғир жиноятлар содир этганлик учун озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган ва Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексиға биноан оғир ёки ўта оғир жиноят ҳисобланадиган қилмишларни содир этганлик учун бошқа давлат ҳудудида озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони ўтаган шахсларга белгиланган бешта чекловнинг барчасини белгилаш, иккинчидан, ҳар қандай қасддан қилинган жиноятлар учун икки ёки ундан ортиқ марта озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган шахсларга нисбатан эса биринчи, иккинчи ва учинчи чекловларни белгилаш мақсадга мувофиқ.

Фикримизча, мазкур ўзгартишларнинг киритилиши инсонпарварлик, одиллик принципларини таъминлашга хизмат қилади.

**Таъкидлаш жоизки, жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назоратни амалга оширувчи асосий субъект ҳисобланган ички ишлар органларининг ушбу йўналишдаги фаолияти асосан мазкур қонун нормалари билан тартибга солинади. Шу боис жамиятдаги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда, унинг нормаларини доимий равишда, замонга мос тарзда такомиллаштириб, зарурий ўзгартиш ва қўшимчалар киритиб бориш муҳим аҳамият касб этади.**

Ҳар қандай демократик давлатда унинг барча органлари ва фуқаролари конституция талабларидан келиб чиқиб, унга таянган ҳолда фаолият юритадилар. Шундай экан, профилактика хизматлари фаолиятини ташкил этишнинг ҳуқуқий

асосини ҳам, шубҳасиз, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ташкил этади.

Конституция шахснинг ҳар томонлама ривожланишини ҳуқуқий жиҳатдан мустақкамлайди ва кафолатлайди. Бу эса шахсга салбий таъсир қилувчи ҳолатларга тўсиқ бўлиб, ҳуқуқбузарликларга олиб келувчи сабаб ва шароитларни бартараф этишга хизмат қилади. Унинг аксар қоидалари бевосита ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хусусиятига эга бўлиб, фуқароларни жиноий тажовузлардан ҳимоя қилиш ҳамда уларни жамиятдаги умуминсоний, ахлоқий ва ҳуқуқий нормалар руҳида тарбиялашда асосий манба ҳисобланади.

Конституциянинг 19-моддасида «Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқдир. Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустақкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас»лиги қатъий белгилаб қўйилган. Мазкур нормани шундай талқин қилиш мумкинки, профилактика инспекторлари маъмурий назоратдаги шахслар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олишда маъмурий назорат ўрнатилган шахсларнинг уларга белгиланган чекловлардан ташқари бирор-бир ҳуқуқи чекланишига йўл қўймастиклари лозим.

«Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида»ги қонун айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назоратни амалга оширишда бир-бири билан бевосита боғлиқ бўлган профилактик чора-тадбирларни белгиловчи нормаларни ўз ичига олади.

Мазкур қонун ички ишлар органларига жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъму-



рий назоратни амалга оширишда: биринчидан, уларга нисбатан тарбиявий-профилактик таъсир чораларини; иккинчидан, ушбу тоифадаги шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштиришни, шу жумладан, уларга ижтимоий-иқтисодий ёрдам кўрсатилишини, учинчидан, уларда ижобий хислатларни шакллантиришни; тўртинчидан, суднинг қарори билан мажбурлов чораларини қўллашни назарда тутувчи вазифаларни юклайди.

Мазкур қонунда кўрсатилган вазифаларни таҳлил қиладиган бўлсак, ички ишлар органларининг маъмурий назоратдаги шахслар билан иш олиб боришда асосий эътибор шахснинг ижтимоий реабилитацияси ва ижтимоий мослашувини амалга оширишга қаратилганини кўриш мумкин. Жумладан, шахс ҳақидаги маълумотларни тўплаш, ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш, яқка тартибдаги профилактик ишларни амалга ошириш каби вазифалар кўпроқ маъмурий назоратдаги шахснинг ижтимоий-иқтисодий ва бошқа муаммоларини ўрганишга, унга ёрдам беришга қаратилган.

Фақатгина чекловларга риоя этишини назорат қилиш ёки чекловларни бузганлиги учун жавобгарликка тортишни назарда тутувчи мажбурлов чораларини ўз ичига олади.

Шу ўринда, қонуннинг 17-моддаси учинчи хатбошида «назоратдаги шахснинг ўзига нисбатан белгиланган маъмурий чекловларга риоя этиши ва яшаш, иш, ўқиш ёки хизмат жойи бўйича зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажариши устидан назоратни амалга ошириш»<sup>3</sup> деб белгиланган вазифаси «назоратдаги шахснинг ўзига нисбатан белгиланган маъмурий чекловларга риоя этиши ва яшаш, иш, ўқиш ёки хизмат жойида жамиятда ўрнатилган тартиб-қоидаларга қатъий амал қилиши, шунингдек, ўқиш ва хизмат жойидаги кун тартибига риоя қилиши, атрофидаги шахслар (ойла аъзолари, қўни-қўшнилар, ҳамкасблари, иш жойи маъмурияси) билан хушмуомалада бўлиш бўйича зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажариши устидан назоратни амалга ошириш» тарзида кенгроқ ёритилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.



*Таъкидлаш жоизки, маъмурий назоратдаги шахслар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ҳуқуқий асосларни мунтазам такомиллаштириб, янги нормалар билан тўлдириб бориш рецидив жиноятларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.*

**Ҳамро АХМЕДОВ,**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ академияси  
 Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси кафедраси ўқитувчиси

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 апрелдаги «Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида»ги қонуни // URL: <http://www.lex.uz>.



# Вояга етмаган гувоҳлар иштироки:

## педагог ва психолог мақоми аниқ белгиланганми?

Жиноят-процессада педагог ва психологнинг иштироки долзарб аҳамиятга эга. Бугунги кунда ўрганилаётган муҳим муаммолардан бири педагог ва психологнинг процессуал мақомидир. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси ЖПК 6-боби («Жиноят процессида иштирок этувчи бошқа шахслар»)да педагог ва психологнинг ҳуқуқий мақоми алоҳида моддаларда қатъий белгиланмаган<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал кодекси. - Т.: Ўзбекистон, 2018.

Аммо соҳа олимлари илмий давраларда ҳуқуқий жиҳатдан педагог ва психологнинг жиноят процесси иштирокчилари деб ҳисоблайдиларми деган саволга қарама-қарши фикрларни билдирдилар. Бирлари педагог ва психологга мутахассис сифатида қарайди, чунки улар суд ишларини юритишда ўзига хос бўлган асосий белгиларга эга, биринчидан, махсус билимлар соҳиби, иккинчидан эса ишдан манфаатдор эмас.

О. Пюссанинг таъкидлашича, «Педагогнинг сўроқ қилишдаги иштирокига процессуал қонунчилик томонидан мутахассис сифатида қараш лозим, у терговчига у ёки бу ишларда ёрдамчи, консультантдир»<sup>2</sup>. У ўз асарларида педагог ўз билимига асосланган ҳолда терговчига вояга етмаган шахс билан алоқа ўрнатишда қўмаклашишини айтиб ўтган.

А. Новиков ҳам педагог ва психолог мутахассис категориясига киришини айтиб ўтади. Бироқ айрим ҳуқуқшунос олимлар педагог ва психологга жиноят процессининг мустақил иштирокчиси сифатида қарайдилар.<sup>3</sup> Ҳуқуқшунос олим М.Строговичнинг айтишича, терговчи томонидан вояга етмаган айбланувчини сўроқ қилишда педагогнинг мутахассис сифатида тенглаштириб жалб қилиш нотўғри. Унинг тарафдорлари куйидаги мулоҳазаларни билдирадилар, биринчидан, педагог ва психолог хорижий мамлакатлар процессуал қо-

нунчилиги бўйича кенгрок ҳуқуқларга эгадилар, иккинчидан, жиноят процессида мутахассис, педагог ва психолог бошқа-бошқа мақсадларда жалб қилинади; педагог ва психолог терговчига дастлабки терговни ташкил этишда ёрдам бериш учун жалб қилинмайди, балки вояга етмаганлар ҳуқуқларини таъминлаш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун иштирок этади<sup>4</sup>.

Ҳуқуқшунос олимлардан яна бири Н.Машинкова эса психолог жиноят процессида қатнашиши учун психология мутахассислиги бўйича олий маълумотга эга бўлиши ва мутахассислиги бўйича камида уч йил тажриба орттирган бўлиши кераклигини айтади<sup>5</sup>.

Баъзи олимлар жиноят процессида педагогнинг тўғридан-тўғри иштирок этишига ўтмиш қолдиғи сифатида қарамқоқда. Улар бунга сабаб сифатида ўтган асрда таълим муассасаларида ва бошқа ташкилотларда психология мутахассисли-

<sup>2</sup> Пюсса О. Участие педагога в допросе несовершенно-летних // Правоведение. 1966. № 4. С. 163–165.

<sup>3</sup> Новиков А.А. Институт специалиста в уголовном суде-производстве России: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. Ка-лининград, 2007. С. 8.

<sup>4</sup> Строгович М.С. Курс советского уголовного процесса. М., 1970. Т. 2. С. 477.

<sup>5</sup> Машинская Н. В. Проблемы обеспечения эффективного участия педагога и психолога в досудебном производстве по уголовным делам несовершеннолетних // Вестник Северного (Арктического) федерального университета. – Серия «Гуманитарные и социальные науки». – 2015. – № 2. – С. 123–130.



ги бўйича профессионал кадрлар етишмаганлиги учун бу функция педагогларга юклатилганлиги билан изоҳлайди<sup>6</sup>.

Хуқуқшунос олимлардан бири Ф.Багаутдиновнинг айтишича, вояга етмаганларни сўроқ қилишда жинсига оид муаммолар ҳам мавжуд<sup>7</sup>. Демак, агарда вояга етмаган шахс эркак жинсига тааллуқли бўлса ёхуд аёл жинсига мансуб бўлса, бунда педагог ёки психолог қайси жинсда бўлиши очик савол бўлиб қолади. Амалиётда шундай ҳолатлар бўладики, ҳатто сўроқ қилинаётган шахс бир вақтнинг ўзида ҳам вояга етмаган, ҳам руҳий касал бўлиши мумкин.

\*\*\*

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг «Мутахассис» дея номланган 69-моддасида «Тергов ва суд муҳокамасини ўтказишда далилларни топиш ва мустаҳкамлашда суриштирувчига, терговчига, прокурорга ва судга ёрдам бериш учун мутахассис чақирилади. Мутахассис сифатида шифокор, педагог ҳамда зарур билим ва малакага эга бўлган бошқа шахслар чақирилиши мумкин»лиги қайд этилган<sup>8</sup>.

Фикримизча, жиноят-процессуал қонунчиликда педагог ва психолог мустақил иштирокчилар сифатида кўрилиб, «жиноят процессида иштирок этувчи бошқа шахслар» бобига уларнинг процессуал мақоми батафсил мустаҳкамлаб қўйилиши мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, Жиноят-процессуал кодексининг 121-моддаси (Вояга етмаган гувоҳ ёки жабрланувчини сўроқ қилишнинг ўзига хос жиҳатлари)ни ҳам қуйидаги тахрирда баён этиш ўринлидир: «Ўн олти ёшгача бўлган гувоҳ ёки жабрланувчини сўроқ қилиш қонуний вакили ёки катта ёшдаги яқин қариндоши, педагог, психолог ёки жабрланувчининг вакили иштирокида уларнинг розилиги билан ўтказилади. Кўрсатилган шахслар сўроқ қилувчининг руҳсати билан гувоҳ ёки жабрланувчига саволлар беришлари мумкин.

Жиноят ишининг барча босқичида педагог ва психологнинг иштирок этиши шарт».

Юқоридагилардан келиб чиқсак, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 6-бобида педагог ва психологнинг хуқуқий мақоми мустаҳкамлаш зарурдир.

### Педагог, психолог

Педагог – муассасаларда педагог лавозимида банд бўлган, умумтаълим ёки профессионал ўқитиш дастури асосида фаолият кўрсатувчи ҳамда қонун ҳужжатларида кўрсатилган тартибда тергов ҳаракатларига, яъни сўроқ қилиш, юзлаштириш, таниб олишда, шунингдек, вояга етмаган жабрланувчи, гувоҳ, гумонланувчи, айбланувчи ва судланувчининг кўрсатувларини текшириш учун жалб қилинган шахсдир.

Шунингдек, педагог – махсус билим ва кўникмаларга эга бўлган шахсдир. Педагог жиноят-процессуал қонунчилигида суриштирувчига, терговчига, прокурорга ва судьяга вояга етмаганлар билан тўғри педагогик алоқа ўрнатишга кўмаклашади.

**Психолог – ўсмирлар психологиясига оид билимларга эга, қонун ҳужжатларда кўрсатилган ҳолларда тергов ҳаракатларига, яъни сўроқ қилиш, юзлаштириш, таниб олиш, шунингдек, вояга етмаган жабрланувчи, гувоҳ, гумонланувчи, айбланувчи ва судланувчининг кўрсатувларини текшириш учун жалб қилинган шахсдир.**

Психолог жиноят ишида қатнашиши мобайнида вояга етмаган шахснинг хулқи, фель-атвори ва юриш-туриш мотивацияси билан боғлиқ тушунтириш беради. Шунингдек, вояга етмаган шахсларга малакали ёрдам бериш, негатив, индивидуал-психологик кўринишдаги (тажовузкор кўринишга эга, импульсивлиги юқори (таъсирчан) ва эмоционал бузилишлар) ёки терговда психик бузилишлар натижасида турли қийинчиликлар туғдираётган шахсларга тушунтириш ва кўмаклашиш учун жалб қилинадиган шахс ҳисобланади.


<sup>6</sup> Любичев С. Г. Особенности расследования преступлений несовершеннолетних на современном этапе // Проблемы отправления правосудия по уголовным делам в современной России: теория и практика: сборник научных статей. – Ч. 1. – Курск: Изд-во Курск. гос. техн. ун-та, 2007. – С. 163–166.

<sup>7</sup> Багаутдинов Ф. Н. Ювенальная юстиция начинается с предварительного следствия // Российская юстиция. 2002. № 9.

<sup>8</sup> Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал кодекси. 69-модда. Ўзбекистон, 2018.

## Педагог ва психолог қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- 1) агарда махсус билимларга эга бўлмаса, жиноят ишида иштирок этишдан воз кечиш;
- 2) вояга етмаган шахсга оид жиноят иши материаллари билан танишиш;
- 3) суриштирувчи, терговчи ва суднинг рухсати билан жиноят процесси иштирокчиларига саволлар бериш;
- 4) вояга етмаганга салбий таъсир этадиган саволларни беришга йўл қўймаслик тўғрисида илтимосномалар киритиш;
- 5) сўроқ баённомаси билан танишиш ва тергов тугатилгандан кейин билдирилган қайдлар тўлиқлиги ва тўғрилиги ҳақида ёзма эътирозлар билдириш;
- 6) унинг ҳуқуқларини чеклаб қўяётган суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг қарорлари ҳамда ҳаракат ва ҳаракатсизлигига эътирозлар билдириш;
- 7) терговда ҳозир бўлиш билан боғлиқ сарф-харажатлар ва тергов ҳаракатларида иштирок этгани учун мукофот олиш.



Вояга етмаган шахс иштироки билан боғлиқ тергов бошланишидан олдин педагог ва психологга ҳуқуқларини тушунтириш ҳамда бу ҳақда кейин баённомада қайд қилиш лозим бўлади.

Педагог ва психолог суриштирувчи, терговчи ёки суд қақирувидан бош тортмаслиги, жиноят ишида иштироки билан маълум бўлган дастлабки тергов материалларини ошкор қилмаслиги керак.

\*\*\*

Жиноят-процессуал қонунчиликда вояга етмаганлар терговчи билан боғлиқ муаммолардан яна бири – амалиётда сўроқ қилинаётган вояга етмаган жабрланувчи, гувоҳ, айрим ҳолатларда гумонланувчи, айбланувчи шахс, неча ёшдан сўроқ баённомасини имзолаши лозим деган саволдир.

Қўпгина жиноят ишларини ўрганиш жараёнида 7-9 ёшдаги жабрланувчи ва гувоҳнинг сўроқ баённомасида аниқ кўриниб турибдики, улар базўр ёзишни билади ҳамда қайта имзола-

ганда ифодаси ўзгаргани яққол сезилади. Яъни, боланинг жисмоний ва интеллектуал лаёқати ҳали тўлиқ ривожланмаган. Мантиқан ўйлаб кўрсак, ҳали вояга етмаган шахс жиноят процессуал қоидалар билан таниш эмас, шунингдек, бундай ҳолларда у ҳимояга муҳтождир ва кимни вакил сифатида биринчи навбатда қақирриш кераклиги ёхуд кимни вакил сифатида қақирмаслик керак (ғиёҳванд, сурункали алкоголь истеъмол қиладиганлар каби) деган саволлар очик қолмоқда.

Бизнингча, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 10-бобига (Сўроқ қилишнинг умумий қоидалари) «агарда вояга етмаган жабрланувчи ва гувоҳ жисмоний нуқсонли, интеллектуал ривожланмаганлиги ёхуд соғлиги туфайли баённомани имзолай олмаса ҳимоячи, қонуний вакиллари, вакиллари ёки холислар баённома билан танишиб чиқиб, ўзлари баённомани имзолайдилар деган тушунчани киритиш мақсадга мувофиқдир.



\*\*\*

Педагог сўроқ жараёнида специфик вазифаларни бажариб, саволлар бериш кетма-кетлиги, шакли, сўроқнинг давом этиш мақбуллиги, педагогик нуқтаи назардан тўғри савол бериш стилини танлаш, сўроқ қилинувчи билан психологик контакт ўрнатиш ҳамда вояга етмагандан тўлиқ ва ишончли кўрсатувлар олиш вазифасини бажаради.

Мутахассис эса махсус билимларга эга бў-

либ, жиноят процессуал қонунчилигида кўрсатилган ҳолларда процессуал ҳаракатларда хужжат ёки ашёларни олиб қўйиш, тасдиқлаш, аниқлаш, жиноят иши материалларида техник воситаларни қўллаш, экспертга саволлар бериш, шунингдек, судга ўзининг профессионал фаолиятига тааллуқли саволларга жавоб ва тушунтириш беришда кўмаклашувчи шахс ҳисобланади.

**Юқоридагилардан келиб чиқиб, вояга етмаган шахсни сўроқ қилишда педагог ва психологнинг иштирок этиши ҳуқуқий мақомига оид қўйидаги таклифларни берамиз:**

- 1) вояга етмаган гувоҳлар иштироки билан боғлиқ суруштирув, дастлабки тергов ва суд жараёнларида психологнинг иштирок этишини қатъий равишда белгилаб қўйиш (психолог вояга етмаганлар билан боғлиқ ишларда бўлган воқеани тиклашга, руҳий, психологик ва эмоционал бузилишларни енгиб ўтишга, суриштирувчи ва терговчига тўғри ва аниқ саволларни тузишда ёрдам беради);
- 2) психологнинг суриштирув, тергов ва судга ёрдам бериш учун қақирилиши талаб этилмаслиги лозим, балки вояга етмаган гувоҳларнинг қонуний манфаатларини (ҳуқуқ ва эркинликларини) ҳимоя қилиш учун қақирилиши керак;
- 3) суриштирувчи ва терговчи вояга етмаган гувоҳни сўроқ қилишдан олдин психологнинг иштирокини таъминлаши ва психолог жиноят иши билан танишиб чиқиши лозим;
- 4) психолог мутахассислиги бўйича амалиётда камида 3 йил стажга эга бўлиши;
- 5) жиноят-процессуал қонунчиликда вояга етмаган гувоҳларнинг минимал ёшини белгилаш;
- 6) вояга етмаган шахс ўғил бола бўлса эркак психолог ёхуд қиз бола бўлса аёл психолог иштирокини таъминлаш (масалан, жинсий зўравонлик билан боғлиқ жиноятларда);
- 7) жиноят-процессуал қонунчиликка педагог ва психологга оид тушунчаларни киритиш лозим (чунки мураббий, ўқитувчи, педагог, тарбиячи бир-бирига яқин тушунчалар);
- 8) жиноят-процессуал қонунчиликка қайси ҳолатларда педагог ёки психолог қақирилиши юзасидан аниқлик киритиш;
- 9) суриштирувчи, терговчи ва суд нафақат давлат муассасаларида, балки ННТ, хусусий секторда фаолият кўрсатаётган профессионал психологларни ҳам жалб қилиши мақсадга мувофиқдир.



# Ғазначилик тизимининг давлат бюджети ижросида тутган ўрни



Ҳозирги бозор муносабатларига ўтиш шароитида мамлакат молия сиёсатининг мазмуни тубдан ўзгариб, бюджет тизимини мустақамлаш унинг таркибий қисми бўлиб қолди. Давлат бюджети давлатнинг ягона марказлаштирилган пул жамғармасидир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 122-моддаси ҳамда Бюджет кодексининг 34-моддасига мувофиқ Ўзбекистоннинг давлат бюджети республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларидан ташкил топган.

Бюджет тизими барча даражадаги бюджетлар, давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғарма-

лари, бюджет тизими бюджетларини тузиш ва ташкил этиш принциплари, улар ўртасида бюджет жараёни мобайнида юзага келадиган ўзаро муносабатлар йиғиндисини ўзида ифодалайди.

Бюджет таснифи Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 18-моддасига асосан бюджет тизими бюджетларининг даромадлари ва харажатлари, шунингдек давлат бюджети тақчиллигини қоплаш манбаларини гуруҳлашдан иборат бўлиб, бюджет тизими бюджетларини шакллантириш, тузиш ва ижро этишни тизимлаштириш учун фойдаланилади.

Бюджет тизими бюджетлари даромадларининг таснифи даромадларни уларнинг турлари ва манбалари бўйича кодлашдан иборат.

Маблағлари солиқлар, мажбурий тўловлар ва жарималар, шунингдек бюджет субсидияларидан шакллантириладиган давлат мақсадли жамғармалари давлат функцияларини амалга ошириш учун ташкил этилади.

Ўзбекистон Республикасида давлат бюджети икки: даромадлар ва харажатлар қисмларидан иборат. Даромад қисмида амалдаги қонунчиликда назарда тутилган барча манбалар бўйича тушумланинг ҳажмлари акс эттирилиб, бу тушумлarga давлат томонидан белгиланган солиқлар, йиғимлар ҳамда бошқа даромадлар кирради. Харажатлар қисмида бюджет маблағларидан фойдаланишнинг аниқ миқдори ва йўналишлари белгиланган бўлади.

**Давлат бюджети даромадлари қуйидагиларга асосан шакллантирилади:**

- ◆ солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар;
- ◆ давлат активларини жойлаштириш, фойдаланишга бериш ва сотишдан олинган даромадлар;
- ◆ мерос, ҳада ҳуқуқи бўйича давлат мулкига ўтган пул маблағлари;
- ◆ юридик ва жисмоний шахслардан, шунингдек чет давлатлардан тушадиган қайтарилмайдиган пул тушумлари;
- ◆ резидент-юридик шахсларга берилган бюджет ссудаларини ва чет давлатларга ажратилган кредитларни тўлаш ҳисобидан тўловлар;
- ◆ қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа даромадлар ҳисобидан.

Давлат бюджетининг харажат қисми таркибида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар бюджетларининг ва Тошкент шаҳри бюджетининг, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг захира жамғармалари ҳисобга олинади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар бюджетларининг ва Тошкент шаҳри бюджетининг, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг захира жамғармалари маблағларининг тақсимловчилари тегишinchа Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида Давлат солиқ хизмати ва Давлат божхона хизмати органлари бюджетнинг даромадлар қисми ижро этилишини таъминлайди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги қонунининг 1-моддасига биноан давлат со-

лиқ хизмати органлари солиқлар, йиғимлар ва бошқа тўловларнинг тўлиқ ва ўз вақтида бюджетга тушишини таъминлаш мақсадида тузилади. Қонуннинг 4-моддасига биноан эса давлат солиқ хизмати органларининг асосий вазифаларидан бири – солиқлар тўғри ҳисоблаб чиқарилиши, тўлиқ ва ўз вақтида тўланишини назорат қилишдир. Назорат функциясини амалга ошириш учун солиқ органларига бир қанча ҳуқуқ ва мажбуриятлар юкланган.

Давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар, давлат бюджетидида маблағлар назарда тутилган юридик шахслар, шунингдек бюджет жараёнининг бошқа иштирокчилари фазначиликка тақдим этиладиган маълумотларнинг тўғрилиги ва асослиги учун жавобгар бўладилар.

Ягона ғазна ҳисобварағи фазначилик томонидан бошқариладиган махсус банк ҳисобварағи бўлиб, бу ҳисобвараққа давлат бюджети маблағлари ҳамда бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари киритилади. Ягона ғазна ҳисобварағидан давлат бюджетидида маблағлар назарда тутилган юридик ва

жисмоний шахсларнинг харажатлари тўланади, шунингдек давлат мақсадли жамғармаларининг харажатлари амалга оширилади.

Ягона ғазна ҳисобварағи белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида фазначилик томонидан очилади. Фазначилик Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида ва ўзга банкларда бошқа банк ҳисобварақлари очилган ҳуқуқига эга. фазначиликнинг банк ҳисобварақларидан маблағларнинг сўзсиз тартибда ҳисобдан чиқарилишига йўл қўйилмайди.

Давлат бюджетининг харажатлари ягона ғазна ҳисобварағи ёки фазначиликнинг бошқа банк ҳисобварақларидан белгиланган муддатларда ва тегишinchа республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, маҳаллий бюджет, давлат мақсадли жамғармалари маблағларининг ҳамда бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағларининг қолдиқлари доирасида амалга оширилади.

**Нодир МАМАТҚУЛОВ,**  
«Микрокредитбанк» АТБ  
юридик хизмат департаменти  
бош мутахассиси





МИКРОКРЕДИТБАНК

# 27 июнь

«МИКРОКРЕДИТБАНК» ЖАМОАСИ 27 ИЮНЬ – МАТБУОТ  
ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ  
МУНОСАБАТИ БИЛАН СОҲА ВАКИЛЛАРИНИ  
САМИМИЙ ТАБРИКЛАЙДИ




12 ОЙ

**БҲМ x50**

БАЗАВИЙ ҲИСОБЛАШ МИҚДОРИ

## «ОНЛАЙН ИСТЕЪМОЛ КРЕДИТИ»

Юртимиз ривожига йўлидаги машаққатли ва олижаноб фаолиятингизда улкан муваффақиятлар тилайди. Шунингдек, барчага юртимизда илк бора Микрокредитбанк томонидан амалиётга жорий қилинган «Онлайн истеъмол кредити»дан фойдаланишни тавсия қиламиз.



**МАҚСАД САРИ ДАДИЛ ҚАДАМ!**

Хизматлар лицензияланган